

№ 3-4
2019 йил

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ISSN: 2181-9416

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



2019 ЙИЛ 18-25 СЕНТЯБРЬ КУНЛАРИ БИР ХУҚУҚЛАРИ КЕНГАШИНИНГ СУДЬЯЛАР ВА А БЎЙИЧА МАХСУС МАЪРУЗАЧИСИ ЖАНОБ Д



УЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ИНСОН АДВОКАТЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ДИЕГО ГАРСИЯ-САЯН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛДИ

«Ўзбекистон судьялар ва адвокатлар ҳуқуқи-ни ҳимоя қилишда муҳим ишларни амалга оширмоқда. Бу борада баъзи қийинчиликларга ҳам дуч келинган. Шу билан бирга яна бир қатор ёрдамчи қарорлар ва ҳаракатларни амалга ошириш керак. Биз давлат ташкилотлари, суд мутасаддилари, маҳаллий ҳокимият вакиллари, адвокатлар, турли нодавлат ташкилотлар билан учрашиб турибмиз. Бугун Ўзбекистон Президенти билан ҳам жуда конструктив учрашувни амалга оширдик.

Ҳукуматнинг бу борада қилаётган ишларини эътироф этиш лозим. Ижобий жиҳатлар бор. Судьялар олий кенгаши, Судьялар олий мактаби каби муассасалар ташкил топгани каби қадамлар ташланган. Бу судьяларнинг прокурорлардан мустақил тарзда фаолият юритиб, аста-секин оқлов ҳукмлари ҳам чиқарилишига таъсир этмоқда. 2016 йилда бор-йўғи 6 та оқлов ҳукми қайд этилган бўлса, бу йилнинг ўзига 500 тадан ортиқни ташкил қилди.»

**БМТ Махсус маърузачиси
Диего Гарсия-Саян**



БМТ Махсус маърузачиси Ўзбекистондаги сафари давомида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси Убайдулла МИНГБОЕВ ҳамда Кенгаш ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директори Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ, Олий суд раиси Козимжон КОМИЛОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВ ва бошқа мутасаддилар билан учрашувлар ўтказди.

СУД ОРГАНЛАРИ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ЎЗБЕКИСТОНДАГИ СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ АСОСИЙ МОҲИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Суд органларининг мустақиллигини таъминлаш бутун дунёдаги кўплаб мамлакатларнинг судьялари фаолиятида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. 2019 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Суд органларининг мустақиллигига оид асосий принциплари қабул қилинганлигига 35 йил тўлди.

**Убайдулла
МИНГБОЕВ,**

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси

Ўзбекистон ушбу халқаро ҳужжатга 1997 йил 30 августда кўшилган. Ундаги суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва холислигини таъминлашга қаратилган асосий нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасида “Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиши”, 112-моддасида эса, “судьянинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсунуши, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши” билан боғлиқ конституциявий қоида белгиланган.

Бундан ташқари, “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг тегишли моддаларида судьялар фақат қонунга бўйсунган ҳолда фаолият юритиши, муайян ишни ҳар томонлама, тўла ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга қандай бўлмасин бирон-бир тарзда таъсир этиш қонунга мувофиқ жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши билан боғлиқ муҳим меъёрлар ўз аксини топган.

2019 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Судьялар ва адвокатлар мустақиллигини таъминлаш бўйича махсус маърузачиси жаноб Диего Гарсия-Саян билан Судьялар олий кенгашида, Олий судда бир нечта учрашувлар бўлиб ўтди. Ушбу учрашувлар давомида ҳам судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш масаласи алоҳида муҳокама қилиниб, жаноб Гарсия-Саян мамлакатимизда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларига ўзининг ижобий фикрларини билдирди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги 3 йил ичида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси ва раҳбарлигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини амалда таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган суд ҳокимияти мустақиллигини, судьяларнинг одил судловни амалга





ошириш борасидаги фаолиятига бошқа давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари бирон-бир тарзда аралашига йўл қўйилмаслиги билан боғлиқ кенг кўламли ислохотлар ўтказилди ва бу тизимли давом эттирилмоқда.

Айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлган суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суднинг нуфузини кескин ошириш борасида давлатимиз раҳбарининг бир қанча фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатларда судьяларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлашга, жамиятдаги ўрни ва нуфузини янада оширишга қаратилган принципиал нормалар белгиланди.

Биринчидан, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципи риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган, судлар тузилмасини ҳамда судьялик лавозимларига номзодларни танлаш ва тайинлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг давлат ваколатларига эга бўлган органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасида “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципи риоя этилишини таъминлашга кўмаклашиши”

– деб белгиланди. Судьялар олий кенгашига конституциявий мақом берилганлиги, унинг мустақиллиги ва холислигини мустаҳкамлайди.

Кенгаш фаолияти очиқлик, холислик, коллегиялик принципларига асосланган. Ушбу конституцион органнинг асосий вазифаларидан бири, судьялар корпусини юксак маънавий-ахлоқий фазилатга, етарли ҳаётий тажрибага, мустақил фикрлаш ҳамда ва ўзи қабул қилган қарор учун жавобгарликни олиш қобилиятига эга бўлган юқори малакали судьяларни танлаш ва тайинлаш бўлиб ҳисобланади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Кенгаш судьялик лавозимларига номзодларни танлашда ва тайинлашда номзодларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва жамиятдаги тутган ўрнидан қатъи назар тенглик принципи риоя қилади.

Иккинчидан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьялик касбининг нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида биринчи марта судьялик ваколатлари муддатлари қайта кўриб чиқилди.

Судьялик лавозимига тайинлаш (сайлаш)нинг биринчи беш йиллик, кейинги ўн йиллик ва муддатсиз даврга лавозимда бўлишни назарда тутувчи янги тартиб киритилди.


Ушбу тартиб БМТ Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларига тўла мос бўлиб, ўз навбатида, судьянинг ваколати муддати судьялик лавозимида бўлишнинг энг юқори ёшига қадар сақланиб қолишини назарда тутди. Ушбу норма судьянинг ўзгартирилмаслигининг асосий кафолати – унинг мустақиллигининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда ушбу норма ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўлиқ қўлланиб келинмоқда ва судьяларнинг 60 дан ортиғи муддатсиз даврга тайинланган бўлса, 120 дан ортиғи навбатдаги ўн йиллик муддатга тайинланди. Шу ўринда алоҳида айтиш керакки, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва кейинчалик муддатсиз даврга судьялик лавозимига тайинландиган (сайландиган) номзоднинг том маънода муносиблигини аниқлашда унинг ҳалоллиги, поклиги, адолатлилиги, қарор қабул қилишда қатъийлиги инобатга олинади.

Учинчидан, илк бор фуқароларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилишга оид конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Олий судида маъму-

рий ишлар бўйича судлов ҳайъати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, туман (шаҳар) маъмурий судлари ташкил этилди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майдаги қонуни билан “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Унда Конституциявий суднинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи суд ҳокимияти органи эканлиги белгиланди. Шунингдек, биринчи марта судьяни алмаштириб бўлмаслиги принципи жорий этилиб, Конституциявий суднинг судьяси ўз ваколатлари даврида алмаштирилмаслиги, судьянинг ваколатлари қонунда белгиланган тартибдан ҳамда асослардан бошқача тарзда тугатилиши ёки тўхта-тилиши мумкин эмаслиги белгиланди.

Бешинчидан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат





дастурига мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга кўмаклашувчи комиссия тузилди. Унинг асосий вазифаси этиб, суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш борасидаги муаммоларни, суд-ҳуқуқ соҳасидаги қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш каби муҳим масалалар белгиланди.

Олтинчидан, суд ҳокимиятининг молиявий мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судлар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида алоҳида Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

2017 йилнинг 1 сентябридан бошлаб судьялар ҳамда судлар ва Департамент ходимлари лавозим маошларига устама ва ҳар ойлик қўшимча ҳақ тўлаш, белгиланган тартибда уй-жойни ижарага олиш бошқа жорий харажатлар

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Еттинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, суд корпусини назарий билимлар, касбий кўникмаларга эга юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида Давлат раҳбарининг махсус қарори билан Судьялар олий кенгаши ҳузурида Судьялар олий мактаби ташкил этилди. Айтилганда Олий мактабда 4 та йўналишда 60 та судьяликка номзодлар бир йиллик магистрлик курсларида замонавий усулларда таҳсил олмақда, судьялар ва суд аппарати ходимларининг малакаси оширилмоқда, раҳбарлик лавозимига номзодлар қайта тайёрланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кейинги йилларда Ўзбекистонда суд ҳокимияти ва судьяларнинг мустақиллигини таъминлаш, унинг нуфузини ошириш юзасидан том маънода улкан ислохотлар ўтказилди. Мазкур ислохотларнинг замирида Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатида энг устувор тамойил бўлган инсонпарварлик ғояси ётади.

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

Худоёр МАМАТОВ,
Марказий сайлов
комиссияси котиби-
яти раҳбари, юридик
фанлар доктори,
профессор.

Демократик тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган мустақил Ўзбекистоннинг энг улуг мақсади, аввало, халқимизнинг манфаатлари кўзланган буюк ислохотларни амалга оширишдир. Мамлакатимиз миллий тараққиётининг янги босқичини бошлаб берган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти замирида ҳам, мамлакатимиз мустақиллиги ва суверенитетини, юртимиз тинчлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини ва адолатли бошқарув тизимини вужудга келтириш каби инсонпарвар мақсадлар мужассам.

Бу жиҳатлар Конституциямизда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, унинг иккинчи боб 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”, дейилган.

Инсон ҳуқуқлари — ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезон. Шунинг учун ҳам, халқаро ва миллий ҳуқуқий тизимда инсон ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилади. Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган бўлиб, улар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва миллий қонунлардан таркиб топган.

Инсон ҳуқуқлари ер юзида ҳаётнинг тўлақонлилигини белгилайди ҳамда миллатлар маданиятларининг ажралмас қисми, инсоният маънавий-ҳуқуқий оламининг энг юқори даражадаги кўриниши бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири — юртимизда демократик, ҳуқуқий давлат асосла-

рини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини, шу жумладан конституциявий ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишини кафолатлашнинг ҳақиқий тизимини яратишдан иборат.

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг рўйхати ва мазмуни 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида мустаҳкамлаб қўйилган. Мазкур ҳужжат одатда дунёнинг виждони, инсоният маънавиятининг эталони деб номланади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи-назар ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларсиз ва ўз шахсий дахлсизлиги учун ҳадиксирамай яшаш ҳуқуқи, сўз ва эътиқод эркинлиги, адолатли ва бутун дунёда тинчликка бўлган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Шунинг учун ҳам, ҳозирги дунёнинг маънавий қадриятлари орасида умумэтироф этилган инсон ҳуқуқлари энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва халқаро конвенцияларда ҳамда дунёнинг турли мамлакатлари

конституцияларида мустақамланган инсон ҳуқуқлари фундаментал ва ажралмас ҳуқуқлар сифатида онгимизга сингиб бормоқда.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган самарали ислохотларга ҳамоҳанг тарзда миллий сайлов тизими ҳам мамлакатимизда тарихан шаклланган ва сўнгги йилларда юксак даражага кўтарилган миллий қадриятларимизга, бой давлатчилик тажрибамизга, халқаро ҳуқуқда умумэтироф этилган сайловга оид демократик тамойилларга ҳамда ривожланган демократик-ҳуқуқий давлатларнинг миллий манфаатларимизга мос келувчи, адолатли сайловларни ўтказиш борасидаги кўп йиллик тажрибасига монанд такомиллашиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари — бу бутун инсониятнинг интилишлари, орзу-умидларини ўзида жамлаган кенг қамровли тушунча бўлса, фуқаронинг сиёсий ҳуқуқлари унинг ажралмас қисмидир. Сиёсий ҳуқуқларни таъминлаш эса, энг аввало очиқ ва ошкора ташкил этиладиган сайловларда намён бўлади. Аслида, сайловлар демократик қадрият бўлиб, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини амалга оширишлари учун кенг сиёсий майдон яратади. Шу боисдан ҳам, инсон ҳуқуқларини, шу жумладан унинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш мустақиллигимиз қомуси бўлмиш Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислох қилишнинг асосий йўналиши ва мақсадига айланиб улгурган.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида: “Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланган вакиллари воситаси орқали ўз мамлакатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга. Халқ иродаси давлат (ҳукумат) ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим. Бу ирода даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқидан, яширин овоз



бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топиши лозим”лиги қатъий белгилаб қўйилган.

Энди, ушбу ноёб, умумэтироф этилган инсонпарвар халқаро ҳуқуқ нормалари бизнинг миллий қонунчилигимизда қай даражада акс этганлигига эътибор қаратамиз.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Иккинчидан, Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади. Сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси-

нинг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар”.

Учинчидан, Конституциянинг 18-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи-назар, қонун олдида тенгдирлар”.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 4-моддасига мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари умумийдир. Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир”.

Бешинчидан, Сайлов кодексининг 7-моддасига мувофиқ, “Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат

қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади”.

Олтинчидан, Сайлов кодексининг 8-моддасига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширади. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз иши тўғрисида, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги ҳақида хабардор этади, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништиради, овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги маълумотларни маълум қилади.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради. Сайлов комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилади. Сайлов комиссияларининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ёки Сайлов кодексига белгиланган тартибда ҳаммага маълум қилинади. Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Еттинчидан, Сайлов кодексининг 8-моддасига мувофиқ, сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга оширади. Сайлов комиссияларининг фаолиятига аралashiшга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига ва бошқа қонун ҳуж-





жатларига амал қилади. Масалаларни кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилиш сайлов комиссияси томонидан коллегиял тарзда амалга оширилади. Сайлов комиссиялари номзодларга, сиёсий партияларга сайлов кампаниясини ўтказиш учун тенг шарт-шароитларни, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов яқунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар кўради”.

Шу каби халқаро ҳуқуқда умумэтироф этилган, Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари ва кадриятларига зид бўлмаган нормаларнинг миллий қонунчилигимизда акс этганлигини кўплаб мисоллар орқали ёритиш мумкин. Зеро, Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланган асосий қоидаларни миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилган.

Эътиборлиси, юртимизда шу асосда инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида ўзига хос миллий тизим яратилган ва бу масалада махсус миллий институтлар ташкил этилган. Ўзбекистон декларация асосида қабул қилинган халқаро конвенцияларни ратификация қилиб, инсон ҳуқуқи соҳасида умумэтироф этилган тамойилларга содиқлигини намоён этмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар, айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган эзгу ғоя асосида

янада ривожланмоқда.

2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сайловида “Янги Ўзбекистон — янги сайловлар” шиори остида старт берилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, ҳудудларда ташкил этилган барча даражадаги сайлов комиссиялари томонидан ўз фаолиятларида мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига қатъий амал қилган ҳолда сайловни очиқ-ошкора, миллий қонунларимиз, бой тажрибамиз ва умумэтироф этилган халқаро стандартлар талабларига мос равишда юқори савияда ташкил этилди ва ўтказилди. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари ўз ваколатлари доирасида барча даражадаги сайлов комиссиялари ишига яқиндан кўмак беришди.

Хулоса қилиб айтганда, сайловлар мамлакатимиз миллий тараққиётининг ҳозирги босқичида халқимиз ўзи танлаган юксалиш йўлидан илдам бораётганлигини, бирдамлигини, ислоҳотларнинг орқага қайтмас тус олганлигини, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти янада юксалиб, ижтимоий фаоллиги ортанлигини, эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланиб бораётганлигини дунё ҳамжамиятига яна бир бора намоён этди.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚИЙ ОНГНИ ЮКСАЛТИРИШ ТИЗИМИДА ЮРИСТЛАРНИНГ КАСБИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Хожимурод
ОДИЛҚОРИЕВ**

Юристар малакаси-
ни ошириш маркази
“Давлат ва жамият
қурилиши” кафедраси
мудир,
юридик фанлар
доктори, профессор

Ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида жамият миқёсида ҳуқуқий онг ва маданиятни изчил юксалтириб бориш, қонунлар устуворлиги ҳамда уларга ҳурмат муҳитини яратиш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш йўлида қонунийликни мустаҳкамлаш воят муҳим вазифалардан биридир.

Табиийки, жамиятнинг маънавий-ҳуқуқий қиёфаси унда қарор топган ҳуқуқий қадриятлар тизими ва ҳуқуқий маданият даражаси ҳамда мезонлари мажмуи билан тавсифланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллигига бағишланган маърузасида ушбу мавзуга алоҳида урғу берганлиги ўта рамзий маънога эга: “Тарихга назар солсак, - деди давлатимиз раҳбари, - асрлар давомида шаклланган маънавий – ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнлари натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз. Конституция башарият ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди. Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституциямиз шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди”¹.

Ушбу маънавий – маданий ва бошқа ижобий қадриятларнинг конституциявий даражада эътироф этилиб, қонуний мустаҳкамлаб қўйилганлиги бутун жамиятнинг, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий онгига қудратли салоҳият билан таъсир этиб, уларнинг ҳуқуқий тафаккури ҳамда ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда беқиёс аҳамият касб этади.

Шу боис, Асосий қонунимизда му-

жасам бўлган аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига сингдиришимиз зарур. Конституциямизни эҳтиром билан улуглашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз лозим².

Маълумки, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият жамиятнинг маънавий оламига тааллуқли воқеликлар бўлиб, муайян маънода унинг савиясини, маърифийлик даражасини, ҳуқуқий тафаккури ва қадриятлари силсиласини акс эттиради. Мамлакатимизнинг ҳозирги инновацион тараққиёти босқичида ҳуқуқий устуворликлар, мавжуд ҳуқуқий қадриятлар тизими, ҳуқуқий сиёсат, ислохотларнинг ҳуқуқий мафқураси, шу жумладан ижтимоий ҳуқуқий онг қайта мушоҳада этилишга муҳтож.

Айни юқоридаги вазифаларни ҳал этиш, шунингдек жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш тизими самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий – сиёсий ўзгаришларга, ислохотларга муносабати билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларни ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, аҳоли (айниқса ёшлар)ни зарарли ахборотлардан ҳимоялаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январь “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли фармони айни муддао бўлди.


Фармонда ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги нуқсон ҳамда муаммолар, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб – ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий ҳуқуқий кадриятларга садоқат, ҳуқуқ-бузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотишга муносиб тарзда ёндашилмаётгани, бу соҳада фуқаролик жамияти институтларининг салоҳиятидан етарли фойдаланилмаётгани, ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишнинг таъсирчан механизмлари яратилмаганлиги каби камчиликлар эътироф қилинди.

Фармон ва тасдиқланган Концепциянинг муҳим хусусиятларидан бири – жамиятнинг узвий қатлами ҳисобланган давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш алоҳида жиддий йўналиш сифатида белгиланганлигидир. Давлат идоралари ходимларининг, шу жумладан мансабдор шахсларнинг юқори ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини қарор топтириш фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва манфаатларини лозим даражада таъминлашнинг жиддий кафолатларидан бири десак, муболаға бўлмайди.

Мамлакатда ҳуқуқий онг ва маданият соҳасидаги мавжуд муаммо ва камчиликлар “Юксак ҳуқуқий маданият – мамлакат тараққиёти кафолати”, деган ғоя остида Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепциясини қабул қилиш ва амалга оширишни тақозо этди.

Ушбу муносабат билан ҳуқуқий онг мавзуси бугун алоҳида тарзда янада долзарблашди. У махсус мушоҳада қилиниши лозим бўлган ўта жиддий масалага айланди. Тадқиқ ва таҳлилимининг тамал тоши сифатида, шубҳасиз, қуйидаги тезис эътироф этилиши жоиз: “Ҳар бир фуқаро эркин, етук ва соғлом ҳуқуқий онгга эга бўлиши лозим”.

Ҳуқуқий онгнинг моҳияти, табиати тушунчаси ва хусусиятларини очиш учун унинг ҳуқуқ билан алоқадорлигига урғу бериш муҳимдир. Зеро, ҳуқуқ билан ҳуқуқий онг бир тур ва тоифадаги ижти-



мой ҳодисалар сифатида узвий боғлиқ йўлдош, доимий ҳамроҳ воқелиklar ҳисобланади.

Ҳуқуқнинг таъриф – тавсифига тевран тўхталмаган ҳолда, қуйидаги изоҳни айтиш кифоя. Ҳуқуқ ижтимоий адолат, эркинлик ва тенгликнинг норматив ифодаси тарзида халқнинг иродасини мужассамлашувига таянган ҳолда давлат ҳокимияти мустақамлайдиган (санкциялайдиган) ҳуқуқий қоидалар йиғиндисидир. Ҳуқуқ, унинг функционал амалиёти ҳамиша инсонларнинг у ёки бу муносабатига сазовор, улар диққатини ўзига жалб этувчи кадрият ҳисобланади. Айни шу муносабат ва жараён ҳуқуқий онгни вужудга келтиради. Бошқача айтганда, ҳуқуқий онг – инсонларнинг ҳуқуқни ижтимоий ҳаётда намоеън бўлишига оид муносабатларининг муҳим кўринишларидан бири.

Жамият ривожланиши диалектикаси шундайки, бир томондан, ҳуқуқ аслида, том маънода, инсонлар ақлий, иродавий ва онгли фаолиятининг маҳсули бўлса, иккинчи томондан, айни ҳуқуқ – ирода ва онг соҳиби бўлган инсонларнинг фаолиятини, хулқ – атворини белгилайди, уларнинг ижтимоий муносабатларини тартибга солади(!)

Айни вақтда, ҳуқуқий онг ўта ноёб, мураккаб ҳодисадир. Ҳуқуқий онг жамиятнинг ҳуқуқий мафкурасини (таъбир жоиз бўлса, “фалсафаси”ни), ҳуқуқий кадриятлари ҳамда адолат ҳақидаги идеаллари инъикоси тарзида мужассам бўлади. У қонун ва бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатлардаги императив қоидаларни идрок (инъикос) этади, акс

этиради. Шу маънода ҳуқуқий онгни жамият ҳуқуқий ҳаёти (воқелиги)нинг ойнаси, дейиш мумкин.

Дарҳақиқат, ҳуқуқий онгининг намоён бўлиш кўлами, таъсир этиш доираси ниҳоятда кенг. У ҳуқуқ (қонун) ижодкорлиги жараёнида ҳам, ҳуқуқни амалга ошириш (қўллаш) соҳасида ҳам, ниҳоят, ҳуқуқни муҳофаза этиш жабҳасида ҳам муҳим ўрин тутди. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий нормалар мазмунини шакллантиришда, ҳуқуқий муносабатлар субъектларининг юридик ҳуқуқ ва мажбуриятлари маъносида, ҳуқуқни қўриқлаш фаолияти кабиларнинг барчасида фаол “иштирок” этади.

Инсонларнинг ҳуқуқ ҳақидаги, давлат – ҳуқуқий воқеликлар, ҳуқуқий тизим, умуман, ҳуқуқий ҳаёт хусусидаги тасаввурлари, қарашлари, билимлари, ҳис – туйғулари, руҳий кечинмалари ҳамда кайфиятлари ҳуқуқий онг деган категорияда намоён бўлади.

Ҳуқуқий онг жамият маънавий оламининг узвий бўлаги бўлиб, унда индивидларнинг ижтимоий ҳуқуқий кадриятлар, юридик мазмундаги устуворликлар, адолат ҳақидаги эзгу қараш ҳамда тасаввурлар, эркинлик ва тенглик борасидаги мезоний баҳолашлар, қатъий интизом ҳамда муаззам тартибот истаги билан йўғрилган интилишлар ва ниҳоят, амалдаги қонун – қоидаларга муносабат ифодаланади.

Назарий талқин жиҳатидан ҳуқуқий онг икки қисмдан иборат: ҳуқуқий маф-

кура ва ҳуқуқий руҳият.

Ҳуқуқий мафкура – ҳар хил ҳуқуқий ҳодисалар ҳақидаги нуқтаи-назар, назарий тушунча, ғоя ва қарашларнинг илмий умумлаштирилган тизимидан иборат. Ҳуқуқий онгининг ҳуқуқий мафкура қисмида акс этган ҳуқуқий ҳодисалар ҳуқуққа бағишланган махсус назарий изланишларда ўз ривожини топиб, илмий даражада англаб етилади. Бундай илмий манбаларнинг мазмуни одамлар маънавий мулкига айланиб, уларнинг онгига аниқ ҳуқуқий билимларни, мулоҳазаларни, эътиқод ва кайфиятни олиб киради. Инсоннинг онгидаги ҳуқуқни англаш жараёни, юқорида зикр этганимиздек ёки шунга яқинроқ тарзда кечади. Инсон ҳуқуқий онги орқали ҳуқуқни англаш билан уни қўллаш жараёнида, суд ишларида, қонунийлик ва қонун тўғрисида ахборот олинади.

Ҳуқуқий руҳият – онг доирасидаги ҳуқуқий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда, онгда юзага келадиган ва унга сингиб кетган ҳис-туйғу, кечинмалар соҳасини ифодалайди. Ҳуқуқий руҳият – ҳуқуқий ҳодисаларни ҳиссиёт билан тиклаш соҳасидир. Инсон ҳиссиз, ўйламай ўз-ўзидан фикр юритадиган “қурилма” эмас, балки у фикр юритиш билан бирга сезги воситасида ҳам англайдиган тиррик зотдир. Шунинг учун, инсон ижтимоий ҳодисаларни, шу жумладан, ҳуқуқий ҳодисаларни нафақат ақл, балки сезги билан ҳам идрок этади.

Жамиятдаги роли ва аҳамияти, ижтимоий вазифаси нуқтаи-назаридан ҳуқуқий онг куйидаги муҳим функцияларни адо этади:

– ахборот олиш функцияси жамият барча аъзоларининг турли шаклдаги ҳуқуқий билимларга эга бўлишида намоён бўлади. Ҳуқуқий онгининг ахборот олиш функцияси кетма-кет пайдо бўлувчи руҳий ҳодисалардан тузилган: биринчидан, у асосан сезиш, эшитиш ва кўришдан вужудга келади; иккинчидан, қабул қилиш, хотира, эсда сақлаш, хотирадагиларни қайта тиклаш, таниш жараёнлари воситасида ҳуқуққа оид би-



лимларни тўплайди ва уларни ҳар хил ҳуқуқий тасаввурлар шаклида ифода этади; учинчидан, тафаккур олий даражадаги билиш жараёни ҳисобланиб, ҳуқуқий гоялар, тушунча ва эътиқодлар унинг маҳсулидир;

– баҳолаш функцияси ҳуқуқий онгнинг ўсиши натижасида инсонларнинг ҳуқуқий ва ҳуқуққа зид бўлган ҳодисаларни бир-бирдан ажрата олишига, уларга баҳо бериб, муносабат билдиришига кўмаклашади;

– тартибга солиш функцияси эса, шахсларнинг юқори даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлиши, уларни ҳуқуққа асосланган ҳолда ҳаракат қилишларини таъминлайди. Шунингдек, адабиётларда ҳуқуқий онгнинг гносеологик, бошқарув ва ҳуқуқни шакллантириш функциялари алоҳида шаклда ажратиб кўрсатилади;

– гносеологик функция объектив борликдаги мавжуд ҳуқуқий ҳолатларнинг илдизини билишни тавсиф этади. Бошқарув – индивид феъл-атворини ҳуқуқ талаблари билан қиёслаш воситасида ўз хатти-ҳаракатларини ўзгартиришини, батартиблашини назарда тутади;

– ҳуқуқий онгнинг ўзини ўзи бошқариш функцияси инсон орзу-интилишларини оқилона рўёбга чиқариш ҳуқуқий онгнинг амалий томони ҳисобланиб, у ирода орқали амалга оширилади. У ҳуқуқий билимларни аниқлаш, ички тўйгулар билан мавжуд ҳуқуқий эътиқодлар, реал объектив борлик, жамиятда амал қилаётган ҳуқуқий нормаларни мувофиқлаштириш, мақсадни аниқлаш, қарор қабул қилиш ва қарорни ижро этиш кабиларни ўз ичига олади. Ҳуқуқий онг қабул қилаётган ҳуқуқий ахборотни «қайта ишлаш» ва ўзлаштиришда инсон феъл-атворини бошқарувчи мураккаб механизмлар муҳим ўрин эгаллайди, у манфаатни англаш, мақсадни аниқлаш, асослаш тизими ва истагини намоён этиш каби ҳолатларни ўз ичига олади;


– ҳуқуқий онгнинг ташкил этиш, уюштириш функцияси – ҳуқуқ субъект-

ларнинг хулқи, хатти-ҳаракатларини шакллантириш, уюштириш, ташкил этишдан иборат бўлиб, у ижтимоий ҳаёт ва тараққиёт учун жуда муҳим ҳисобланади. Шу маънода ҳуқуқнинг яратувчанлик, бунёдкорлик салоҳияти хусусида гапириш мумкин.

Юриспруденцияда ҳуқуқий онгнинг бирламчи (индивидуал), ижтимоий (гурӯхий), илмий ва профессионал даражалари (турлари) фарқланади. Бугунги кунда юристларнинг профессионал ҳуқуқий онги масалаларига алоҳида урғу берилмоқда. Бундай ҳуқуқий онг махсус тайёргарлик ўтиш (масалан, юридик таълим муассасасида таҳсил олиш) мобайнида, шунингдек юридик фаолиятни амалга ошириш жараёнида шаклланади, ривожланади ҳамда намоён бўлади.

Юристларнинг профессионал ҳуқуқий онги мазмунига юқоридаги касбий билимга, тегишли амалиётни билишга, тажрибага эга бўлишликдан ташқари, ҳуқуқни қўллаш кўникмаларига, малакасига эгалик ҳам киради.

Касбий ҳуқуқий онгнинг таснифини янада аниқлаштирадиган бўлсак, судьяларнинг ҳуқуқий онги, прокурорларнинг ҳуқуқий онги, адвокатларнинг ҳуқуқий онги, ички ишлар ходимларининг, жумладан терговчиларнинг ҳуқуқий онги, ЙҲХБ ходимларининг ҳуқуқий онги, ҳуқуқшунос олимларнинг ҳуқуқий онги ҳақида гапириш мумкин. Шунингдек, депутатлар ва сенаторларнинг ҳуқуқий онги масаласини ҳам мазкур тоифага киритиш ўринли деб ҳисоблаймиз. Зеро,



парламент аъзолари бевосита қонун ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланадилар. Уларнинг ҳуқуқий онги ва савияси қабул қилинаётган қонунларнинг мазмунида, норматив ифодаларида намоён бўлади. Демак, қонунларнинг сифати, савияси, гоёвий – мафкуравий мазмуни даражаси парламентарийларнинг ҳуқуқий онги савияси ва мазмуни билан мутаносиб, адекват бўлади, асло ундан юқорироқ бўла олмайди.

Одатда, юристларнинг профессионал ҳуқуқий онги жамиятдаги илғор, пешқадам ҳуқуқий онг деб ҳисобланади. Шу боис уларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти жамият бошқа аъзоларининг, оддий фуқароларнинг ҳуқуқий онги учун ибрат, намуна ва ўрнак бўлиши лозим.

Бугунги инновацион тараққиёт босқичи эҳтиёжлари, ҳуқуқий давлат барпо этиш манфаатлари ҳуқуқий ислохотларнинг шиддати, юристларнинг профессионал ҳуқуқий онгига алоҳида масъулиятли талабларни қўймоқда. Мазкур онг, аввало, жамиятда кечаётган демократик, инсонпарвар ўзгаришлар қўламини англаши, суд – ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг фалсафаси ва гоёсини, мазмунини, қонунчиликка киритилаётган замонавий ўзгаришлар маъно – моҳиятини ўзига сингдириб бориши лозим.

Юристларнинг касбий ҳуқуқий онги ҳодисасининг мазмунини, фикримизча,

қуйидаги мезонлар ташкил этади:

– кенг ҳуқуқий тафаккур қобилияти ва дунёқарашга эга бўлиш;

– амалдаги қонунчиликдан хабардорлик даражаси, айниқса ўз фаолиятига оид қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунини билиш даражаси;

– мавжуд ҳуқуқий қадриятларни идрок этиш ва уларни амалда қўллаш кўникмаларининг шаклланганлиги;

– давлатнинг ҳуқуқий сиёсати мазмунини, амалга оширилаётган ҳуқуқий, шунингдек суд – ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар мазмун – моҳиятини, уларнинг асосий йўналишларини англаши, ўзлаштирганлик даражаси ва ҳ.к.

Мазкур ҳуқуқий онгнинг самарадорлиги ушбу онг тури соҳибларининг ҳуқуқий фаоллиги, ташаббускорлигида кўринади. Ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий ижтимоийлашув даражаси ҳар қандай ҳуқуқий онг, шу жумладан фуқароларнинг умумий ҳуқуқий онглик ҳолатини ҳам баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади.

Профессионал ҳуқуқий онг ҳолатини, унинг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун уни илмий нуқтаи назардан пухта ўрганиш, имкон қадар теран социологик тадқиқотларнинг мунтазам объектига айлантириш зарур. Афсуски, бу борада ҳанузгача жўяли тадқиқотлар ўтказилмаган. Аслида, судьяларнинг, адвокатларнинг, барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини, аҳволи ҳамда савиясини (мазмунини) чуқур ўрганиш, таҳлил этиш учун мақсадли социологик ўрганишлар олиб борилиши лозим ва зарур эди.

Биргина жиҳатга эътибор қаратайлик. Ҳўш, бугун юристларнинг турли тоифалари: судьялар, прокурорлар, ички ишлар тизими ходимлари, нотариуслар, адвокатлар, юристконсультантлар ва бошқалар қонун устуворлиги принципини, қонунларга оғишмай риоя этиш, уларни натижали татбиқ этиш талабларини қандай идрок қиладилар, қонун-



ларни амалиётда қандай қўллайдилар деган кўплаб муҳим саволларга аниқ жавобимиз борми? Чамаси, йўқ.

Яна бир вазият кўпчиликни қизиқтиради: нима учун бундан чорак асрдан зиёдроқ муқаддам Конституциямизда мустаҳкамланган шахснинг айбисизлиги презумпцияси принципи шу чоққача судьялар, прокурорлар, терговчилар ҳуқуқий онгининг узвий мулкига айлана олмади? Биргина мисол. Ана шу принципни қўллаш асосида нима учундир судларимиз қарийб йигирма беш йил бадалида оқлов ҳукмлари чиқармай келдилар. Фақатгина 2017 йилга келиб давлатимиз раҳбари юқори минбардан туриб, “нима учун судларимиз оқлов ҳукмларини чиқармайди?” деган масалани кўтарганидан кейин, вазият ижобий томонга ўзгарди 2017 йил давомида 191 та, 2018 йилда 360 дан зиёд, 2019 йилда 600 га яқин оқлов ҳукмлари эълон қилинди. Демак, профессионал ҳуқуқий онгни шакллантириш ва ошириб бориш масаласида олдимизда жиддий вазифалар турибди.

Сўнги йилларда юристларнинг онги, билим савияси ва ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентнинг қарори билан турли тоифадаги юристлар малакасини ошириш мақсадида 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси Академияси, 2019 йилда Судьялар олий мактаби, Ички ишлар вазирлигининг Малака ошириш институти ташкил этилди. 2019 йил 27 июндаги Ҳукумат қарори билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристарлар малакасини ошириш марказининг фаолияти қайта ташкил этилди.

Табиийки, кўрилаётган чора-тадбирлар, билдирилаётган жиддий эътибор тўғрисида барча қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасалари ва марказларида юристларнинг малакасини ошириш ҳамда ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг сифати яхшиланмоқда. Малака ошириш тизимли хусусият касб этиб, унинг кўлами ҳамда қамрови ҳам кенгайиб бормоқда. Масалан, Юристарлар

малакасини ошириш марказида 2017 йил давомида 2285 нафар судьялар ва судьяликка номзодлар, адвокатлар, юрисконсультлар, ФХДЁ ходимлари, нотариуслар, адлия тизими ходимлари ва бошқа тоифа юристлар малака оширган бўлсалар, 2018 йилда – 3037 нафар ходимлар, 2019 йилда – 4500 нафардан зиёд юрист – амалиётчилар малака ошириб, тегишли сертификатларга эга бўлдилар. Алоҳида таъкидлаш лозимки, 2019 йилнинг сентябридан бошлаб Марказда медиаторларни тайёрловчи махсус курс фаолият бошлади.

Малака ошириш машғулотида юрист – амалиётчиларга мамлакатимизда амалга оширилаётган конституциявий ислохотлар, суд – ҳуқуқ соҳасидаги ва маъмурий ислохотлар мазмуни, қонун устуворлиги ва уни таъминлаш механизмлари, барча соҳадаги қонунчиликка киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришларнинг маъно-моҳияти, фуқаролик жамиятини шакллантириш муаммолари, нутқ маданияти, мулоқот психологияси, давлатимизнинг ҳуқуқий ҳамда ижтимоий сиёсати, уни амалга ошириш марралари ва йўналишлари, тегишли халқаро – ҳуқуқий амалиёт ва бошқа муҳим мавзулар ёритиб берилади.

Шундай қилиб, ижтимоий ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, шу жумладан, юристларнинг профессионал ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини давр талаблари даражасида юксалтириб бориш, бир томондан, амалиётчи юристларнинг амалий фаолияти савияси ҳамда самарасини оширишни таъминласа, иккинчи томондан, бутун жамиятнинг, барча фуқароларнинг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий ахборотланганлиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга, улар фаоллиги ва ташаббускорлигини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Конституция ва қонун устуворлиги-ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. “Инсон ва қонун”, 2019 йил 10 декабрь, №49 (1201).
2. “Инсон ва қонун”, 2019 йил 10 декабрь.

ЎЗБЕКИСТОНДА КИБЕРСПОРТ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ МАСАЛАЛАРИ

Анвар РАХМАТОВ,
мустақил тадқиқотчи

*“Одам машғулот залларида чемпион бўлмайди.
Чемпион бўлиш учун ишни руҳиятдан бошлаш
керак – истак, орзу ва ўз галабасини аниқ-тиниқ
ҳис қилишигина кишини мақсадига элтади”.*

Муҳаммад Али

Спорт тушунчаси — биринчи навбатда жисмоний машқлар, юксак ирода ва ақлий етуклик билан бевосита боғлиқ. Аммо, бугунги кунда шундай бир янги спорт тури – “Киберспорт” атамаси пайдо бўлдики, бу ном биринчи мартаба 1999 йилда Онлайн Геймерлар Уюшмасини (Online Gamers Association)¹ ташкил қилиш тўғрисидаги пресс-релизда тилга олинди ва рақобатбардош ҳаракат сифатида кенг тарқалди.

Киберспорт ёки электрон спорт деганда виртуал технологиялар соҳасида компьютер технологиялари, хусусан, видео ўйинлар томонидан моделлаштирилган мусобақалар тушунилади. Киберспорт – видео ўйинлар асосида яқка тартибда ёки гуруҳ бўлиб ўйналадиган мусобақа бўлиб, у 1994 йил 30 сентябрда ҳужумли отишмалар туридаги Doom 2² номли ўйинининг оммалашishi билан вужудга келган. 1997 йилда, бирин-

чи бор АҚШда жангавор электрон ўйин бўйича йирик масштабда Cyberathlete Professional League мусобақаси уюштирилган.

Сўнги йигирма йил давомида киберспорт кўплаб давлатлар томонидан расмий спорт тури сифатида тан олинди. 2018 йил 14 апрель куни Халқаро Олимпия Комитети Киберспортни спортнинг расмий турларидан бири сифатида тан олди ва 2024 йилдан Олимпия ўйинлари рўйхатига киритиш белгиланди.

Бугунги кунга келиб, е-спорт нафақат оммабоп спорт йўналишлари ва йирик кўнгилочар соҳалардан бирига айланди, балки кучли ривожланаётган бизнес-секторига ҳам кириб борди. 2017 йилда дунё бўйлаб е-спорт соҳасида фаолият юритувчи компанияларнинг умумий даромади 3,3 фоизга ўсиб, 655 миллион долларга етди, 2021 йилда эса 1,6 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Дунёдаги энг катта е-спорт бозорлари Шимолий Америкада (2018 йилда 345 миллион доллар), Хитойда ва Жанубий Кореяда (164 миллион доллар). Россия Федерацияси эса 2017 йилда ўрганилган Европа мамлакатлари орасида е-спорт бозорида (тахминан 38 миллион доллар) даромад бўйича етакчи бўлди³.

Бу спорт туридаги интеллектуал машқлар ва ақлий етуклик, мия фаолиятида жуда ас қотади. Шу сабабли ҳам дунёнинг бир қатор мамлакатларида расман тан олинган бўлиб, мазкур фаолият бўйича норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Жаҳон тажрибасига юзланадиган бўлсак, АҚШ, Италия, Испания, Ҳиндис-



тон, Мексика, Хитой, Жанубий Корея, МДХ давлатларидан Россия, Ўзбекистон, Белоруссия, Қозоғистон ва Украина давлатларида киберспорт бўйича салмоқли натижаларга эришилган. Индонезияда эса, электрон спорт йўналиши бўйича Осиё ўйинлари мусобақа тажриба синов тариқасида 2018 йил август ойида илк марта ўтказилди.

Ҳар йили дунё миқёсида киберспорт бўйича кўплаб профессионал турнирлар ўтказилиб, уларни юз миллионлаб томошабинлар кузатиб боради ва ўйинга тикилган пуллар ҳисобига ўйинчиларнинг моддий аҳволи сезиларли даражада ошаётганлиги кўрсатилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда е-спортнинг отишмалар ва жанговар ўйинлар каби турлари расмий интизомий мақомга киритиш масалалари кўриб чиқилмоқда, экспертларнинг хулосаларига кўра уларнинг расмий интизомий мақомга киритилиши ўйин ишлаб чиқарувчиларининг, шунингдек, е-спорт экотизимининг бошқа субъектлари даромадларининг ўсишига ёрдам беради. Аммо, киберспортнинг иқтисодий институт сифатида фаол ривожланишига қарамай, унинг ҳуқуқий соҳаси ҳанузгача пухта ишлаб чиқилмаган.

Профессионал е-спортнинг экотизим субъектлари - Электрон спорт бозорининг асосий ўйинчиларидан бири бу компьютер ўйинлари компаниялари ҳисобланади. Ҳозирда киберспорт майдон хусусияти, моделлар, ўйин интизоми, такомиллашган ўйин кўникмаларига қараб, бир неча турларга бўлинади. Киберспортда ҳамма турдаги электрон ўйинлар ҳам қатнашишига рухсат этилмайди. Мисол учун, ўйинда маҳорат омилидан устун бўлган тасодифий элементларни ўз ичига олган ўйинлар киритилиши тақиқланади. Киберспортни расман спорт турига киритаётган давлат унинг қатъий интизомий турларини белгилаб олади ёки мусобақа вақтида келишиб олинади, уларнинг баъзилари бугунги кунда расмий қоида сифатида тан олинган (ҳозирда асосан Dota 2,



Counter-Strike: Global Offensive, FIFA 17, World of Tanks ва бошқалар расмий белгиланган).

Newzoo таҳлилий агентлигининг маълумотларига кўра, 2012-2016 йиллар ичида дунёда ўйинларни сотишдан тушган даромад 56 фоизга ёки 70 миллиард долларга ўсиб, 2019 йилда рекорд даражадаги 152,1 миллиард доллар бўлди. 2020 йилнинг охирига келиб, глобал видео ўйин бозорининг капиталлашуви 180,5 миллиард долларни ташкил этиши мумкин⁴.

Видео ўйинларни ишлаб чиқувчилар тўғридан-тўғри фойда олишади, хусусан, уларнинг киберспорт лигаларига эгалик қилиши уларга чипталарни сотиш, савдо-сотиқ, оммавий ахборот воситаларида нашр этиш, реклама ва ҳомийлик орқали катта даромадлар олиб келади. Айниқса, е-спорт мухлислари тобора кўпайиб бормоқда, бу эса савдо-сотиқ ишлари кўпайишига ёрдам беради. Масалан, Хитойнинг Tencent Holdings компанияси Riot Games ўйинларига эгалик қилади ва "Афсоналар Лигаси"ни уюштиради, бу лига дунёдаги энг машҳур компьютер ўйинларидан биридир. Шунингдек, League of Legends Championship Series – Афсоналар чемпионати серияси е-спортнинг ягона профессионал лигаси ҳисобланади. Ҳозирда, Хитой дунёдаги энг катта геймерлар базасига эга бўлиб, Интернетдан фойдаланувчиларни жалб қилиш даражаси 57% га баҳоланмоқда. Хитойда ташкил этилган Tencent Holdings компанияси эса ушбу соҳадаги жуда машҳур асосий холдингдир.

Хусусан, CNNIC маълумотларига кўра, Tencent Holdingsнинг ҳаракатлари билан 2019 йил 30 июнгача Хитойда Интернетдан фойдаланувчилар сони 854 миллион кишини ташкил этиб, уларнинг 99,1 фоизи, яъни 847 миллиони уяли тармоқ орқали киберспрот ўйинларини ўйнаш имкониятига эга бўлишган⁵. Tencent Holdings компанияси Disney билан шартнома тузиб, унга кўра кўн-гилочар портал 2023 йилга қадар Афсоналар Лигаси учун ихтисослаштирилган оқим хизматини яратиши белгиланган. Tencent Хитойда киберспорт тадбирларини мунтазам ёритиб борадиган телеканал очишни режалаштирмоқда, шу сабабли ҳам бугунги кунга келиб, Хитой глобал ўйин саноатининг умумий даромадининг учдан бир қисмини ташкил қилмоқда⁶.

Бундан ташқари, телевизион каналлар ва платформали компаниялар е-спорт экотизимида алоҳида ўрин тутди. Масалан, PayPal ва SuperData маълумотларига кўра, Россия Федерациясининг 2x2 телеканали бир неча бор е-спорт мусобақаларини намоиш этди ва 2017 йилда Россияда е-спорт тадбирларини томошабинлари сони 3,7 миллион кишини ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 4,1 миллионгача кишини ташкил қилди ва 2019 йилда бу 4,9 миллионга етди. Яна бир мисол, Twitch платформаси бўлиб, у электрон спорт мусобақаларини кўриш учун мўлжалланган энг машҳур платфор-

ма ҳисобланади, унинг 2019 йил июль ойидаги кунлик аудиторияси 1,561 минг кишини ташкил этди. Mintel сайтининг хулосасига кўра, бу рақам энг йирик иккита телеканалларнинг кўрсаткичидан ҳам анча юқори. Шу билан бирга, дунё бўйлаб е-спорт тадбирларининг томошабинлари ҳар йили 13,5 фоизга ўсиб, 380 миллион кишини ташкил қилмоқда⁷.

Умуман олганда, SuperData компанияси мутахассисларининг таъкидлашича, глобал е-спорт бозорининг рақобатли даромадини 74 фоизи – реклама, ҳомийлик, мукофот пуллари, букмейкерлик улуши, ҳаваскорлик мусобақалари, чипталар сотувларининг ҳисобига шаклланди. Бундан ташқари, ҳуқуқларни (франчайзинг) сотиш каби даромад турлари е-спорт бозоридаги барча даромадларнинг 15% ини ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, брендларга сармоя тикиш е-спорт соҳаси ўсишининг асосий омилига айланди. Бунга эса мусобақаларни трансляция қилиш, реклама ва ҳомийлик ҳуқуқи киради. Авваллари, бу соҳада асосан ускуналар ишлаб чиқарувчи Acer, Asus, Intel, HP каби йирик компаниялар ҳомийлик қилган. Кейинчалик, Mercedes-Benz, MediaMarkt, Visa, Qiwi, PepsiCo каби алоҳида саноат вакиллари қизиқа бошладилар. Ҳозирда, тезкор овқатланиш тармоғи бўлган KFC компанияси ҳам киберспорт ривожланиши учун ўз ҳомийлигини амалга оширмоқда.

Албатта, юқорида келтирилган компаниялар е-спорт экотизими субъектларининг тўлиқ рўйхати эмас, бу соҳада кўплаб букмейкерлик конторалари, оқими кучли бўлган платформалар ва бошқалар ҳам алоҳида рол ўйнайди.

Киберспорт ташкилотлари ва спортчиларининг даромади Электрон спорт соҳасидаги даромад спортчи танлаган интизомга боғлиқ. Ҳозирги вақтда, Киберспортни энг кўп маош олиш мумкин бўлган турлари бу Dota 2, CS GO, World of Tanks, League of Legendsлар ҳисобланади. Шунингдек, тўғридан-тўғри муносабатлар мавжуд бўлганлиги сабабли



даромад спортчи иштирок этаётган жамоага ҳам боғлиқ. Масалан, CS GO мусобақаларида қатнашадиган Astralis жамоасининг ўйинчилари ойига 9 минг АҚШ доллар олишларини ва бу мукофот пуллари ва реклама шартномаларидаги пуллари ўз ичига олмасликларини айтишган. Бироқ, бу энг юқори ҳақ тўланадиган 3 та топ кучли жамоалардан бири эканлигини ҳам айтиб ўтишимиз лозим. Киберспорт бўйича 2019 йил март ойида Хитойда ўтказилган Жаҳон чемпионатида (WESG) Ўзбекистон вакили сифатида Салоҳиддин Эсанов иштирок этди. WESG`нинг Pro Evolution Soccer йўналишида умумий соврин жамғармаси 52,5 минг долларни ташкил этиб, бу сумма энг юқори учта ўрин эгаси ўртасида тақсимланди.

Электрон спорт жамоалари эгаларига келсак, улар даромадларининг қарийб 70 фоизи ҳомийлик шартномалари ҳисобидан. Қолган 30% эса мукофотлар ва ўйин буюмларини сотишдан келган даромадларга тенг келади. Совриннинг 80-90 фоизи ўйинчиларга қолади. Масалан, Virtus.pro компанияси 2017 йилда мукофот пулидан 2 миллион доллардан кўпроқ даромад олган бўлсада, шундан ташкилотнинг ўз ҳисобидан кўп пул қолмаган. Бироқ, компаниялар томонидан савдо-сотик ишлари ҳам амалга оширилади (мерчандайзинг). Энг оммабоп маҳсулот бу жамоа ўйин кўйлақларининг нусхаси ҳисобланиб, йилига 10 минг донадан, қолган буюмлар эса - ҳар бири бир неча мингтадан сотилади.

Лекин, “Росбизнесконсалтинг” АЖнинг хабарига кўра, мукофот пулидан турнирда ютган маблағнинг, атиги 10 фоизи жамоага тушади⁸. Электрон спорт соҳасидаги ушбу даромад ҳозирда ҳеч қандай қонуний асосга эга эмас ва улар имзоланган шартномаларда бонус (мукофот) сифатида тавсифланади, холос. Шундай қилиб, киберспортчининг даромади - е-спорт ташкилоти асосчиси билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланган иш ҳақи, мукофот пулининг улуши



ва ҳомийлик шартномаси тўловларидан ташкил топади.

Е-спорт ташкилотларига келадиган бўлсак, соврин жамғармаси ва компаниянинг фойдаси, асосан, реклама орқали олинган даромаддан иборат бўлиб, бу ташкилот умумий даромадининг 90 фоизини ташкил этади. Қолгани эса, таъсисчининг ўз маблағлари ҳисобига тўғри келади. Электрон спорт ташкилоти фойда олишдан манфаатдор бўлган тижорат корхонаси бўлганлиги сабабли, ташкилот олган мукофот пулининг ҳаммаси ҳам жамоанинг даромади ҳисобланмайди. Кўпинча компаниялар маблағларни турли йўллар билан тақсимлайдилар, мисол учун LoI компаниясида ташкилот мукофот жамғармасининг 70 фоизини олади, Dota 2 эса, камида 80 фоизини ўйинчиларга ажратади⁹. Ушбу ҳолат замонавий ҳуқуқнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, пул мукофотлари, уларни киберспортчилар аъзоларига тарқатиш тизими, меҳнат ва солиқ қонунчилигини тартибга солиш хусусиятларини янада кучайтиришни талаб этади.

Умуман олганда, спортчининг маоши шартнома бўйича тўловлар, турнир голиблиги учун бонуслар, реклама шартномалари бўйича даромадлар ва мухлислар аудиториясининг ҳисобига олинадиган тўловлардан иборат. Оммабоп ўйинчи йилига YouTube ёки Twitch дан 50 минг долларгача ёки ундан кўпроқ пул ишлаши ҳам мумкин. Ашаддий мухлислар томонидан жонли ўйин вақтида бирор ўйинчига 10 минг доллар

миқдорида пуллар юборилган ҳолатлар ҳам кузатилган¹⁰.

Ўзбекистонда мазкур спортга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бораётганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3549-сон қарори билан тасдиқланган 2018-2019 йилларда ахборот технологиялари ва коммуникациялари тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича Йўл харитасининг 35-бандига асосан 2018 йил 1 июлига қадар Ўзбекистонда компьютер спортини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида компьютер спортини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва бошқа тегишли вазирлик ва идораларга норматив ҳуқуқий ҳужжат тайёрлаш вазифаси юклатилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон виртуал спорт ўйинлари ва киберфутбол федерацияси жамоат бирлашмаси (20.10.2016) 2018 йил 6 август куни ўз фаолиятини янада профессионал тарзда ташкил этиш ва халқаро стандартлар талабига мослашиш мақсадида бир қатор ташкилий ўзгаришларни амалга оширди ҳамда “Ўзбекистон электрон компьютер спорт федерацияси” деб қайта номланди ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайта давлат рўйхатидан ўтказилди.

Ҳозирда, мазкур федерация Ўзбекистонда барча электрон ўйинлар, компьютер спорт ва киберфутболни ривожлантириш ҳамда республика ҳудудида турнирларни ташкил этиш, шунингдек, ташкилот ушбу йўналишдаги мураббий ва киберспортчиларни тайёрлаш билан ҳам шуғулланмоқда. Ўзбекистон электрон компьютер спорт федерацияси ўз фаолиятида Миллий олимпия қўмитаси, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг виртуал спорт турларига оид қарорлари ижросини таъминлашда фаол иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 369-сон қарори билан “Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тўғрисида”ги низом тасдиқланган бўлиб, мазкур низомнинг 11-банди 1-қисмининг ўн биринчи хатбошисига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги спорт турлари бўйича Ягона спорт таснифини, шунингдек, у тўғрисидаги низомни, спорт турлари ва спорт фанларини эътироф этиш, улар реестрини юритиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ҳуқуқига эга.

Шунга кўра, Вазирликнинг 2018 йил 15 августдаги 3-сонли Ҳайъат қарорининг 4-илоvasида Ўзбекистон Республикаси спорт турлари реестрига 100033001 коди остида Электрон компьютер спорт тури сифатида киритилиб, Ўзбекистон томонидан расман тан олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг 2017 йил 29 августдаги “Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, уларни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорида (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди,



esports.uz

рўйхат рақами 2923) Спорт тури ёки спорт турининг тармоғини эътироф этиш учун у спорт турига мос белгига, аниқ мусобақа қоидаларига, машғулот ўтказишнинг ўзига хос хусусиятларига, фойдаланиладиган спорт анжомлари ва ускуналарига эга бўлиши, спортчиларнинг қатнашиши, одамнинг жисмоний ва ақлий ривожланиш қобилияти ҳамда ҳаракат фаоллигини такомиллаштиришга, шунингдек соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилиши лозим деб белгиланган.

Бироқ, танганинг бошқа тарафи ҳам бор, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида бундай фаолият билан шуғулланиш тақиқланади. Бу каби ўйинларни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 мартдаги ПҚ-608 сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 августдаги 176-сон Қарорларига асосан 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудига қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни (шу жумладан тотализаторлар) ташкил этиш ва ўтказиш (тиражли, бир лаҳзали ва рақамли лотереялардан ташқари), қимор ўйинларини ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ва ўтказиш учун телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғи провайдерлари томонидан хизматлар кўрсатиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига пул ютуғига эга бўлган ўйин автоматларини олиб кириш тақиқланади¹¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 191-моддаси учинчи қисмига биноан мазкур фаолият билан ноқонуний шуғулланиш компьютер ва бошқа ёрдамчи воситаларни, шунингдек ўйинга тикилган ҳамда ўйиндаги ютуқ бўлган пуллар, ашёлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса ўн бараваридан



ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 278-моддасининг тўртинчи қисмига асосан шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига эса Қимор ва гаров ўйинлар ўтказиш бўйича алоҳида 56-боб ажратилган бўлиб, 983-моддага биноан Фуқаролар ва юридик шахсларнинг таваккалчиликка асосланган қимор ёки гаров ўйинлар (қимор ва бас бойлаш) уюштириш ёки уларда иштирок этиш билан боғлиқ талаблари судда ҳимоя қилинмайди, қимор ёки гаров ўйинлар алдов, зўравонлик, таҳдид қилиш таъсирида ёхуд ўз вакилининг қимор ёки гаров ўйинлари ташкилотчиси билан ғаразли келишуви туфайли иштирок этган шахсларнинг талаблари ва ушбу Кодекснинг 984-моддасида (Давлат томонидан лотереялар ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари) кўрсатилган муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бундан мустасно ҳисобланади.

Демак, мазкур қонун ҳужжатлари ҳали ҳам амалда бўлганлигидан келиб чиқиб, мазкур моддаларга зид келиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолият турини ноқонуний деб топишимиз мумкин. Спорт турларини ва спорт турининг тармоқларини эътироф этиш, улар-

ни спорт турлари реестрига киритиш ҳамда ушбу реестрни юритиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 11-бандига кўра ҳам – Реестрга киритилган спорт тури ва спорт турининг тармоқлари бўйича қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа мақсадларда фаолият олиб боришга рухсат этилади. Агарда, бу фаолият қонуний ҳисобланиши лозим бўлса, тегишли қонун ҳужжатларига бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим бўлади. Буларни қонунчилигимиздаги оқ доғлар сафига қўша бўлади. Шунингдек, биламизки, спорт билан шуғулланиш эрта ёшдан бошланиши ҳам мумкин, электрон спорт (компьютер ўйинлари)га вояга етмаганларни жалб қилиш эса қонун доирасида жавобгарликка олиб келиши мумкинлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Албатта, электрон спортнинг расмий спорт тури сифатида тан олиниши ҳуқуқий оқибатларга олиб келади. Ҳозирда бу спорт турини тартибга солувчи ягона норматив-ҳужжат бу Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги Қонуни, бироқ, допинг ишлатишни олдини олиш ва огоҳлантирувчи воситалардан фойдаланганлик учун жавобгарликни белгилаш масалалари энди долзарб бўлиб қолмоқда.

Маълумки, деярли барча йирик спорт мусобақалари узоқ вақт давоми-

да допинг назорати остида бўлган ва киберспорт ҳам бундан мустасно бўлмаслиги лозим. Шундан келиб чиқиб, меъёрий-ҳуқуқий базани, айниқса, ушбу йўналишни янгилаш тавсия этилади.

Бундан ташқари, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулкнинг бу борадаги баъзи жиҳатлари ҳам очиқ қолмоқда. Чунки, ўйин таъсисчилари, видеоўйинлар эгаларининг ўз мулкларига нисбатан ҳуқуқлари мавжуд бўлиб, мулк эгаларининг рухсати билан улардан фойдаланиш лозим бўлади. Шу билан бирга, е-спорт, видео ўйинларнинг амалдаги қоидалари спорт анжомлари билан тенглаштирилган, аммо айти пайтда улардан фойдаланиш лицензия шартномаларини имзоланиш талаб этади. Бу муаммо, албатта, суд амалиётида янги прецедентларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундан ташқари, технологияларнинг жадал ривожланиши оқибатида юристлар ҳақиқат ва виртуал маконнинг кесишиш масалаларини эътибордан четда қолдира олмайди.

Машҳур Pokemon Go ўйини мисолида, мутахассислар ўйин давомида ўйин эгаси бўлган ҳудудда қандай ҳуқуқлар бузилиши мумкинлигини тушунтирмоқдалар. “Мулк эгасининг ҳуқуқи бузилиши унинг ҳудудига ноқонуний киришда эмас, балки виртуал объектни виртуал вакилликда бундай виртуал объектни маълум мулкка боғлайдиган геолокация белгиси билан мувофиқлаштирилмаган ҳолда жойлаштирилишидадир”, деб таъкидлади В. Архипов¹².

Шунингдек, ҳуқуқий категория сифатида мутахассис электрон аккаунтни маълум бир шахсга тегишли ёки йўқлигини текшириш мавзусига ҳам тўхталди. Аккаунтнинг ҳақиқийлигини аниқлаш имкони бўлмаслиги учун “boosting” каби вертуал ҳодиса билан мураккаблаштирилади, яъни, бу маълум бир ўйинчи томонидан қоидаларни четлаб ўтиб, ўйиндаги рейтингини яхшилаш. Чунки, бу кўпгина спорт ташкилотларининг мусобақаларда иштирок этиш учун ўйин-



чиларга қўйган малакавий шартидир. Шундай қилиб, агар ўйинчи мусобақада иштирок этиш учун ўз рейтингини сунъий равишда кўтарса, у нафақат ахлоқ қоидаларини, балки бир қатор ҳуқуқий меъёрларни ҳам бузган ҳисобланади¹³.

Компьютер ўйинлари саноати нафақат дунёда, балки Ўзбекистонда ҳам жадал ривожланаётганлиги сабабли, мавжуд ҳуқуқий нормаларни виртуал иқтисодиётга мослаштириш учун юридик хизматларга талаб пайдо бўлмоқда, яъни Ўзбекистон ҳуқуқий бизнеси учун янги истиқболли жой пайдо бўлди - спорт ва ҳуқуқий маслаҳат.

Афсуски, ҳозирча бундай ташкилотлар тўғрисида статистик маълумотлар йўқ, аммо бир нечта шундай чет эл сайтлари борки, уларнинг фаолияти бевосита аниқ шу йўналишда хизмат кўрсатишга қаратилган. Мазкур сайтлар хизматларнинг асосий мижозлари е-спорт ташкилотлари ва киберспортчилар. Бу сайтларга биринчидан, клублар суд низоларини ҳал қилиш, суд қарорлари ёки турнир ташкилотчилари, компьютер спорти федерацияси ва бошқа спорт институтлари томонидан чиқарилган қарорларга шикоят қилиш учун малакали юристлар ёрдамини таъминлаш бўйича сўров юборишлари мумкин. Иккинчидан, киберспортчилар электрон спорт ташкилоти (клуб)ни топишда, у билан меҳнат муносабатларини расмийлаштиришда, шунингдек нотўғри тузилган шартноманинг (иш ҳақи, жарималар, компенсация, ишдан бўшатиш, ҳуқуқларнинг бузилиши ва ҳоказолар) келиб чиқадиган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам сўрашлари мумкин. Шунингдек, спорт ва юридик (консалтинг) маслаҳат агентликлари спорт интизомларини тан оладиган ҳужжатларни тайёрлаш, спорт федерациялари ва лигалари учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, спорт ташкилотларининг юрисдикция органларида ишлаш ва бошқалар каби хизматларни ҳам кўрсатишади¹⁴.

Хулоса қилиб айтганда, киберспорт

саноати бизнес, ўйин-кулги соҳаси сифатида, спортнинг классик соҳасига нисбатан ҳуқуқий институт сифатида тезроқ ва фаолроқ шаклланади. Е-спорт ёки юридик маслаҳат агентликларининг пайдо бўлиши, улар қайсидир даражада спорт соҳаси ва бизнес сектори сифатида е-спорт нуқтаи назаридан классик ҳуқуқий норма ва қоидаларнинг янада самарали қўлланилишини таъминлайди. Шунга қарамай, е-спортнинг ҳуқуқий соҳаси янада фаолроқ ривожланиши ва янгиланиши керак.

Ҳозирда Ўзбекистон Киберспорт ихлосмандлари томонидан “киберспорт – маҳаллий АТ тармоғи учун рақамли келажак калити” сифатида эътироф этилмоқда, бироқ, АТ соҳаси компьютер ўйинларидан тубдан фарқ қилиб, унинг ўзига хос таълимоти мавжуд. Бу эса алоҳида йирик таҳлилга муносиб яна бир мавзудир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сутырина Е.В. Правое регулирование деятельности профессионального киберспортсмена // Universum: экономика и юриспруденция, 2017. № 12 (45). С. 24-31.
2. https://ru.wikipedia.org/wiki/Doom_2
3. https://www.dp.m/a/2018/05/23/Denezhniy_kibersport/ Денежный киберспорт. Зачем крупные инвесторы вкладываются в индустрию виртуальных развлечений. 23.05.2018 // Деловой Петербург. [Электронный ресурс].
4. Newzoo's 2017 Global Games Market Report, <https://newzoo.com/insights/trend-reports/newzoo-global-games-market-report-2019-light-version/>
5. Хитой Интернет ахборот маркази (CNNIC) Хитойда Интернетнинг ривожланиши ҳақидаги 44-статистик ҳисоботи <https://equalocean.com/high-tech/20190915-cnnic-publishes-the-44th-china-internet-development-report>
6. Топ-9 акций для получения дохода от киберспорта. 01.08.2018 // Журнал о финансовых рынках «Financial One». <https://fomag.ru/news/top-9-aktsiy-dlya-polucheniya-dokhoda-ot-kibersporta/>
7. <https://imgame.kz/oldnews/>
8. <http://www.rbc.ru/rbcfrenews/57580f149a7947bf3ee4c328/>
9. <https://rb.ru/opinion/cybersport-business/>
10. <https://rb.ru/opinion/cybersport-business/>
11. <https://lex.uz/docs/1238379> (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 16 августдаги 176-сон “Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори)
12. <https://regnum.ru/news/2418790.html/>
13. <https://regnum.ru/news/2418790.html/>
14. Официальный сайт спортивно-правового консалтингового агентства <http://sport-in-law.com/>
16. <https://finance.uz/index.php/uz/fuz-menu-technology-uz/3643-zbekistonda-kibersport-festivali-b-lib-tadi>

ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАР – ПАРЛАМЕНТНИ ҲАҚИҚИЙ ДЕМОКРАТИЯ МАКТАБИГА АЙЛАНИШНИНГ МУҲИМ ШАРТИ

Абдуманноб
РАХИМОВ,
Ўзбекистон
Республикаси
Конституциявий
суди котибиятининг
мудир, юридик
фанлар номзоди

“Демократия қаердан бошланади – парламентдан бошланади. “Парламент – демократия мактаби”, деймиз. Шундай экан, миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак.”

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Парламентни шакллантириш тартиби, унинг ҳуқуқий асослари, парламент палаталари ўртасида ваколатларнинг тақсимланиши ва уларнинг ўзаро муносабатларининг аниқ белгилаб қўйилиши парламентни самарали фаолият юритишига ва том маънодаги демократия мактаби вазифасини ўташига хизмат қилиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам ҳар бир давлат ўзининг вакиллик органини шакллантириш жараёнига демократик усул ва таъминларни тобора чуқурроқ сингдириб боришга ҳаракат қилиши лозим. Чунки, дунё таърибасида мамлакат парламентини шакллантиришнинг ягона универсал модели мавжуд эмас.

Парламент атамаси луғавий маънода “сўзламоқ” (французча “parler”) сўзидан олинган бўлиб, “сўзлаш” ёки “сўзлаш жойи” маъноларини билдиради. Сиёсий-ҳуқуқий маънода эса қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи органини англатади¹. Профессор З.М.Исломовнинг таъкидлашича, замонавий парламент – халқ вакиллиги олий органи бўлиб, у халқ хоҳиш-иродасини ифодалайди, энг муҳим ижтимоий муносабатларни асосан қонунлар қабул қилиш йўли билан тартибга солади, ижро этувчи ҳокимият органлари ва юқори мансабдор шахслар фаолиятини назорат қилади².

Таъкидлаш жоизки, парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги аҳамияти ва унинг тузилиши жиҳатидан мақбул моделларини асослашга қаратилган тадқиқотлар билан боғлиқ масалалар ҳанузгача илмий баҳс ва мунозаралар объекти сифатида ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Юридик адабиётларда “парламентаризм” атамасига турли хил таърифлар

берилган. Чунинчи, энг кенг тарқалган таърифга кўра, “парламентаризм – давлат ҳокимиятини ташкил этиш, унинг тузилишига ва вазифаларига кўра, ҳокимиятни тақсимлаш (бўлиниш) ва қонун устуворлиги принципларига асосланган, парламент ижтимоий адолат муносабатларини ва ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш борасида етакчи роль ўйнайдиган алоҳида тизим ҳисобланади”³.

С.А.Авакьяннинг фикрича, парламентаризмнинг асосий белгилари – вакиллик, депутатларнинг ҳақ тўланадиган доимий фаолияти, уларнинг маълум ижтимоий мақомга эгаллиги, шунингдек, вакиллик муассасасининг муайян фаолият доираси (қонунлар қабул қилиш, солиқ тизимини жорий этиш ва давлат бюджетини тасдиқлаш, ички ва ташқи сиёсатга таъсир кўрсатиш, бир қатор давлат органларини шакллантириш, парламент назорати вазифаларини бажариш), унинг маълум иш шакллари, услуб ва усулларидан иборат⁴.

2004 йилдан ўз фаолиятини икки палатали шаклда бошлаган миллий парламентимиз мақоми, ваколатлари доираси, унинг палаталарини шакллантириш тартиби, қолаверса номланиши билан аввалги бир палатали парламентни шакллантириш тартибидан жиддий тарзда фарқ қилади.

Икки палатали парламент шаклига ўтган Олий Мажлиснинг қуйи палатаси Қонунчилик палатаси юқори палатаси эса Сенат деб номланди. Албатта, қуйи палатани Қонунчилик палатаси деб номланишида бу палатанинг бевосита қонунчилик фаолияти билан шуғулланиши, унинг қонун ижодкорлиги соҳасида устувор аҳамиятга эга экани, доимий равишда фаолият кўрсатиши ҳамда профессионал

аъзолардан иборат таркибда шаклланиши каби омиллар ҳам хизмат қилган. Олий Мажлиснинг юқори палатасини Сенат деб номланиши дунё амалиётидан келиб чиққан десак хато бўлмайди. Чунки, давлатнинг олий қонун чиқарувчи ҳокимиятининг юқори палатаси аксарият давлатларда Сенат деб номланади. “Сенат” атамаси лотинча “senatus” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “оқсоқол” маъносини англатади. Бу бежиз эмас, албатта, қадимги ижтимоий тузумда ҳокимият айнан “оқсоқоллар”га тегишли бўлгани ва ушбу тушунча аста секинлик билан лотин тилига “senatus” шаклида кириб келиши билан боғлиқ. Бу атама қадимги Римда эрамиздан аввалги VI-асрдан бошлаб қўлланила бошланган⁵.

2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси ўз мустақил тараққиётининг янги даври, юксалиш босқичига кирди. Мамлакат тараққиётининг янги даври ва унинг ҳуқуқий асоси энг аввало, давлат раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилди.

Уш Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналиши Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришни назарда тутди. Ушбу йўналиш “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” концепцияси қоидаларини ўзида тўлиқ акс эттирган бўлиб, бунда энг аввало демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда Олий Мажлис палаталари, сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Албатта, кучли парламент ва уни мамлакатни модернизация қилишдаги ролини кучайтириш энг аввало, уни шакллантиришдан бошланади, десак муболаға бўлмайди. Айнан шунинг учун ҳам давлат раҳбари 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга йўллаган илк Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифасини кун тартибига қўйди.

Дунёдаги мавжуд 50 дан ортиқ мамлакатларнинг сайлов кодекслари ва қонун-



ларини ўрганиш ва сайловга доир 10 дан ортиқ халқаро ҳужжатларни таҳлил этиш натижасида тайёрланган Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 2019 йил 25 июнда қабул қилинди⁶.

Сайлов кодексининг қабул қилиниши билан амалда шу вақтга қадар сайлов тизимини тартибга солиб келган 5 та яхлит қонунлар ва уларга ўзгартиш ва қўшимчаларни назарда тутган 21 та қонун ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 40 қа яқин қонуности ҳужжатлари ўз кучини йўқотди. Шунинг ўзи ҳам Сайлов кодексининг қабул қилиниши соҳани тартибга солишга қаратилган қонунлар самарадорлигини оширишга беқиёс хизмат қилиши шубҳасиз эканлигини кўрсатади.

Шуни алоҳида эътироф этиш ўринли бўладики, Сайлов кодексига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловининг ўзига хос хусусиятлари ва Сенатини шакллантириш тартибига кўра, улар бир-бирдан тубдан фарқ қилади деб айтишга асос бор. Фақат бунинг ўзи эмас. Уларнинг фаолияти ва ваколатлари доирасида ҳам жиддий фарқлар бор.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат. Қонунчилик палатаси депутатлари ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланади. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади.

Сенат эса, ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг томонидан тайинланади.

Айни пайтда палаталар ўртасидаги фарқлар уларни шакллантириш тартиби билан чегараланмайди, балки палаталарнинг ички тузилмаларини шакллантиришда ҳам намоён бўлади.

Маълумки, Қонунчилик палатаси ўз фаолияти ва ваколатига кирадиган масалаларни самарали ташкил этиш мақсадида раҳбар ва ишчи органларини тузади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлайди⁷.

Қонунчилик палатасининг Спикери сайловдан кейинги биринчи мажлисда Қонунчилик палатасининг депутатлари

орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан сайланади.

Олий Мажлисининг юқори палатаси – Сенатнинг шакллантириш тартибига назар солайлик. Таъкидланганидек, Олий Мажлис Сенати ҳудудий вакиллик органи сифатида намоён бўлади. Юқори палатанинг бу хусусияти уни шакллантиришда ҳам яққол кўзга ташланади.

Олий Мажлис Сенати икки поғонали сайловлар асосида шакллантирилади. Маълумки, бундай сайловлар жаҳон парламентаризми тажрибасида кўп учрайдиган ҳолат бўлиб, бу усул асосан ҳудудий вакилликка асосланган палаталарни шакллантиришда қўлланилади.

Бинобарин, юқори палатани шакллантириш – Олий Мажлис Сенатида тегишли вакилликни таъминлаш ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини таъкидлаш жоиз. Сенатни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, бир томондан, сайлов ҳуқуқининг конституциявий таъминларини жорий этишдан иборат бўлса, иккинчи томондан, ҳудудлар вакилликнинг энг тажрибали ва обрў-этиборли номзодлари орасидан муносибларини танлаб олишдир.

Сенат аъзоларининг сайлови Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, тегишли вилоятлар, Тошкент шаҳар, шунингдек туманлар ва шаҳарлар маҳаллий Кенгашларининг қўшма мажлисини чақириш Марказий сайлов комиссияси томонидан амалга оширилади. Қўшма мажлис, агар унда депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Сенатни шакллантириш тартибига алоҳида тўхталиб ўтсак. Сенат фуқаролар томонидан шакллантирилмайди. Яъни, Сенат аъзоларини фуқаролар бевосита сайламайди. Лекин, парламент юқори палатаси ҳам вакиллик органи ҳисобланади. Ва, у ҳам халқ номидан фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов





кодексининг 14-боби “Сенатни шакллантириш тартиби”га бағишланган. Унга мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, маҳаллий Кенгашларга сайлов якунлари эълон қилинганидан (ҳаммага маълум қилинганидан) кейин уч кунлик муддатда Сенат аъзоларини сайлаш учун қўшма мажлислар ўтказилишини эълон қилади. Марказий сайлов комиссиясининг қўшма мажлисларни ўтказиш санаси, вақти ҳамда жойи кўрсатилган қарори оммавий ахборот воситаларида, шунингдек унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади (ҳаммага маълум қилинади). Қўшма мажлисни Марказий сайлов комиссияси аъзоси очиб, энг обрўли, тажрибали, катта ёшли депутатлар орасидан мажлисга раислик қилувчи тўғрисида таклиф киритади. Қўшма мажлисининг ишини олиб бориш учун очиқ овоз бериш орқали уч кишидан беш кишигача миқдорда ишчи ҳайъат сайланади, шунингдек тушган таклифларни ҳисобга олиш ва қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштириш учун уч кишидан иборат Котибият тузилади.

Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш қўшма мажлисда амалга оширилади.

Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш учун раислик қилувчининг тақдимномасига биноан очиқ овоз бериш орқали оддий кўпчилик овоз билан Маслаҳат кенгаши сайланади. Маслаҳат кенгаши катта тажрибага эга бўлган энг обрўли, катта ёшли депутатлар орасидан, қоида тариқасида, ҳар бир маҳаллий Кенгашдан биттадан вакил сайланади. Маслаҳат кенгаши ўз раисини сайлайди.

Маслаҳат кенгаши фан, санъат, адаби-

ёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлар орасидан Сенат аъзолигига номзодларни кўрсатади ва кўриб чиқади ҳамда сайлов бюллетенига киритиш учун таклиф киритади. Номзодларнинг алоҳида-алоҳида эшитуви ва муҳокамаси натижаларига кўра қўшма мажлисда уларни сайлов бюллетенига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қўшма мажлисда иштирок этаётган депутатларнинг кўпчилиги ёқлаб овоз берган Сенат аъзолигига номзод сайлов бюллетенига киритилган ҳисобланади. Сайлов бюллетенига олти нафардан кам бўлмаган Сенат аъзолигига номзодлар киритилади.

Яширин овоз беришни ўтказиш ва унинг натижаларини аниқлаш учун қўшма мажлисда иштирок этаётган депутатлар орасидан тўққиз нафаргача аъзодан, шу жумладан комиссия раиси ва котибидан иборат таркибда Санок комиссияси сайланади.

Санок комиссияси: Сенат аъзолигига сайлов бўйича овоз беришни ташкил этади ва ўтказиши; қўшма мажлис иштирокчиларига яширин овоз беришни ўтказиш вақти, жойи ва тартибини эълон қилади; сайлов бюллетенларини уларга Сенат аъзолигига ҳар бир номзоднинг туғилган йилини кўрсатган ҳолда, фамилияси, исми ва отасининг исмини алифбо тартибда киритиш орқали тайёрлайди; овоз берувчиларнинг рўйхатини аниқлаштиради, уларга сайлов бюллетенларини топширади; сайлов бюллетенининг юз томонига муҳр қўяди ва унда Санок комиссиясининг камида икки нафар аъзосининг им-

зоси қўйилган бўлишини таъминлайди; овозларни санаб чиқади ва яширин овоз бериш натижалари тўғрисида баённома тузади; яширин овоз бериш натижаларини қўшма мажлисга тасдиқлаш учун киритади.

Яширин овоз бериш бошланишидан олдин Саноқ комиссияси раиси уни ўтказиш тартибини эълон қилади, комиссия аъзолари ҳозирлигида сайлов қутисини текширади ва бир маротаба ишлатиладиган пломбалар билан пломбалайди. Сайлов қутиси овоз берувчи унинг ёнига албатта яширин овоз бериш кабинаси ёки хонаси орқали ўтиб борадиган қилиб ўрнатилади.

Қўшма мажлисда иштирок этаётган депутат Саноқ комиссияси аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда овоз берувчилар рўйхатига имзо қўяди, шундан кейин унга сайлов бюллетени топширилади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида ўзи ёқлаб овоз бераётган Сенат аъзолигига номзодларнинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «X» ёхуд «х» белгисини қўйиш орқали тўлдирилади.

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини кўринарли жойда туриши керак бўлган сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени овоз берувчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин.

Яширин овоз бериш жараёни тугагани-

дан кейин фойдаланилмаган, шунингдек бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олинмиши, бекор қилиниши лозим (чап томондаги юқори бурчакни қирқиб қўйиш орқали) ва алоҳида сақланади.

Овозларни санаб чиқиш Саноқ комиссияси аъзолари томонидан яширин овоз бериш натижалари аниқлангунига қадар танаффуссиз ўтказилади.

Сайлов қутисидаги сайлов бюллетенлари асосида Саноқ комиссияси:

овоз беришда иштирок этган депутатларнинг умумий сонини;

Сенат аъзолигига ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;

ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

Овоз берувчилар томонидан сайлов бюллетенларига қўшимча равишда ёзиб қўйилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари, овоз бериш чоғида битта ҳам квадратга «+» ёки «X» ёхуд «х» белгиси қўйилмаган сайлов бюллетенлари, шунингдек юз томонида муҳр ва Саноқ комиссияси аъзоларининг имзоси бўлмаган бюллетенлар ҳақиқий эмас деб топилади.

Яширин овоз бериш натижалари бўйича баённома тузилади, баённома Саноқ комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади. Баённоманинг қаламда тўлдирилишига ва унга бирон-бир тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Овоз бериш натижаларига кўра бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган Сенат аъзолигига номзодлар, башарти қўшма мажлисда ҳозир бўлган маҳаллий Кенгашлар депутатларининг эллик фоиздан кўпроғи уларни ёқлаб овоз берган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши институтининг



жорий қилингани биздаги Сенат таркиби шакллантирилишининг ўзига хослигини кўрсатади.

Қонунчилик палатасида бўлгани каби Сенат ҳам ўз фаолияти ва унинг ваколатига кирадиган масалаларни самарали ташкил этиш мақсадида ўзининг раҳбар ва ишчи органларини тузади. Олий Мажлис Сенати Раислигига ва унинг ўринбосарлигига номзодлар эса Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан сенаторлар орасидан тақдим этилади⁸. Сенат раҳбар органларини бундай тартибда шакллантириш услуги дунё парламентларининг тажрибасида мавжуд бўлиб, унинг моҳияти Сенат аъзолари асосан ҳудудлар вакилликдан ташкил топганлигида, десак тўғри бўлади.

Ўтган йилларда Ўзбекистонда парламентни шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва демократик сайловлар ўтказиш бўйича катта тажриба тўпланди. Энг муҳими, мамлакатимизда “икки палатали парламентни шакллантиришда, биринчидан, тарихий миллий давлатчилик ва истиқлол йилларида қонунчилик соҳасида тўпланган тажрибага; иккинчидан, парламентаризм соҳасидаги халқро андозалар ва тажрибаларга; учинчидан, илғор чет давлатлар парламентлари тажрибаси ва қонунчилик амалиёти”⁹га таянилгани унинг бугунги муваффақиятли фаолиятини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини шакллантириш қуйидаги асосий принципларга асосланади:

халқ вакиллиги принципи (қуйи палатага сайловларни умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши); ҳудудлар манфаатларини эътиборга олиш принципи (юқори палата аъзоларининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланиши); палаталар таркибини вақти-вақти билан бўлиб ўтадиган сайловлар орқали



янгидан шакллантирилиши принципи; сиёсий хилма-хиллик ва кўппартиявийлик принципи.

Ушбу принциплар асосида Ўзбекистонда парламентнинг икки палатали шаклининг танланиши мамлакатимиз қонун чиқарувчи ҳокимиятининг самарали фаолият юритишини таъминлаш баробарида миллий сайлов қонунчилигимизни мунтазам равишда такомиллаштириб борилишига ҳам хизмат қилди. Чунки, том маънодаги демократия парламентга умумий, тенг ва тўғридан-тўғри бўлиб ўтадиган сайловларсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қаранг: Юридик энциклопедия / Юридик фанлари доктори, профессор У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т.: “Шарк”, 2001. – Б.365
2. Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. – Б.111.
3. Парламентское право России. / Под ред. И.М.Степанова, Т.Я. Хабриевой. М.: Юристъ, 1999. - С.5.
4. Авакьян С.А. Федеральное собрание – Парламент России. М.: 1999. - С.26-29.
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Сенат>
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 йил, 26-сон, 467-модда
7. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б.30.
8. “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 137-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда.
9. Саидов А.Х. Парламент ислоҳоти: ўзбек модели. / Ҳаёт ва қонун. 2002. № 2. - Б.5.

ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

**Хожимурод
ОДИЛҚОРИЕВ**

Юристар малака-
сини ошириш маркази
“Давлат ва жамият
қурилиши” кафедраси
мудир,
юридик фанлар док-
тори, профессор

Мамлакат тараққиётининг турли тарихий даврларида, айниқса унинг юксалиш босқичларида давлат билан жамиятнинг ўзаро нисбати диалектикаси ижтимоий онг томонидан такрор – такрор мушоҳада этилади. Шу боис Ўзбекистоннинг бугунги инновацион ривожланиши босқичида, бир томондан, давлатнинг ижтимоий – сиёсий функциялари табиати қандай; иккинчи томондан, жамиятнинг ижтимоий, маърифий, сиёсий – тарбиявий функциялари қандай, деган саволларга илмий ечим излаш ҳуқуқшунослик фанининг долзарб мавзусига айланганлигини таъкидлаш лозим.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасини 2017 – 2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишлар” белгиланган.

Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш эҳтиёжлари, ислохотлар шиддати нафақат давлат органлари масъулияти ҳамда саъй-ҳаракатини, балки фуқаролик жамияти тузилмаларининг фаоллашувини, ўзгаришларга дахлдорлик хисси билан муносабатда бўлишини, энг муҳими, жиддий вазифа ва муаммоларни ҳал этишда давлат органлари билан жамият институтларининг салоҳиятини, куч – имкониятларини бирлаштиришни тақозо этмоқда.

Ижтимоий шерикликдан, ўзаро ҳамкорликдан жамият тузилмалари ҳам, давлат органлари ҳам бирдек манфаатдордир. Давлат органлари мазкур ҳамкорлик натижасида жамият ҳаётидаги долзарб масалалар ечимида қулайликка эга бўлса, фуқаролик жамияти институтлари эса ўз дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга, ўз нуфузи (имиджи) ва сиёсий майдондаги мавқеи юксалишига эришади¹.

Ижтимоий шериклик (ҳамкорлик)нинг бир субъекти – давлат ва унинг органлари, иккинчи субъекти – жамият тузилмалари, фуқаролик жамияти институтлари бўлганлиги боис, унинг табиати сиёсий – жамоатчилик, оммавий – гуманитар маъно – мазмун касб этади. Бу фикрни ойдинлантириш учун “давлат” ва “жамият” категорияларининг моҳияти ва хусусиятлари талқинига мурожаат этиш лозим.

Давлат – жамият тарихий тараққиётининг маҳсули, ундаги ижтимоий ҳокимиятнинг бир тури бўлмиш – сиёсий ҳокимиятнинг энг муҳим институтидир. Давлат – жамиятнинг умумий ишларини бошқарувчи алоҳида орган. Давлат жамиятнинг сиёсий ташкилотлари тизимида муҳим ўрин тутади, аммо яқка-юягона бўгин эмас, ушбу тизимга сиёсий партиялар, ижтимоий – сиёсий ҳаракатлар ва бошқа ташкилотлар ҳам киради.

Давлатнинг ижтимоий роли, умум-жамият ишларини бошқариш функциясининг моҳияти шундаки, у барча фуқаролар умумий хоҳиш-иродасини расмий ифода этади ва шу асосда жамият ҳаётига мақсадли, уюштирувчи, ташкиллаштирувчи, сафарбар этувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи таъсир ўтказади. Шу боис давлат томонидан ўз ижтимоий вазифаларини бажаришини изоҳловчи (тавсифловчи) икки жиҳатни кўрсатиш мумкин: 1) ижтимоий функ-

ция давлат фуқароларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари ва иродасини ўзида қанчалик мужассам этишининг кўрсаткичи; 2) давлатнинг ижтимоий жараёнларни қандай бошқараётгани, жамият тараққиётини таъминлаётганининг намоишидир.

Даврнинг айна инновацион юксалиш палласида мамлакатимизда юритилаётган сиёсатнинг мантиғи – давлат фаолиятига, жумладан, унинг қонун ижодкорлиги фаолиятига, давлат бошқарув жараёнларига жамият манфаатини ифодаловчи тузилмаларни, фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этишдан, уларнинг самарали ҳамкорлик қилиш механизмларини вужудга келтириш ҳамда ривожлантиришдан иборат.

Ўз навбатида, фуқаролик жамияти давлат ҳокимиятини шакллантиради, унга ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, мамлакат миқёсида инсонларнинг биргаликда турмуш кечириши тақозо этадиган ижтимоий тартибни таъминлаш учун зарур бўлган ҳуқуқ ва ваколатларни беради, ҳокимият идоралари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатади ҳамда ҳокимиятни суиистеъмом қилинишига қарши механизмларни яратади. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳалари қатори давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида ҳам юртимизда тинчлик-хотиржамликни, сиёсий барқарорликни, ижтимоий тотувликни, иқтисодий тараққиётни, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ кенг қамровли ислохот ва модернизациялаш жараёнлари давом эттирилмоқда.

Жамиятдаги сиёсий кучлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида келишув (консенсус)га, муросаи – мадорага эришиш, ижтимоий ҳамкорлик (шериклик)ни йўлга қўйиш ҳар қандай ҳукумат шароитида ҳам ижтимоий сиёсатни самарали ҳамда равион юритиш имконини беради. Давлат органлари ва жамият тузилмалари ўртасидаги манфаатлар уйғунлиги асосида биргаликдаги фаолиятни таъ-



минлаш ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, баъзи ҳолларда вужудга келиши мумкин бўлган ижтимоий зўриқишлар (инқирозлар)ни бартараф этишга кўмаклашади.

Ҳаракатлар стратегиясида демократик тамойиллар асосида шакллантириладиган, халқчил, адолатли, жамият манфаатларига хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини яратиш вазифалари белгиланган. Унга кўра, мамлакатни ижтимоий – сиёсий ва социал – иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифаларни амалга оширишда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг самарасини оширишга қаратилган давлат – хусусий шерикликнинг замонавий шакллари жорий этиш; давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги (шаффофлиги)ни таъминлаш, айна вақтда, давлат идоралари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини жорий этиш чораларини ишлаб чиқиш кун тартибига қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, давлат ва жамият бошқарувида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг таъсирчан механизмларини жорий этиш зарур. “Шу муносабат билан барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этишни таклиф қиламан. Маз-

кур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим”².

Ҳозирги пайтда демократик давлатчиликни ривожланиш даражаси, жамиятни эркинлаштириш жараёнларининг жадал бориши, кўп партиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши, мамлакатимиз аҳолисининг изчил юксалиб бораётган сиёсий – ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражаси, ижтимоий – сиёсий фаоллиги давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, уларни ошқора фаолият юритишини таъминлаш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Инновацион ривожланишни муаззам таъминлашга йўналтирилган ислохотларнинг ҳозирги босқичида устувор эътибор давлат органларининг фуқаролик жамияти тузилмалари билан ҳамкорлиги ва мулоқотини кучайтириш масалаларига қаратилган.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш шароитида фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг очиқ ошқоралиги ва самарасини таъминлаш учун, уларнинг жамиятни модернизация

қилишдаги ролини кучайтиришда “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги³ қонуннинг (2014 йил 25 сентябрь) қабул қилинганлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилди.

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига кафолат беради. Шунингдек, давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларида, спорт иншоотлари ва бошқа объектлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари жамоат ташкилотларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашилишига йўл қўйилмайди⁴.

Айни вақтда, давлат ва жамиятнинг фаол ва яқин ҳамкорлиги жамоат бирлашмаларига қуйидаги имкониятларни беради:

★ Ўзбекистон халқи фуқаролик институтлари ва механизмлари, аввало, сайлов тизими орқали ўзининг сиёсий юксалиши ва ҳаётий муҳим миллий манфаатларини ифодалаши учун барқарор шарт-шароитлар яратиш;

★ фуқаролик жамиятини шахс ва



жамият, фуқаро ва давлат, этник ва профессионал жамоалар, ижтимоий-демографик гуруҳларнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг ўзаро мақбул мувозанатидан келиб чиққан ҳолда шакллантириш;

★ жамият фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигига ишончли кафолат бериш. Ўз навбатида, давлатнинг ўзи турмушнинг барча соҳаларидаги ислохотлар жараёнида бундай фаолликнинг ўсиб боришини изчил рағбатлантириб боради ва давлатнинг бюрократлашуви, унинг институтлари фуқароларнинг ҳаётий муҳим манфаатларидан узилиб қолиши хавфининг олдини олади.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шартларидан бири – мамлакат ҳаётида фуқаролик жамиятининг институтлари саналмиш нодавлат ва жамоат ташкилотларининг мавқеи ҳамда аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш, аввало, аҳоли сиёсий фаоллигининг ўсиши, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида нечоғли фаол иштирок этиши билан узвий боғлиқ. Нодавлат нотижорат ва жамоат ташкилотларнинг фаоллигини ошириш фуқароларнинг хусусий ҳаёти соҳасига давлат аралашувини камайтириш, уни қонун воситасида чеклашни назарда тутлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ва нодавлат ташкилотларини ривожлантириш ҳамда улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш давлатимизнинг доимий диққат марказидадир. Шунингдек, бу соҳадаги муҳим йўналиш – давлат билан жамоат бирлашмаларининг ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлигини йўлга қўйишдан, бундай алоқаларнинг самарали усул ва шакллари вужудга келтиришдан иборат⁵.

Фуқароларнинг, улар уюшмаларининг давлат органларини назорат қилиши, ҳокимият тузилмаларининг сиёсати

(фаолияти) юзасидан ўз фикр – мулоҳазаларини билдиришлари фуқаролик жамияти шароитидаги демократиянинг асл намоёнидир. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунида⁶ таъкидланганидек, фуқаролик жамияти институтлари давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъектлар ҳисобланадилар. Қонун уларнинг мазкур фаолиятига оид ҳуқуқий мартабасини мустаҳкамлайди, ҳуқуқ ва мажбуриятлари кўламини белгилайди.

Фуқаролик жамияти институтлари давлат билан алоҳида фуқаролар ўртасидаги тўсиқларни бартараф этиб, демократиянинг қуйидан ривожланишини таъминлайди. Улар жамият ишларини бошқариш борасидаги давлат фаолиятини тўлдиради, зеро, ижтимоий тузилмалар ўз кўлами, оммавийлиги ва мослашувчанлиги туфайли ижтимоий ҳаётда юзага келадиган муаммоларни аниқлаши ҳамда давлат идораларининг имкониятлари чекланган ўринларда, айниқса, маҳаллий даражаларда таъсирчан ҳаракат қилиши мумкин. Фуқаролик институтлари, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, фуқаролик жамиятининг демократик институтлари фуқаролар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий алоқаларни ўрнатиш, улар ўртасидаги муносабатларни адолатли тартибга солиш вазифасини адо этади. Айни вақтда, фуқаролик жамияти институтларининг вазифаси фақат давлатнинг кучи билан қондирилиши мумкин бўлган манфаат-

лар ҳақида давлатга ахборот етказиб беришдан иборат.

Энг муҳими, фуқаролик жамиятида маънавий ҳаёт умумбашарий кадрятлар асосида амалга оширилганлиги, инсоннинг муқаддаслиги, эркинлиги, қонун олдида тенглиги, ижтимоий адолатнинг тўлиқ қарор топганлиги билан белгиланади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, фуқаролик жамияти жамоат бирлашмаларининг оддий йиғиндидангина иборат бўлмай, балки улар фаолиятининг натижасида пайдо бўладиган турли-туман ижтимоий муносабатлар тизими ҳамдир. Бу ташкилотлар, институтлар ва гуруҳлар алоҳида шахсга унинг ҳокимият манбаи эканлигини, унинг лаёқати ва ҳаракати, обрўси юксак кадрят эканлигини англашга ёрдам берадилар. Инсонлар ушбу ташкилот ва бирлашмалар орқали ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа мақсадларини рўйбга чиқарадилар, давлатни бошқаришда иштирок этадилар.

Фуқаролик жамиятидаги мавжуд манфаатларни қаноатлантириш, рўйбга чиқариш учун тегишли ташкилий тузилмалар ва институтлар шакллантирилади, зарур механизмлар вужудга келтирилади. Фуқаролик жамияти анъанавий жамиятдан фарқли ўлароқ, инсонларнинг хусусий ҳаёт соҳасидаги мулкӣ, иқтисодӣ, ижтимоӣ, ҳуқуқӣ, динӣ, ахлоқӣ ва бошқа манфаатларини таъминлашга хизмат қилувчи институтларни (уюшмалар, таълим муассасалари, жамоат бирлашмалари, ўзини ўзи бош-

қариш идоралари) ва механизмларни қамраб олади⁷. Фуқаролик жамиятининг институтлари ва ташкилотлари шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини реал қаролатлаши, барчага давлат ва жамият ишларида иштирок этишда тенг имкониятлар яратиб бериши керак.

Жамоат бирлашмаларининг давлатга нисбатан мустақиллиги қўйидагиларда намоён бўлади: биринчидан, улар ўз ички ва таркибий тузилиши ҳамда фаолиятининг йўналишларини мустақил белгилайдилар; иккинчидан, ўз иродаларини ўзлари ифода этадилар ва бу норматив ирода ташкилот аъзолари учун мажбурий бўлади; учинчидан, мазкур ижтимоий тузилмалар ўз устав (низом)лари воситасида ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчларини мустақил белгилайдилар; тўртинчидан, ўз мулки ва маблағларига эга бўлиб, уларни ўз ихтиёри ва эҳтиёжига қараб тасарруф этадилар.

Ҳозирги кунда юртимизда аҳоли кенг қатламлари томонидан фаол қўллаб-қувватланаётган 9330 дан зиёд жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқдир. Айни вақтда, Ўзбекистонда сиёсий партиялар – 5 та, Миллий маданий марказлар – 140 дан зиёд, Жамғарма ва хайрия ташкилотлари – 75 та, жамиятлар – 87 та, уюшмалар – 33 та, ассоциациялар – 62 та, федерациялар – 53 та, тармоқ касаба уюшмалари – 14 та, Ижтимоий ҳаракатлар – 3 та, Миллий қўмиталар – 5 та, аёллар ва болалар ташкилоти – 118 та, Халқаро жамоат ташкилотлари – 80 та, Ваколатхоналар ва уларнинг филиаллари – 88 та, диний ташкилотлар – 2220 дан зиёд бўлиб, уларнинг барчаси жамоат ва нодавлат ташкилотлари, яъни фуқаролик жамияти институтлари сифатида фаолият кўрсатмоқда⁸.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик



қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинлик-лари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда.

Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенгдир. Жамоат бирлашмалари уставларда, дастурий, бошқа ҳужжатларда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатади, қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;

давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади⁹.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарт сифатида жамият ҳаётида бундан буён ҳам нодавлат ва жамоат ташкилотларининг мавқеи ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Мазкур институтларнинг фаоллигини ошириш фуқароларнинг хусусий ҳаёти соҳасига давлат аралашувини камайтириш, уни қонун воситасида чеклаш билан боғлиқ.

Эътироф этилганидек, фуқаролик жамиятининг демократик институтлари фуқаролар ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий алоқаларни ўрнатиш, улар ўртасидаги муносабатларни адолатли тартибга солиш вазифасини адо этади. Айтиш мумкин, фуқаролик жамияти институтларининг вазифаси фақат давлатнинг кучи билан қондирилиши мумкин бўлган манфаатлар ҳақида давлатга ахборот етказиб



беришдан иборат.

Мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни қарор топтиришда, ижтимоий адолат ҳамда қонунийликни, инсон ҳуқуқларига қатъий риоя этилишини, қонунлар ижросини самарали таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза этувчи давлат идоралари билан фуқаролик жамияти институтларининг изчил ҳамкорлик қилишига эришиш салмоқли натижалар бериши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майда қабул қилинган “Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони¹⁰, бир томондан, фуқаролик институтларнинг роли, нуфузи ва фаоллигини оширишга, ташаббускорлигини рағбатлантиришга, иккинчи томондан, уларнинг давлат органлари билан самарали ҳамкорлик механизмларини қарор топтириш ҳамда ривожлантиришга катта рағбат берди. Фармонда соҳадаги мавжуд қатор муаммо ва камчиликлар таъкидида биринчилардан бўлиб “давлатнинг фуқаролик жамияти билан самарали ва конструктив мулоқот механизмлари йўлга қўйилмаганлиги” кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари мамлакат қонунларини, бошқа норматив – ҳуқуқий ҳужжатларини, ижтимоий – иқтисодий ривожланиш дастурлари ишлаб чиқиш ва амалга оширишга жалб қилишнинг даражаси пастлиги жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ифо-

даланадиган манфаатларини чуқур ўрганиш ҳамда инобатга олиш имконини бермаётганлиги;

– ижтимоий шериклик давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида фуқароларнинг кенг қўламли ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга, уларнинг, айниқса, ёшларнинг ташаббуслари ва замонавий ғояларини ҳақиқатда илгари суришга қаратилган ҳамкорликнинг самарали механизмига айлана олмаганлиги каби камчиликлар зикр этилган.

Мамлакатимизнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланишида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, уларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида, жумладан, куйидаги чора – тадбирлар белгиланди:

– *Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши ташкил этилди;*

– *нодавлат нотижорат ташкилотлар ихтиёрига ўтказиладиган пул маблағлари, грант маблағлари ва моддий бойликлар уларнинг махсус ҳисобварақларига келиб тушиши ҳамда улардан бирон – бир тўсиқларсиз фойдаланишлари кафолатланди;*

– *нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятдан олинadиган даромадлардан ягона ижтимоий тўлов ставкалари 15 фоиздан кўп бўлмаслиги*

кўрсатилиб, яна бошқа имтиёз (преференция)лар белгиланди;

– *нодавлат нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ҳузурида алоҳида жамоат фондлари ташкил этилди;*

– *мамлакатнинг барча ҳудудий бирликларида “Нодавлат нотижорат ташкилотлари уйлари” ташкил этилди;*

– *нодавлат нотижорат ташкилот ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи комиссиялар ташкил этилди.*

Фармонда манфаатдор вазирлик ва идоралар амалдаги штатлар сони доирасида раҳбар ўринбосарларидан бирини нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича масъул этиб белгилаши хусусида тавсия берилди. Табиийки, ушбу тадбир тегишли давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини мунтазам йўлга қўйиш учун зарур ташкилий – ҳуқуқий механизмни вужудга келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида (2017 йил 22 декабрь) барча давлат органлари қошида фаолият олиб борадиган жамоатчилик кенгашлари ташкил этиш таклиф қилинди. “Мазкур жамоатчилик кенгашлари давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлайдиган, уларни аҳоли билан бевосита боғлайдиган кўприк вазифасини бажариши лозим”¹¹.

Бугунги кунга келиб кўплаб вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи республика идоралари ҳузурида Жамоатчилик кенгашлари тузилиб, фаолият юрита бошлади.

Юқоридаги таҳлиллар асосида таъкидлаш мумкинки, юртимизда демократик давлатчилик ва фуқаролик жамияти изчил шаклланиб боргани сайин давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий шериклиги



(ҳамкорлиги) ўзининг ранг-баранг шакллари ва усулларида ривожланиб, янада такомил топиши шубҳасиз.

Мавзуга оид илмий адабиётларда илгари сурилаётган таклифларни қўллаб-қувватлаган ҳолда мазкур ижтимоий ҳамкорликнинг қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлаймиз. Шунга кўра, давлат органлари ҳузурида фаолият юритадиган жамоатчилик кенгашлари ҳақида қонун қабул қилиниши тарафдоримиз. Шунингдек, давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизмларини кучайтиришга, ушбу ҳамкорликнинг кафолатларини таъминлашга кўмаклашувчи нормаларни қонунчилигимизда кенгроқ жорий этиш ҳамда мустаҳкамлаш зарур.

Шу йўналишдаги қонунчилик механизmlарини “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги ва бошқа тегишли қонунларда мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси”да давлат-хусусий шерикликнинг ҳуқуқий ва институционал базасини такомиллаштиришга, давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишни таъминлайдиган давлат бошқарувининг инновацион шакллари фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик қилишнинг ҳамда аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизмлари ва услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш, юридик ва жисмоний шахсларга, жамоат бирлашмаларига ахборот (маълумот)лар тақдим этишнинг замонавий шакллари жорий қилиш, жамият ва бизнес билан ўзаро ҳамкорлик қилишда ортиқча маъмурий тўсиқлар ва сарф-харажатларга

барҳам бериш вазифаси белгиланган. Шубҳасиз, ушбу Концепциянинг ҳаётга бекаму-кўст татбиқ қилиниши давлат органлари билан фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини тизимли ва мунтазам амалга оширишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, хусусан, ижтимоий шериклик муносабатларини шакллантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Чунки, ижтимоий шериклик муносабатларининг юксалиши ҳам иқтисодий-ижтимоий, ҳам сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан мамлакат тараққиёти учун хизмат қилади.

Шундай қилиб, мамлакатимизнинг ҳозирги инновацион тараққиёт босқичида давлат ва фуқаролик жамияти тузилмаларининг ижтимоий ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва изчил ривожлантириш учун мўътадил ижтимоий – сиёсий, ташкилий – ҳуқуқий муҳит яратилди. Бундай ҳамкорлик ҳам давлат органлари фаолиятини, ҳам фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада демократлаштириш ҳамда шаффофлаштириш борасида истиқболли имкониятлар яратиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ижтимоий шериклик – давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлигининг замонавий шакли сифатида // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси, 2013, №3, - Б. 35.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018, - Б. 36.
3. Халқ сўзи, 2014 йил 26 сент.
4. Йўлдошев А.Э., Латипов Б. Фуқаролик жамияти институтлари / Ўқув қўлланма, -Т.:, 2019, - Б. 32.
5. Одилқориев Ҳ.Т. Конституция ва фуқаролик жамияти. –Т., 2002. – Б. 316 – 317.
6. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2018, №15, 304-модда
7. Одилқориев Х.Т., Фойибназаров Ш. Сиёсий маданият. – Т., 2004. – Б.279.
8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2015 йил 1 апрелига бўлган маълумоти асосида.
9. Йўлдошев А.Э., Латипов Б. Фуқаролик жамияти институтлари / Ўқув қўлланма, -Т.:, 2019, - Б. 33.
10. Халқ сўзи, 2018 йил 5 май; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018, №18, 360 – модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 2018, - Б. 36.

КАДРЛАРНИНГ КАСБИЙ АҲАМИЯТЛИ СИФАТЛАРИ ВА МОТИВАЦИОН ТИЗИМИ

Атоқли олим, Нобель мукофоти лауреати Петр Капица: “Болга билан бир марта уриш (зарб бериш) – 1 фунд. Қаерга (қайси жойга) уриш лозимлигини бехато билиш эса – 999 – фунд” – деганидек, мазкур мавзу, яъни малакали, “ишнинг кўзини биладиган” кадрнинг касбий аҳамиятли сифати ҳар қандай замон, жамият учун энг долзарб ва ҳал қилувчи масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, фақат тажрибали, кўпни кўрган, малакали кадргина, ўз ишида нима қилиш керак, қандай қилиш керак, қандай йўл тутуш лозимлигини бошқа ҳамкасбларига қараганда яхшироқ, тўғрироқ айта олади ва бажаради. Шунинг учун ҳам, ўз ишининг устаси, малакали кадр азал-азалдан қадрланиб келинган, тан берилган, ундай инсонга ҳамду-санолар айтилган.

Нурмат Соғинов

Юристар малакасини ошириш маркази “Ижтимоий фанлар ва психология, юридик этика” кафедраси профессори, психология фанлари номзоди, доцент

Буюк бобокалонимиз, Соҳибқирон Амир Темур: “Тажрибамдан кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир”¹ - деб таъкидлаганлари, шундай азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли кадрни танлаш, жойига қўйиш, унинг касбий имкониятларидан давлат тараққиёти йўлида фойдаланиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигининг тасдиғидир.

Халқимизда “Чумчуқ сўйса ҳам қасоб сўйсин!”, - деган нақл бор. Албатта, бу гап қайсидир бир мутафаккирнинг шунчаки айтиб юборган гапигина эмас. Бу йиллар, асрлар чиғириғидан ўтган, асосли эканлиги исботланган қадриятдир. Ўз касби, илми, ҳунари билан дунёга танилган моҳирлар қанча. Кадрнинг касбий аҳамиятли сифатларига бўлган алоҳида эътиборни халқимизнинг илк қўлёзма асарларидан бўлмиш “Авесто”да ҳам кўришимиз мумкин. Унда фуқароларнинг у ёки бу юмушни бажаришга тайёрлиги махсус комиссиялар томонидан аниқланган ва бунда ўзига хос синов усулларидан фойдаланилган. Ҳар бир касб-ҳунар сир-синоатлари авлоддан-авлодга узатилиб келинган. Касб-ҳунар эгаларининг сулолалари мавжуд бўлган. Ҳар бир сулола, бир неча авлод давомида ўзлаштириб келинган касб-ҳунар сир-синоатларини келгуси авлодга ўргатиб, узатиб борган. Бу каби сулолавий анъаналарнинг ҳукм суриши,

ўша давр ҳунармандлари, кадрлари “ўз ишининг устаси”, “касбининг эгаси” бўлишлари учун муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Яна шу ҳам маълумки, ҳар бир касбнинг “пири” бўлиб, ҳунармандлар ўз “пирларига сифинганлар. Бу билан ўтмиш аждодларимиз нафақат касб-ҳунар сирларини ўзлаштирган, балки шу касб талабларига амал қилишга руҳан ҳам тайёр бўлганлар. Айнан мана шу “руҳий-маънавий тайёрлик”, касбнинг маънавий жиҳатларига бўлган эътибор ўтган замон кадрларининг энг муҳим касбий аҳамиятли сифати бўлиб хизмат қилган.

Мисол тариқасида ўша давр ишларидан бирини кўриб чиқамиз. Ҳаммага маълумки, Шаҳри азим Тошкентнинг 12 та дарвозаси бўлган. Бу дарвозаларнинг ҳар бирини бир сулола (оила, уруғ) вакиллари қўриқлаганлар. Ҳозирги замон тили билан, биз бу дарвозаларни шаҳар чегараси, ўтказиш пункти, божхонаси деб ҳисобласак, уни қўриқлайдиган кадр, чегарачи, божхоначи, назорат-ўтказиш пункти вакили сифатида, бирон-бир олий ҳарбий ўқув юрти, ички ишлар академияси ёки бошқа ҳуқуқ тартибот идоралари ходимларини тайёрловчи олий ўқув юртларини битирганлиги ҳақидаги расмий ҳужжатга, дипломга эга бўлмаган. Уларнинг фаолияти бугунги кундагидек, расмий низомлар, мансаб лавозими мажбуриятлари каби расмий меъёрий-ҳужжатлар билан эмас, балки, асосан маънавий-ахлоқий, пси-

хологик жиловлар, урф-одатлар, анъаналар, асотирлар, шаърий қонун-қоидалар, ўтган ота-боболари, аждодлари руҳи (арвоҳи)га иснод келтирмаслик доирасида бошқарилган. Ўша давр “кадрлари” ўз бурчларини адо этар эканлар, уларнинг иқтисодий-ижтимоий талабларидан ташқари, яна, мазкур ишни амалга оширишдаги масъулиятни, бу борада йўл қўйилиши эҳтимол бўлган хато-камчиликлар учун (ўтганлар руҳи олдида) жавобгарлик масалаларига ҳам жиддий эътибор берганлар. Чунки, улар ўз ишларидаги “оғишларга” уларнинг ўзларигина жавобгар эмас, балки, бу хато уларнинг шаънига, авлодига, уруғига, ўтганлар руҳига тегишли эканлигини доимо ҳис қилиб яшаганлар. Шунинг учун, улар фақат ўзларинигина эмас, балки яна кимнидир, аниқроғи ўз яқинлари, ота-боболари руҳи, зоти, уруғи шаънини ҳам ўйлаганлар. У йўл қўйиши эҳтимол бўлган хато-камчиликлар унинг насл-насабига доғ бўлиб тушиши кабилар ҳақида қайғурганлар. Бу каби санаб ўтилган омиллар, ўша давр мутахассислари, кадрлари учун ўз касбига масъулият, жавобгарлик билан ёндашишни тақозо этган, бу эса уларнинг ички мотивацион жиҳатларини, руҳий-маънавий тайёрлигининг омили бўлиб хизмат қилган.

Буюк мутафаккир Абу Райҳон Бериуний: “Жон осмондан бир ҳолат ва кайфиятда тушадиган ёмғир сувига ўхшайди. Асл моддаси турлича бўлиб, ёмғирга қўйилган тилла, кумуш, шиша, чинни, сопол ва шўр тупроқдан ясалган идишларга ёмғир суви йиғилса, сувнинг кўриниши, мазаси ва ҳиди ўзгаради”,² - деб таъкидлаганидек, ходимда зарур касбий аҳамиятли сифатларнинг шаклланишида, у қандай муҳитда, жамоада ишлаётгани, у фаолият кўрсатаётган жамоада ҳукм сурган қадриятлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда, шу кадрнинг хизмат вазифасини адо этишга ундаган мотив ва унинг мотивацион ҳолати янада муҳимроқ аҳамиятга эга.

Маълумки, “Мотив” дейилганда, ин-

сонни маълум бир эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ бўлган муайян фаолиятга ички ундалиши тушунилади. Бу ўринда, инсоннинг идеаллари, шахснинг қизиқишлари, эътиқоди, ижтимоий установкалари, қадриятларини мотив сифатида ҳисоблаш мумкин. Шу билан бирга бу сабабларнинг ортида барибир инсон эҳтиёжлари ётади (бунда эҳтиёжларни ифодаланишининг барча кўринишлари: витал, биологик эҳтиёжлардан тортиб то олий, ижтимоий эҳтиёжларгача назарда тутилади). Эҳтиёжлар эса инсонни ҳар қандай фаолиятга ундовчи асосий омил, мотив бўлиб хизмат қилади.

Шахснинг мотивацион жиҳатлари, шахснинг йўналганлигини ифодаловчи ва маълум бир иерархияга эга, турғун мотивлари мажмуидан иборат бўлади.

Йеркс-Додсон қонунига кўра фаолият самарадорлиги - мотивация кучига боғлиқ бўлади. Мотивация кучи қанчалик кучли бўлса, фаолиятнинг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Мотив нафақат миқдорий (кучли – кучсиз), балки сифатий жиҳатлардан ҳам характерланиши мумкин. Бу ўринда одатда ички ва ташқи мотивлар фарқланади. Бунда гап мотивнинг фаолият мазмунига муносабати ҳақида боради. Агар, кадр учун фаолият ўз ҳолича аҳамиятли бўлса, унда бу ички мотивациянинг муҳимлигини кўрсатади. Агар, бошқа мотивлар аҳамиятли бўлса (ижтимоий мавқе, маош ва ш.к.), унда ташқи мотивлар устуворлик қилаётган бўлади. Мотивларнинг сифат характеристикаси ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

Инсон маълум бир фаолиятни амалга оширар экан, уни фаолиятга ундаган асос, турли мотивлардан ташкил топади. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзан бир фаолиятни амалга оширишга икки хил мотив асос бўлиши мумкин. Бунда, қайси мотив “кучли” бўлса шу мотив устунлик қилади ва инсон шу мотив туртки бўлган фаолиятни амалга оширади. Агар, одамни фаолиятга ундайдиган мотивлар “кучи тенг” бўлиб қолгудек бўлса, унда шахсда “мотивлар кураши”

жараёни рўй беради. Мотивлар кураши ўз навбатида инсонда ирода актининг асосий кўринишларидан бўлмиш, “иродавий зўр бериш” ҳолатини юзага келтиради. Иродавий зўр бериш ҳолатида эса, шубҳасиз ироданинг ундовчи ва тормозловчи функциялари ишга тушади. Бу ўринда қайси мотивнинг шахс учун “аҳамиятлилик даражаси юқори бўлса”, ироданинг ундовчи функцияси шахсни шу фаолиятни амалга оширишга йўллайди (ундайди). Ироданинг тормозловчи функцияси эса, шахсни кўзлаган мақсадига эришиши, айна ўринда кадрнинг унга топширилган вазифани муваффақиятли бажаришига халақит қилиши мумкин бўлган хоҳиш истаклари, салбий мотивларини тўхтатиб туради.

Шунингдек, мотивлар анланган ва анланмаган турларга ҳам фарқланади. Анланган мотивлар – одам – ўзини у ёки бу фаолиятни амалга оширишга ундаган нарса нима, нималар уни эҳтиёжларининг мазмуни бўлиб ҳисобланишлигини билади, англайди ва улар учун ўзига ҳисобот беради (булар шахснинг қизиқишлари ва интилишлари билан белгиланади). Анланмаган мотивлар – одам – ўзини у ёки бу фаолиятни амалга оширишга ундаган нарса нима, нималар уни эҳтиёжларининг мазмуни бўлиб ҳисобланишлигини англамайди, билмайди ва улар учун ўзига ҳисобот бера олмайди (бундай мотивлар: установкалар, майллар, инстинктлар билан характерланади).

“Аналитик психология” таълимоти асосчиси, ғарбнинг атоқли психолог олимларидан бири Карл Густав Юнг (1875-1961), ўзининг “Психологик типлар” китобида, фаолият мотивлари, асослари, шахсни у ёки бу фаолиятга ундовчи кучлар ҳақидаги муаммони муҳокама қилар экан, З.Фрейднинг “либидо” тушунчасини янада кенгроқ талқин қилиб, “либидо” деганда инсон қалбидаги жараёнлар фаоллигини белгилайдиган руҳий қувватни тушунади. Бу қувват, Юнгнинг фикрича, инсон руҳий фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ички ҳолат билан боғлиқ.

Юнг онгсизлик масаласини талқин қилишда “архетип” тушунчасидан фойдаланади. “Архетип” деганда, у бутун инсониятга хос ички имманент³ хусусиятларни тушунади. Унинг таъкидлашича, “Архетип” шундай символик-тимсолий формулаки, анланмаган ҳолатда ишга тушади ва ҳеч қачон анланмайди⁴. Шунинг учун ҳам, одам ҳамма вақт ҳам ва ҳар бир ишда ўз хатти-ҳаракатларининг ҳақиқий “асосини” тушуниб етмаслиги, адекват изоҳлаб бера олмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам кадр у ёки бу лавозимга тайинланар экан, уни ўз ҳолига ташлаб қўймай, у билан зарур таълим-тарбия, маънавий-маърифий ишларни олиб бориш жоиз бўлади. Бу тадбирлар эса, давлат хизматининг деярли барча идораларида “маърифий” тадбирлар, “касб таълими” машғулотида олиб борилади. Кадрнинг касбий аҳамиятли жиҳатлари, унинг касб мотиви шахснинг ижтимоий асосланган сифатлари сирасига киради. Демак, у ўзгариши, тарбияланиши, зарур йўналишга солиниши мумкин. Агар, у жамоа, жамият, муассаса мақсадларига мувофиқ бошқарилса “либидо” кўринишида намоён бўлиб, жамоага катта ижобий наф келтиради, акс ҳолда, бошқа ёт ғоялар таъсирига тушиб зарарли оқибатларга, нохуш иллатларнинг пайдо бўлишига ҳам асос бўлиши мумкин. Кардлар билан олиб бориладиган малака оширишни ташкил қилишда, уни бажараётган вазифаси, касби



талабларига тўла риоя қилишига эришиш учун масаланинг бу жиҳатига жиддий эътибор бериш керак. Кадрларнинг мотивацион тизими шаклланишида, биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларига эътиборни қаратишни лозим топдик: “Бугун ҳаммамизга аён бўлиши керак – армиямизнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган қудратли бир восита борки, унинг номи – ҳарбийларимизнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, уларнинг бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун ҳарбий бурчини адо этаётганини чуқур англаши ва тушуниши демакдир”⁵.

Дарҳақиқат, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз, “Билага зўр – бирни йиқар, билими зўр, онги баланд – мингни”, – деб таъкидлаганларидек, давлат хизмати идораларида хизмат қилувчи, ходимларнинг кучига куч қўшадиган, вақти келганда, ҳал қилувчи омилга айланадиган куч, бу уларнинг маънавий-руҳий тайёргарлиги, бақувват ирода, фаол ҳаётий позицияга эга бўлиши, энг муҳими, ким учун ва нима учун хизмат қилаётганини чуқур англаши ва тушунишидир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, давлат хизматлари идораларига кадрларни танлаш, тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйиш ишлари самарадорлигини ошириш учун уларнинг касбий аҳамиятли, шахсий сифатлари, касбий фаолиятлари мотивацияси жиҳатларига жиддий эътибор қаратиш зарур. Улар халққа хизмат қилар экан, раҳбарият ишониб топширган лавозим мажбуриятларини бажарар эканлар, аввало уларнинг шу ишни ким учун ва нима учун қилаётганликларини тушуниб, англаб етишларидек, ўта муҳим руҳий-маънавий тайёргарлик жиҳатлари шаклланган бўлишига эришиш керак. Бунинг учун эса, бизда етарлича маънавий асослар мавжуд. Фуқароларимизнинг “жамоавий онг ости қаърида” уларнинг ажодлари қолдирган маънавий мерослар, миллий, маҳаллий кадриятлар, урф-одатлар қолдирган излар бор. Бу ишлар маълум маънода

биз учун янгилик ҳам эмас. Шу ўтмишга муурожаат қилиб, ёш кадрларда уларга нисбатан ҳурмат, уларни қадрлаш кайфиятини тарбиялай олсак, бундай кадр шубҳасиз эртанги кун учун, халқимиз учун муносиб хизмат қила олади. Бундай кадр нафақат “билага зўр”, балки, билими зўр, касбий фаолият мотивацияси мақсадга мувофиқ шаклланган, халқ, жамият манфаатларига ёт ҳар хил бегона салбий иллатлардан йироқ ходим бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, у ёки бу соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш, етиштириш масаласи осон иш эмас. Тайёр кадр ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Кадр тайёрлаш масаласи энг жиддий, узоқ муддат, кўп куч талаб қиладиган жараён эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йил 14 август куни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишда Ўзбекистон учун “энг катта хавф” деб айнан кадр масаласини таъкидлаганликлари ҳам бежиз эмас. “Йил якуни бўйича тўрт ярим ой қолди. Мени энг катта хавф нимада, деган савол қийнайди. Энг катта хавф - кадрлар савияси, билими, илми ва фидойилигида. Минг афсуски, энг оғир масала шу”.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Темур тузуклари /Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. –Т.:Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2011. – 200 б.
2. Беруний Абу Райҳон. Ҳиндистон. //Танланган асарлар. II – жилд. – Т.,1963. – Б. 160.
3. Каримов И.А. Ватанга қасамёд, мардлик ва жасорат мадҳияси. /Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010. Ж.18. Б. – 440.
4. Рўзматова Г. Қалб қатламлари //Тафаккур. № 4. 2009. – Б.55-57.
5. Шавкат Мирзиёевнинг 14 август куни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишдаги нутқидан. 55 / 15.08.2019 187124. kun.uz / Ўзбекистон Президент матбуот хизмати.

ПРАВОВЫЕ ЦЕННОСТИ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ В СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ ГРАЖДАНСКОЙ ГОСУДАРСТВЕННОЙ СЛУЖБЫ

Ильёс ТУЛЬТЕЕВ

доктор юридических наук, профессор
Института повышения квалификации
МВД Республики Узбекистан

Аннотация. Интеллектуал мулк объектларини яратиш ва тижорат муомаласига киритишга доир шартномалар мутлақ ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий воситаси ҳисобланади.

Ключевые слова: ҳуқуқий кадриятлар, давлат хизмати, давлат хизматчилари учун иш кўрсаткичлари.

Аннотация. В статье проведен анализ сущности и содержания правовых ценностей в контексте институционализации гражданской государственной службы, рассматриваются теоретические аспекты профессиональных правовых ценностей, изучаются возможности формирования ценностно-ориентированной государственной службы в Республике Узбекистан. Автор приходит к выводу, что для формирования эффективной государственной гражданской службы, основанной на ценностях общественного служения, необходимо совершенствование качественных индикаторов оценки кадров.

Ключевые слова: правовые ценности, государственная служба, индикаторы оценки работы государственных служащих.

Сегодня Узбекистан формирует новую правовую и организационную основу государственной гражданской службы, соответствующей передовым зарубежным образцам и традициям, обеспечивающей условия для профессионального роста кадров. Важное место в системе профессиональных ценностей занимают правовые ценности. Процессы модернизации страны, формирования правового государства и гражданского общества коренным образом изменили систему социальных ценностей, в том числе привели к формированию новых правовых ценностей.

Ценностный подход к проблеме сущности современного права неразрывно связан с поворотом правовой науки и практики к новому статусу личности, новым подходом к вопросам защиты и обеспечения прав, свобод и интересов человека и общества. Президент нашей страны Ш. М. Мирзиёев особо отметил, что «заботясь о судьбе, завтрашнем дне нашего народа, мы в первую очередь должны как зеницу ока беречь наши национальные ценности»¹.

Вопросы социальных ценностей довольно обстоятельно исследованы в отечественной науке². В правоведении появился ряд работ, приоритетным объектом исследования которых стала аксиологическая проблематика³. В них право рассматривается в качестве меры социального блага, формы существования идеального в обществе. Однако, несмотря на важность применения аксиологического подхода к исследованию права, многие вопросы, связанные с сущностью и содержанием таких понятий, как «ценность права», «правовая ценность» и «ценность в праве», не нашли должного исследования.

Мораль и нравственность представляют собой систему принципов, не



имеющих обязательно-нормативного характера. Однако именно они лежат в основе общественной системы ценностей, обеспечивающей социальное согласие и поддержку, получающей закрепление в праве и законодательстве. Здесь важное место имеет гармоничная взаимосвязь интересов личности и общества. Проблема соотношения частных и публичных интересов имеет огромное значение для организации всей системы социальных отношений в государстве, в том числе для определения содержательной характеристики механизма их правового регулирования. Ценность – это важнейший компонент человеческой культуры наряду с нормами и идеалами, общепринятыми убеждениями относительно целей, к которым человек должен стремиться⁴. Именно ценности определяют сущность права, формируют его базовые источники и характеристики, влияют на смысловое содержание права.

Общественные ценности, закрепляемые и охраняемые правом, во многом определяют базовые принципы общественного и государственного устройства, систему целей, средств и методов правового регулирования социальных отношений. Именно их совокупность определяет сущность государства и права, а также характер взаимоотношений между личностью, обществом и государством. Согласно духу и нормам нашей Конституции, права и свободы личности являются основой ценностной системы, которая обеспечивает демократизм общества и государства. Закрепление Конституцией страны нормы о высшей ценности человека, его прав и свобод постепенно находит свое воплощение в реальной юридической практике.

Известно, что фундаментальной общечеловеческой ценностью является свобода. Сегодня произошло переосмысление сущности самого понятия «свобода». Общеизвестно, что свобода не означает произвола, она, прежде



всего, проявляется в самоограничении, рамки которого определяются свободой других индивидов. Другими словами, как отмечали в свое время величайшие представители философии и права, человек должен видеть в свободе другого человека то, что он видит, или желает видеть в своей свободе. Значит, свобода требует бережного обращения, иначе она легко переходит в свою противоположность – произвол. Именно поэтому свобода в необходимых случаях ограничивается, вводится посредством закона в конструктивное русло. Разумное ограничение сферы свободы индивидов посредством права вовсе не находится в отношениях антагонизма с человеческой природой, а напротив – способствует более полной реализации потенциала каждого человека, достижению всеобщего блага как основной цели правового регулирования.

Такое понимание свободы легло в основу конструирования законодательной модели взаимодействия человека, общества и государства в Узбекистане. Однако еще не все вопросы формирования данной модели решены. Необходима выработка и реализация концепции оптимального соотношения частных и публичных интересов, которая должна вобрать все ценное из отечественного наследия и зарубежного опыта, при этом необходимо избегать крайностей как индивидуализма, так и абсолютного

коллективизма. Гармоничное сочетание различных интересов, обеспечение их баланса должно в полной мере учитываться системой правового регулирования общественных отношений.


Правовые ценности есть отраженные в праве общественно значимые, признаваемые всеми членами общества идеи и блага, достижение и претворение которых удовлетворяет потребности отдельной личности и всего общества. Их характеризует полезность, они удовлетворяют интересы, имеющие признание всего общества или его большинства. В этой связи представляет интерес мысль академика В. С. Нерсесянц о том, что «любая последовательная концепция аксиологии, включая и правовую аксиологию, предполагает различение ценности и оцениваемого факта (явления, объекта, отношения и т. д.) и определение — с позиций и в контексте соответствующей иерархии и системы ценностей — его ценностного значения и смысла»⁵. По его мнению, правовой закон и правовое государство есть «абсолютные правовые цели-ценности и постоянное долженствование-требование для реального закона (позитивного права) и государства», а ценность

права состоит в триединстве свободы, равенства и справедливости. Особо отмечает он такие заслуги и достижения правовой теории, как «постановка и разработка проблем юридической аксиологии (в тесной связи с вопросами юридической онтологии и гносеологии), идей свободы и равенства людей, естественно-правовой справедливости, прирожденных и неотчуждаемых прав человека, господства права, правового ограничения власти, правового государства и т. д.»⁶.

Направление юридической науки, исследующее правовые ценности, составляет правовую аксиологию. «Предметная область и основная тематика правовой аксиологии — это проблемы понимания и трактовки права как ценности (как цели, долженствования, императивного требования и т. д. и соответствующие ценностные суждения (и оценки) о правовом значении (т. е. ценностном смысле — с точки зрения права) фактически данного закона (позитивного права) и государства»⁷.

Известно, что правовые ценности в современном обществе подвержены изменениям. Сегодня юридическая наука, как часть правовой идеологии, также претерпевает определенные аксиологические изменения. Со своей стороны правоведение, формирующее передовое юридическое мировоззрение, научно обосновывает и аргументировано продвигает правовые ценности, определяет их содержание, черты, шкалу. Например, осуществленные в Узбекистане в последние годы конституционные преобразования основываются на конституционных ценностях, которые активно продвигались наукой конституционного права с первых лет независимости.

В современном мире правовые ценности претерпевают определенную трансформацию. На данный процесс существенное влияние оказывают глобализация, развитие информационных технологий и другие факторы. Функцио-





нирование сети Интернет способствует быстрому, широкому и повсеместному распространению и освоению огромного объема разнообразной информации, в том числе правовой, детерминирует формирование и изменение новых правовых ценностей. Например, функционирование в Узбекистане единого портала интерактивных государственных услуг (ЕПИГУ), а также виртуальных приемных значительно усилило не только восприятие гражданами знаний о способах защиты своих прав и свобод, но и способствует активному использованию всего механизма защиты и обеспечения этих прав и свобод. Государственная защита прав и свобод личности, система государственных гарантий в этой сфере стала восприниматься как правовая ценность все большим количеством людей.

Наряду с качественными изменениями, происходящими в правовой системе, преобразованиями ценностных критериев права изменяется ценностная шкала правовых ценностей. В частности, прежние параметры и стандарты правовой защищенности человека перестают соответствовать возросшим потребностям и интересам личности, к праву предъявляются повышенные требования. Сами изменения правовой жизни, новые юридические явления фиксируются в правовом сознании и ценностях. В свою очередь, результаты юридической практики формируют идеи и нормы, которые затем оформля-

ются через новое мышление в виде новых правовых ценностей.

Формируемая в Узбекистане правовая идеология основана на правовых идеалах и традиционных ценностях, учитывающих специфику отечественной правовой культуры и юридического мировоззрения. Здесь особое значение имеет вопрос сохранения национального своеобразия и идентичности в сфере права, которые также определяют ценностные ориентиры правотворческой и правоприменительной политики государства. В условиях Узбекистана можно сказать, что формируемые правовые ценности представляют результат нравственного измерения права, проявление его моральной природы. Ценности права не только означают справедливость, свободу и порядок, но и становятся инструментом их обеспечения.

Итак, юридическая аксиология как научная теория рассматривает формирование и развитие правовых ценностей в виде многосложного процесса, содержание и результаты которого определяются совокупностью объективных и субъективных факторов. Развитие правовых ценностей определяется следующими процессами: а) зарождение предпосылок, влияющих на юридические ценности, их содержание и формы; б) утверждение в обществе правовых ценностей, имеющих различные источники своего происхождения: собственных (правосознание, правовое мышление, правовой менталитет,



правовая культура, обычаи, традиции и др.) и заимствованных из зарубежных правовых систем; в) трансформация правовых ценностей в силу влияния различных факторов (развитие информационно-коммуникационных технологий, процессы глобализации, коренное реформирование и модернизация государства и общества, и др.), что влечет определенное изменение их содержания, приоритетов и идеалов.

Право оперирует ценностными категориями, имеющими в своей основе философское, гуманистическое содержание. Внедрение таких категорий в правовую сферу влечет наполнение их правовым содержанием. Например, статья 13 Конституции Узбекистана закрепила положение о том, что «высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права». В результате указанные ценности приобрели качество конституционных ценностей, а их правовая защита, гарантированность стала конституционно признанной правовой категорией. По сути, Конституция является формой выражения и закрепления таких фундаментальных человеческих ценностей, как равенство, свобода, справедливость и др. Поскольку Конституция закрепляет ценностные основы и ориентиры всей правовой системы, можно сказать, что конституционно-правовые ценности выполняют в праве системообразующую функцию,

они детерминируют правовое развитие в целом.

Таким образом, правовые ценности, будучи обусловлены отражением в праве системы общесоциальных ценностей, одновременно и сами оказывают влияние на развитие социальных и культурных ценностей общества и государства. Можно констатировать, что развитие правовых ценностей привело сегодня к образованию своего рода аксиосферы права, т.е. целостной системы ценностей, признаваемых в праве, закрепляемых и охраняемых им.

Для формирования новой модели государственной службы, которая бы соответствовала современным потребностям развития общества, требуется разработка идеологической платформы трансформации государственной гражданской службы, программ и проектов по ее развитию, а также обеспечение практической реализации единой политики в сфере государственной гражданской службы⁸. Анализ показал, что здесь сохраняется ряд системных проблем и недостатков, приводящих к недостаточному обеспечению государственных органов и организаций квалифицированными специалистами, несоответствию квалификации кадров поставленным задачам и современным потребностям, низкому качеству принимаемых решений⁹. Значит, нужно интегрирование в систему государственной службы людей, которые смогут обеспечить удовлетворение потребностей государственных органов в кадровых ресурсах в соответствии со стоящими перед ними задачами и стратегией развития, создание равных возможностей для их карьерного роста, основанных на объективной оценке трудовой деятельности, морально-волевых качеств, способностей и навыков служащих.

К основным правовым ценностям функционирования системы государственной службы, деятельности государственных служащих следует, по нашему мнению, отнести служение интересам

народа и государства, уважение прав и свобод личности, справедливость, гласность, открытость и подконтрольность гражданскому обществу при осуществлении государственной службы, а также высокие нравственные и этические стандарты поведения государственного служащего.

Шуни таъкидлаш зарурки, «ислом бирдамлиги» ғояси ҳозирги вақтда мусулмон мамлакатлари ташқи сиёсатининг муҳим тамойилига айланган. Бунда эса Ўзбекистон ташаббуслари алоҳида аҳамият касб этади. Биринчи Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ва бугун изчил давом эттирилаётган тинчликпарвар сиёсат бу эзгу интилишларга таянч бўлмоқда. Ислом Каримов Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йилги Истанбул саммитида БМТ ҳузурида терроризмга қарши курашиш бўйича халқаро марказ ташкил этиш ғоясини илгари сурди. 2001 йил 28 сентябрда БМТ Хавфсизлик кенгаши доирасида терроризмга қарши кураш қўмитасининг ташкил этилгани бу ғоянинг амалдаги натижаси бўлди.

Ўзбекистон диний бағрикенглик ва миллатларо тотувликни таъминлашда ўз қарашларига эга. Хусусан, 2016 йил 18 октябрда Тошкент шаҳрида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, “маърифат ва таълим башарият тараққиёти ва фаровонлигининг асосий омилларидан бири бўлиб, инсонларни эзгуликка чорлаши, меҳр-мурувватли ва сабр-қаноатли бўлиш каби юксак фазилатларни тарбиялашини қайд этиши танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон айна пайтда Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислик қилмоқда” деб таъкидлаган эдилар.

Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Шу маънода Президентимиз Ш.Мир-

зиёевнинг 2017 йилнинг 21 май куни Саудия Арабистоннинг Ар-Риёд шаҳрида Араб-мусулмон давлатлари ва АҚШ саммитида иштирок этиши ҳамда саммитнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, бағрикенглик ғояларини илгари суриши, хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, терроризм ва зўравонликка қарши биргаликда курашиш араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити кун тартибидаги асосий масала ҳисобланади. Тинчликка таҳдидларнинг олдини олиш, барча давлатларнинг миллий-диний қадриятлари ва маданиятларини сақлаш саммит иштирокчилари диққат эътиборида бўлди. Араб-мусулмон мамлакатлари ва АҚШ саммити ислом дини нуфузини янада ошириш, давлатлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, терроризм, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда муҳим омил бўлади.

Афсуски, бугунги кунда Ислом дини ниқоби остидан дунёнинг турли бурчакларида диний экстремизм ва терроризм авж олиб бормоқда. Манфур кучларнинг ўз жинойий мақсадларига эришиш йўлидаги уринишлари оммавий тус олиши учун ҳам улар муқаддас динимизни ниқоб қилиб олмоқда. Бу эса дунёда содир этилаётган мудҳиш жиноятлар ва уларнинг оқибатлари Ислом динининг нуфузига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, терроризм ва диний экстремизм соҳасидаги жиноятлар кўп ҳолларда дунёқараши тор ёки ҳуқуқий онги эндигина шаклланаётган кишилар томонидан содир этилади. Диний маълумот ва ҳуқуқий тарбиянинг мукамал эмаслиги, ўз навбатида, уларни нотўғри йўлларга, кўп ҳолларда жиноят кўчасига етаклаши мумкин.

Шу маънода ҳуқуқий тарбия ва



тарғибот ишларини янада кучайтириш орқали шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жиноятларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш муҳим ҳисобланади.

Жамиятнинг ҳар бир аъзосини диний саводхон ва ҳуқуқий билимдон қилиш, ҳуқуқий савиясини ошириш, дунёда бўлаётган воқеаларга муносабат билдира олиш қобилиятини шакллантириш муҳим вазифалардан бўлиб қолавереди. Юқоридагиларга кўра қуйидаги муаммоларни ечиш муҳим ҳисобланади:

1. Ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан бири – ҳуқуқий маданият даражаси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки уларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгилашни назарда тутиб, қонунларимизни муваффақият билан ҳаётга татбиқ этишга, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бажарилиши, аҳоли ҳуқуқий онги ўсиши динамикасини мониторинг қилишни таъминлашдир.

2. Кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ва ҳуқуқий давлатга эришишда эса ҳар бир шахснинг қонун ҳужжатларидан хабардор бўлишини таъминлашдан давлат бевосита манфаатдор. Афсуски, бу соҳадаги ишларни етарли деб бўлмайди.

3. Фуқароларни диний ва ҳуқуқий ахборот билан таъминлашда эскирган услублардан фойдаланилаётгани ҳам бор

гап, бу эса диний ва ҳуқуқий ахборотларнинг аҳолига ўз вақтида, тўлиқ етказилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, аҳолининг ижтимоий фаол қатламининг, хусусан, ёшларнинг диний ахборотга бўлган эҳтиёжлари ва талаблари тўлиқ қамраб олинмаяпти.

4. Муаммолар ҳақида гап борар экан, ҳеч шубҳасиз, аҳолини диний ва ҳуқуқий ахборотлар билан таъминлаш, бунда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада ошириш ғоят долзарб вазифа эканини, яъни фуқароларнинг бу соҳада ахборот олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, ўз навбатида, юртдошларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга ҳам хизмат қилишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

5. Халқимиз хавфсизлигини таъминлашда асосий йўналишлардан бири-ахборот, хусусан, диний, ҳуқуқий ахборот олишда ва ундан фойдаланишда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига риоя қилиш, жамиятнинг маънавий қадриятларини, миллий анъаналарни, давлатнинг маданий ва илмий потенциалини сақлаш ва ривожлантириш, маҳаллий ва халқаро ҳамжамиятга давлат сиёсати бўйича ҳаққоний маълумотларни етказиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, бугун жамиятни диний ва ҳуқуқий билимдон қилиш, қадриятлар ва қонунларга ҳурмат ҳиссини янада кучайтиришда диний, ҳуқуқий маърифатни янада ривожлантириш орқали юксак ҳуқуқий маданиятга эришиш, муқаддас динимизни асраб-авайлаш, бой илмий меросимизни дунёга танитиш давлатимизнинг асосий вазифаси бўлиб қолавереди.

Использованная литература:

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент ислом университетини ташкил этиш тўғрисида» // Маҳалла, 1999 йил, 10-16 апрел.
2. Абулфазл Ибн Манзур. Лисонул-араб. 5-жилд.-Б.150
3. Ушбу китоб Тошкент ислом университети нашриёти томонидан 2000 йил нашр этилган.

ПРЕКРАЩЕНИЕ ОБЯЗАТЕЛЬСТВ

(анализ действующего законодательства)

Принятие распоряжения Президента Республики Узбекистан «О мерах по совершенствованию гражданского законодательства Республики» Узбекистан от 5 апреля 2019 года № Р-5464 явилось важным актом для дальнейшего совершенствования гражданского законодательства.

Основными приоритетными направлениями дальнейшего совершенствования гражданского законодательства Республики Узбекистан определены:

систематизация и унификация норм гражданского законодательства, обеспечение их гармонизации с лучшими зарубежными практиками, а также имплементацию передовых международных стандартов в данной сфере;

установление эффективных гражданско-правовых механизмов обеспечения гарантий неприкосновенности частной собственности, защиты прав и законных интересов физических и юридических лиц, особенно предпринимателей;

четкое разграничение норм публичного и гражданского права, исключение устаревших, утративших свою значимость положений, основанных на командно-распорядительных принципах управления экономикой;

обеспечение правового регулирования современных гражданско-правовых институтов и форм экономических отношений, таких как государственно-частное партнерство, кластерное производство, электронная коммерция, оборот крипто-валюты, приватизация земельных участков, долевое строительство и другие.

В этой связи, данным распоряжением утвержден состав Межведомственной комиссии по совершенствованию гражданского законодательства Республики Узбекистан, которым активно проводится активная работа по формированию современного гражданского

законодательства прямого действия, отвечающего требованиям реальной рыночной экономики и передовым международным стандартам.

В статье пойдет речь о прекращении обязательств.

Общие положения о прекращении обязательств входят в систему гражданского законодательства. Соответствующие нормы расположены в главе 25 Гражданском кодексе Республики Узбекистан (далее – ГК РУз), которая содержит 13 статей. Глава «Прекращение обязательств» предусматривает десять оснований прекращения обязательств (прекращение обязательства исполнением, отступное, зачет, совпадение должника и кредитора в одном лице, новация, прощение долга, невозможность исполнения, акта государственного органа, смерть гражданина и ликвидация юридического лица).

С момента введения в действие ГК

Илхом НАСРИЕВ,
Доктор юридических наук, профессор, заведующий кафедры «Гражданское право» Высшей школы судей при Высшем судебном совете Республики Узбекистан



РУз нормы главы 25 Кодекса ни разу не подвергались изменениям.

Широкое применение на практике норм главы ГК «Прекращение обязательств» обусловлено, в том числе потребностью участников гражданского оборота урегулировать возникающие разногласия при отказе от правоотношений.

В целом институт прекращения обязательств достаточно консервативен, а применение его норм на практике не вызывает значительных затруднений. В то же время, как общие положения, так и отдельные нормы этого института

могли бы быть скорректированы в целях обеспечения принципа осуществления субъектами своих гражданских прав своей волей и в своем интересе.

Заслуживает обсуждения вопрос о включении в редакцию главы 25 ГК РУз перечня оснований прекращения обязательств таким образом, как это сделано, например, в случае с основаниями приобретения и основаниями прекращения права собственности. В то же время не исключается и сохранение подхода, закрепленного в части 1 статьи 340 ГК РУз, в соответствии с которой обязательство прекращается полностью или частично по основаниям, предусмотренным ГК РУз, другими законодательными актами, или договором.

В числе общих положений института

прекращения обязательств отсутствует также общее правило о последствиях прекращения обязательства, в том числе о последствиях, распространяющихся на дополнительные обязательства, связанные с первоначальным. Понятие «прекращение обязательства», используемое законодателем в главе 25 ГК и подразумевающее полное прекращение правоотношения, должно сочетаться с положениями об ответственности одной из сторон обязательства, а также о вновь возникающих в связи с прекращением прежнего обязательства правах и обязанностях сторон (например, о правах, возникающих из соглашения об отступном).

Как показала практика, отсутствие в главе 25 ГК общего правила о допустимости заключения в любое время соглашения о прекращении обязательства на будущее время не способствует стабилизации гражданско-правовых отношений, несмотря на наличие в гражданском законодательстве положений о расторжении договора по соглашению сторон. Возможность прекратить внедоговорное обязательство по соглашению сторон прямо не предусмотрена действующим законодательством. Не закреплены также и последствия заключения такого соглашения.

Такого рода соглашение в качестве общего правила могло бы восполнить недостающее правовое регулирование на тот случай, когда перечень оснований прекращения обязательств не содержит в себе необходимого юридического факта. Например, оно могло бы заключаться в случае зачета встречных неоднородных требований сторон друг к другу.

Часть норм, содержащихся в главе 25 ГК РУз, по своему содержанию не вполне отвечает наименованию главы – «Прекращение обязательств». Речь идет о некоторых положениях, касающихся исполнения обязательств, которые с точки зрения структуры кодификации целесообразно разместить в той





части ГК, которая будет посвящена исполнению обязательств.

Практика применения норм об отдельных основаниях прекращения обязательств показала, что они нуждаются в уточнении. Не определены некоторые используемые законодателем понятия (например, «обстоятельство, за которое ни одна из сторон не отвечает» - статья 349 ГК РУз), а также имеются пробелы в регулировании отдельных этапов правоотношений в связи с прекращением обязательств.

В частности, не вполне ясен момент, с которого считается прекращенным обязательство в случае предоставления отступного (статья 342 ГК РУз), а также существо прав кредитора, вытекающих из соглашения об отступном. В судебной практике сложилось убеждение в том, что в случае заключения соглашения об отступном кредитор не вправе требовать исполнения первоначального обязательства до истечения установленного сторонами срока предоставления отступного.

Не решена проблема «юридической неоднородности» требований при зачёте (статья 343 ГК РУз), то есть возможности зачёта требований как подтвержденных, так и не подтвержденных вступившим в законную силу судебным решением. Кроме того, имеется некоторая неопределенность с вопросом

о моменте прекращения обязательств при зачете. Позиция судебной практики такова, что если встречные требования являются однородными, срок их исполнения наступил, и одна из сторон сделала заявление о зачете, то обязательства считаются прекращенными в момент наступления срока исполнения того обязательства, срок исполнения которого наступил позднее, и независимо от того, когда было сделано или получено заявление о зачете. В то же время такое правило в ГК напрямую не закреплено и не подразумевается. Не очевидна также возможность осуществления зачета встречных требований, одно из которых (или оба) находятся под арестом в порядке исполнительного производства.

С учетом положений статьи 348 ГК РУз следовало бы решить вопрос о способах волеизъявления сторон при прощении долга, а также установить, насколько обязательно выражение должником своего согласия на прощение его долга.

Такое основание прекращения обязательства, как акт государственного органа, также нуждается в уточнении. Необходимо определить, имеют ли значение причины издания акта того или иного государственного органа, в частности, в случаях, когда такой акт издан в связи с неправомерными действиями (бездействием) должника.

Для реализации идеи о необходимости закрепления в нормах о прекращении обязательств общего правила о последствиях наступления тех юридических фактов, которые служат основанием прекращения обязательства, в ГК РУз целесообразно установить правило, в соответствии с которым любое прекращение обязательства есть его прекращение на будущее время; иное может быть предусмотрено законом или договором.

Предлагаемое правило вместе с тем не затрагивает судьбу неисполненного по обязательству, а также не отменяет гражданско-правовых санкций, которые могут подлежать применению к одной из сторон обязательства.

Кроме того, заслуживает введения в законодательство норма о том, что при прекращении обязательства прекращаются также дополнительные (обеспечивающие) обязательства, связанные с первоначальным, если иное не предусмотрено законом или соглашением сторон. Это правило может применяться ко всем основаниям прекращения обязательств.

Требует рассмотрения вопрос о введении в законодательство общего правила о возможности заключения соглашения о прекращении любого, в том

числе внедоговорного, обязательства на будущее время, а также о последствиях заключения сторонами такого соглашения.

В качестве такого общего правила предлагается норма, в соответствии с которой любое обязательство может быть прекращено соглашением сторон, если иное не предусмотрено законом, договором или не вытекает из существа обязательства. Таким образом, соглашение сторон становится самостоятельным основанием прекращения обязательства.


Заслуживает обсуждения проблема последствий непринятия (или уклонения от принятия) кредитором исполнения в срок при невозможности внесения долга в депозит в случаях, когда предметом исполнения не являются деньги или ценные бумаги.

В качестве одного из возможных вариантов предлагается норма, в соответствии с которой основанием прекращения обязательств является неправомерное уклонение кредитора от принятия исполнения, если последний не докажет, что непринятие исполнения имело место не по его вине. Изъятия из этого правила могут быть предусмотрены законом или договором. При этом, однако, необходимо зафиксировать механизм прекращения обязательства.

В отношении определения момента, с которого следует считать прекращенным обязательство при заключении сторонами соглашения об отступном, возможны следующие варианты.

Во-первых, можно рассматривать в качестве отступного принятие кредитором иного исполнения взамен надлежащего, осуществляемое им с выдачей должнику расписки или иного документа, подтверждающего получение исполнения.

Во-вторых, допустим подход, в соответствии с которым необходимо заключение соглашения сторон об отступном, порождающего право кредитора требовать на свой выбор при непредставле-




нии ему отступного передачи ему либо предмета первоначального обязательства, либо непосредственно отступного. Таким образом, соглашение об отступном повлечет возникновение альтернативного обязательства.

Требуется уточнения момент прекращения обязательства при зачете встречных однородных требований. Представляется необходимым закрепить правило, в соответствии с которым при зачете обязательство прекращается с момента получения заявления стороны о зачете другой стороной, при этом отказ от заявления о зачете недопустим, в том числе, даже если такая возможность предусмотрена договором.

Заслуживает фиксации в гражданском законодательстве норма о допустимости зачета тех требований, на которые наложен арест. Возможно, следует использовать подход, в соответствии с которым при наложении ареста на требование зачет требования должника к кредитору исключается только в случаях, если должник приобрел свое требование после наложения ареста, или если срок исполнения по его требованию наступил после наложения ареста, или если оно должно быть исполнено позднее, чем требование, на которое был наложен арест (например, § 392 Германского гражданского уложения).

Следует сделать диспозитивной норму о прекращении обязательства совпадением должника и кредитора в одном лице. Кроме того, исключения из правила о прекращении обязательства вследствие совпадения должника и кредитора могут быть установлены законом или вытекать из существа обязательства.

Внося большую определенность в правоотношения по поводу прощения долга, следует напрямую установить, что обязательство прекращается освобождением кредитором должника от лежащих на нем обязанностей путем отправки должнику уведомления. В случае если в разумный срок с момента



получения такого уведомления должник не возразил своему кредитору, его согласие на прощение долга должно предполагаться.

При прекращении обязательства в связи с невозможностью исполнения следует определить понятие обстоятельства, за которое ни одна из сторон не отвечает. К числу таких обстоятельств могут быть отнесены те, которые наступили после возникновения обязательства, в том числе наступившая впоследствии неспособность должника к исполнению.

Корректировка положений о прекращении обязательства вследствие издания акта государственного органа требует, прежде всего, включения в соответствующие положения упоминания об актах, издаваемых органами государственной власти на местах. Кроме того, при формулировании самого основания прекращения обязательства в данном случае необходимо учесть причины издания того или иного акта и указать, что обязательство не подлежит прекращению в случаях, когда невозможность исполнения вызвана изданием акта публичного органа в связи с неправомерными действиями (бездействием) должника (например, при наложении ареста на его имущество в порядке исполнительного производства).

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

Баҳром АХРАРОВ,
Юристар малакаси-
ни ошириш маркази
“Давлат ва жамият
қурилиши” кафедраси
профессори, юридик
фанлар доктори

2019 йил Ватанамиз мустақилликка эришганлигининг 28 йиллиги нишонланганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Жорий йилда Ўзбекистон Республикасининг янги парламенти шакллантирилди, демократик ислохотларнинг янги босқичига замин яратилди.

Умумий демократик тамойилларга асосланган сайлов халқимизнинг равнақи йўлидаги янги босқични белгилаб берди. Президентимиз Ш. М. Мирзиёевнинг таъкидлашича, - “Конституциямизга мувофиқ фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Сайловда ўзига маъқул бўлган номзод ёки бирон-бир партия илгари сураётган дастур учун овоз бериш, уларни қўллаб-қувватлаш вакиллик демократиясининг яққол кўринишидир”¹. Чунки, ўтган давр мобайнида халқимиз ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, давлат иқтисодиётининг ривожланиши, ижтимоий соҳадаги ютуқлар, демократик ислохотларнинг натижалари сарҳисоб қилинади. Республикамизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад инсон ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган қонунларнинг ижросини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон мустақиллиги қўлга киритилганидан сўнг, демократик ҳуқуқий дунёвий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этилиши, иқтисодиётдан ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтилиши, халқаро ҳамжамият томонидан умумэътироф этилган шахс ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигининг тан олинishi муносабати билан суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислох қилиниши лозим бўлган соҳалардан бири сифатида эътироф этилди. Чунки, янги, мустақил, демократик суд-ҳуқуқ тизи-

мисиз мамлакат ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида тўла фаолият юритилиши мумкин эмас. Ушбу масала маъмурий-буйруқбозлик бошқарув тизимидан воз кечилиб, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган ҳақиқатдан демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш тўғрисидаги қарори қабул қилиниши билан янада долзарблик касб этди. Қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, шахс, оила, жамият ва давлат ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларни қонунларга итоат қилиш руҳида тарбиялаш демократик давлатнинг ҳам мақсади, ҳам воситаси, ҳам энг муҳим шарти ҳисобланади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ижтимоий муносабатларни янада ривожлантириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, умуминсоний қадриятлар ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш, аввало шахс, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа узвий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш учун шароит яратилмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилишнинг устувор йўналишлари амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифалар билан белгилаб берилди. Аввало ушбу вазифалар қонунларни қайта кўриб чиқиш ва адолатли дунёвий андозаларга мос

қонунларни яратиш билан эришилиши мумкин. Бунинг учун, аввало конституциявий тамойилларга асосланган ҳолда, инсон манфаатлари устивор қадрият эканлигига ҳам алоҳида эътибор қаратишни талаб этади. Ўзбекистон Республикасининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб бормоқда. Халқаро миқёсдаги ютуқлар натижаларига кўра ва халқаро муносабатларнинг таъминланиши натижасида жамиятнинг халқаро нуфузи ортиши мумкин бўла олади. Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳужжатларни имплементация қилиш ва унинг талабларини қонуларимизга сингдириши халқаро муносабатларни қабул қилишини таъминлайди. Халқаро ҳужжатларни қонунларимизга сингдирилишида миллий қонунларимизнинг талабларини, миллий муносабатларимизни ҳам инкор этилишига ҳам йўл қўйиб бўлмайди, миллий қонунчилигимиз ва миллий муносабатларга мос кела оладиган халқаро ҳужжатларини имплементация қилиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2003 йил 31 октябрдаги “Коррупцияга қарши конвенцияси”га 2008 йил 7 июлдаги Ўзбекистон Республикасининг Конвенцияга қўшилиши тўғрисидаги қонун билан ратификация қилган. Бунинг натижасида 2016 йил 13 декабрь куни Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши кураш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун қабул қилишининг асосий мақсади, аввало, инсон ҳуқуқ-манфаатларининг таъминланишида коррупциявий муҳитга барҳам бериш ва унинг олдини олишга қаратилганидир. Ўзбекистон Республикаси Конвенцияга қўшилиши билан унинг талабларини қабул қилиш вазифасини, қонунларимизга сингдириш ва амалий таъминлаш вазифаларини ҳам олади.

Коррупцияга қарши конвенциянинг 26-моддасидаги “Юридик шахслар жавобгарлиги” масаласи юзасидан БМТнинг ОЭСР (Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкоти) томонидан



“Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги ўрнатилмаган”, деган эътирозлари бир неча бор таъкидлаб ўтилган. ОЭСР ташкилотининг тавсияларида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига “Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги”ни киритиш тавсия этилади. Ушбу ташкилот Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини ўрнатишни тавсия қилишидан қандай мақсадни кўзланганлиги аниқ эмас, Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган тартибга кўра юридик шахсларнинг жавобгарлиги нима учун талабга жавоб бермаслиги ҳақида ҳеч қандай асослар баён қилинмаган, фуқаролик-ҳуқуқий тартибда кўрилишига эътироз билдирилмаган.

Ушбу ташкилотнинг тавсиялари Ўзбекистон қонунларини тўлиқ ўрганлмаганлиги ва Конвенциянинг 26-моддаси талабларининг тўғри талқин қилинмаганлиги натижаси бўлиши мумкин. Конвенциянинг 26-моддаси 2-бандида жиноий жавобгарликни эмас, балки умуман жавобгарлик ҳақида гапирилади ва ҳар бир иштирокчи давлат ўзининг ҳуқуқ тизимидан келиб чиққан ҳолда юридик шахсларнинг жавобгар-

лигини жиноий, фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий жавобгарлигини белгилаши мумкин, эканлиги таъкидланган. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 48-моддасида юридик шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги белгилаб берилган. Бу жавобгарликни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг “Шартномавий мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик” боби (24-36 моддалари) да, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги “Банкротлик тўғрисида”ги қонунида ва “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида”ги низомлар билан ижро этиш механизмлари белгилаб берилган. Фуқаролик кодексининг 48-моддасига кўра “Юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради”, дейилади. ФКнинг 72-моддаси бешинчи қисмида ҳамда 76-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида “Давлат корхонаси ва

мулкдор томонидан молиявий таъминланадиган муассаса ўз мажбуриятлари бўйича жавоб берадилар”, дейилади. Юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулки эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, Фуқаролик Кодексига ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно, дейилган. Агар юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулкдорининг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин. Юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беришлигини, бунда мазкур мол-мулк қандай турга ва жамғармага мансублиги, асосий, айланма ёки заҳира воситаси (капитали), кўчар мулкми ёки кўчмас мулкми, пул маблағларида бўлса, нақд пулми ёки нақдсиз шаклда, қимматли қоғоздами ёки бошқа хўжалик ташкилотларидаги иштирокининг улуши ва ҳоказо эканлигидан қатъий назар, жавоб беришини белгилаб қўйган. Айнан ана шу таомилнинг амал қилиши асосида юридик шахснинг ночор (банкрот) деб ҳисобланиши натижасида унинг тугатилиши учун имконият яратилади (ФК 57-моддаси). Давлат корхоналарининг, шунингдек, ўзларига бириктирилган мол-мулк мулкдори томонидан молиявий таъминланадиган муассасаларининг нотижорат ташкилоти сифатидаги жавобгарлигига оид қоидалар ва шартларнинг хусусиятлари келтирилган.

Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганда давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлиши, муассаса пул маблағларининг мажбуриятлари бўйича жавоб беришга етарли бўлмаса, тегишли мол-мулкнинг



эгаси унинг мажбуриятлари юзасидан субсидар жавобгар бўлишлиги белгиланган.

Юридик шахснинг учинчи шахслар олдида мустақил фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликка эга эканлиги қоидаси мустаҳкамланган, унга кўра юридик шахс муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулкининг эгаси умумий қоидага биноан юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса, муассисларнинг ёки мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Бунда, ФҚда ёки юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бу қоидадан истиснолар кўзда тутилиши мумкинлиги қайд этилган. Ана шундай истиснолардан бири ФҚ 48-моддасининг 2-қисмида мавжуд. Бунда давлат корхонасининг ва (ёки) муассасанинг мулкдорига, унинг ҳеч қандай айби ёки енгиб бўлмас кучнинг таъсири бўлмаган ҳолда, кўрсатиб ўтилган жавобгарлик юклатилади. Унинг жавобгарлиги объектив хусусиятга эга.

Юридик шахснинг ночорлиги (банкротлиги) сабабли, муассисларнинг (иштирокчиларнинг) шунингдек, мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича субсидар жавобгарлигига оид қўшимчадан, яъни айнан субъектив асослардан ташкил топган. Бу меъёрлар юридик шахсни тугатиш жараёнида мол-мулк барча кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаган ҳолда қўлланилади. Шўъба корхонанинг банкротлиги вужудга келишида айбдор ҳисобланган асосий корхона ҳам ана шу қоидага асосан жавоб беради. Бу ҳолда асосий корхона тугатилаётган шўъба корхонанинг ҳамма кредиторлари олдидаги барча мажбуриятлари бўйича субсидар жавобгарликка эга бўлади.

Субъектив шартларнинг аниқланиши ва риоя этилиши зарурлигини қайд этади. Жумладан, қонун чиқарувчи ўрнатган меъёрга кўра, муассис (иштирокчи) ёки юридик шахс мол-мулкининг мулкдори юридик шахснинг ночорлигини (банкротлигини) келтириб чиқарган



мажбурий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга эканлиги шу юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бўлишлиги ва айнан ана шу шахс юридик шахснинг муайян ҳаракатни амалга ошириши оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқидан унинг ана шундай ҳаракатни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган бўлишлиги шарт қилиб қўйилган. Бу юридик шахслар жавобгарлигининг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Ҳозирги кунда Конвенцияга аъзо давлатлар сони 180 тага яқинлашган. Конвенциянинг 26-моддаси бўйича аъзо давлатларда жавобгарлик масалаларини ҳам ўрганиб чиқиш лозим. Жумладан, юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини фақат, Литва (ЖК 52м.), Молдова (ЖКнинг 21м.), Украина (20м.), Франция (ЖКнинг 121-2м.) да жиноятнинг субъекти сифатида назарда тутилганини кўриш, Қирғизистон Жиноят кодексида эса жиноятнинг субъекти сифатида белгиланмаган ҳолда жиноий чора сифатида қўлланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган. Шахсни жиноят субъекти сифатида эътироф этмай туриб унга нисбатан жафо келтирадиган унга мажбурлов чораларини қўлланилиши чора эмас, жазо бўлиб ҳисобланади. Шахс ўзининг жазоланганлигини англайди, бунини чора деб аталиши мохиятига кўра тўғри эмас. Ушбу давлатлар қонунларида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги назарда тутилганлиги ама-



лиётининг тўғри қўлланилаётганлигини аниқлашмайди, бунинг учун у давлатларда юридик шахсларга қўлланиладиган жиноий жавобгарликнинг амалиёти ўрганилмасдан туриб, маъқуллаш кўр-кўрона иш юритишдир.

Хориж давлатларида юридик шахсларнинг жавобгарлик масалалари асосан фуқаролик-ҳуқуқий қонунларда белгиланганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Озарбайжон ФКнинг 52-моддасида, Арманистон ФКнинг 60-моддасида, Беларус ФКнинг 52-моддасида, Грузия ФКнинг 38-моддасида, Молдова ФКнинг 57-моддасида, Қозғистон ФКнинг 44-моддасида, Россия ФКнинг 53-моддасида, Украина ФКнинг 96-моддасида, Туркменистон ФКнинг 2-бобида ва х.к. Ушбу давлатлар ҳам Коррупцияга қарши конвенцияни ратификация қилганлигига қарамай юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини Жиноят кодексларида киритмаганлар.

Юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини ЖКга киритилишида нималарга эришиш мумкин, деган савол туғулиши табиийдир. Юридик шахсларнинг жавобгарлигини жиноий-ҳуқуқий белгиланиши мълум даражада салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, юридик шахсларнинг жавобгарлигини жиноий тарзда белгиланиши билан амалда қўлланилаётган чоралардан ташқари ҳеч қандай чораларни таклиф қилиб бўлмайди, юридик шахсларга иқтисодий (аввал хўжалик) судлари томонидан жарима, фаолиятини тўхтатиб

қўйиш, юридик шахсни банкрот деб топиб, тугатиш чоралари ҳам қўллаб келинади, ушбу чораларни жиноят кодексида белгиланишида бундан ортиқ чорани таклиф қилиб бўлмайди. Ўзбекистонда судларнинг ихтисослашувида номутаносибликларга ва ишларнинг кўрилишида сифат кўрсаткичларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Юридик шахсларнинг жавобгарлиги кўрилишида судловлик масалаларида ҳам муаммолар туғилади, иқтисодий судларга нисбатан жиноий судлар томонидан жавобгарлик масалалари сифатли кўрилишига путур етишига сабаб бўлади, амалда иқтисодий судлар айнан юридик шахсларнинг жавобгарликларини кўрадилар, жиноий судлар ушбу ишлардан ташқари бошқа жиноят ишларини ҳам кўришлари керак.

Шунингдек, Ўзбекистонда олиб борилаётган тадбиркорлик субъектларини эркинлаштириш сиёсатларига ҳам зид бўлиб, тадбиркорлик соҳаларининг репрессив жавобгарликлари оқибатларига ҳам олиб келиши мумкин. Шунингдек, юридик шахсларнинг жавобгарлигини жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик белгиланиши юридик шахсга ишончсизликнинг келиб чиқишига, улар билан ҳамкорлик қилувчи бошқа юридик шахсларнинг ишончсизлигига олиб келиши, охир оқибатда банкротлик (ночорлик)га ҳам олиб келиши мумкин бўлади. Бу юридик шахсда кун кўраётган кўплаб ишчиларнинг иш ўринларининг йўқолишига олиб келиши, ишсизлик оқибатларига сабаб бўлиши мумкиндир.

Фойдаланилган адабиёт ва манбалар:

1. Ш.М.Мирзиёев Конституция ва қонун устиворлиги-ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2019 й., 7 декабрь

ПСИХИАТРИЯ ЁРДАМИМИ ЁКИ ПСИХОЛОГИК ЁРДАММИ?

МУЛОҲАЗА

Маълумки, сўнги вақтларда халқимиз орасида психология, психологик хизмат, психологик ёрдам, психологик саводхонлик масалаларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Республикамиз ҳукумати томонидан психолог кадрлар тайёрлаш, аҳолига психологик хизмат кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 7 июндаги 472-сон “Психология соҳасида кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 октябрдаги ПФ-5843-сон фармони каби расмий ҳужжатларнинг эълон қилиниши, улар ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, мазкур масалага берилаётган эътиборнинг нақадар юқори эканлигидан далолат беради.

Бу каби расмий, меъёрий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш борасида жойларда аҳолига психологик хизматлар кўрсатиш марказлари, таълим муассасаларида психология соҳалари бўйича психолог мутахассис кадрлар тайёрлаш бўлимларининг очилиши кабилар ҳақида кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Бироқ, бу тадбирлар ҳамма жойда ҳам бирдек юқори самарада амалга ошмаяпти, деб бўлмайди. Улар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатадиган омиллар ҳам мавжуд.

Мақсадга эришиш йўлида ҳалақит қилиши эҳтимоли бўлган омиллардан энг асосийси – бу соҳа бўйича малакали мутахассис кадрларнинг етишмаслигидир. Дарҳақиқат, у ёки бу соҳа учун малакали кадрларни тайёрлаш, тарбиялаш масаласи ўта долзарб масала. Тайёр кадр ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Кадр тайёрлаш масаласи энг жиддий, узоқ муддат, кўп куч талаб қиладиган жараён эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Президент Шавкат Мирзиёев: “Мени энг катта хавф нимада, деган савол қийнайди. Энг катта хавф - кадрлар савияси, билими, илми ва фидойилигида. Минг афсуски, энг оғир масала шу” - деб таъкидлаганларидек, малакали

кадрларнинг етишмаслиги мамлакат тараққиётидаги энг катта хавфдир.

Аҳолига психологик хизматлар кўрсатиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, услубий материаллар қанчалик юқори савияда, жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган қилиб тайёрланмасин, бироқ улар билан кутилган даражада ишлай оладиган, зиммаларига юклатилган вазифаларни юқори савияда бажарадиган малакали мутахассис кадрлар бўлмаса, барча саъй-ҳаракатлар зое кетади. Таъкидлаш жоизки, одамларга психологик хизмат кўрсатиш, уларнинг руҳий оламига кириб бориш ҳам ўзига хос жиҳатларга эга. Чунки, бу ўринда гап одамнинг руҳий олами, шахсий ҳаёти, шахсий муаммолари ҳақида боради. Бунда шахсга расмий омиллардан кўра норасмий омиллар кучлироқ таъсир қилади. Одам энг мураккаб билиш объекти бўлиши билан бирга, уни индивидуал ҳаётининг ички олами ҳам борки, ҳар бир шахс унга ташқаридан бошқа бир одамнинг аралашувини ҳамма вақт ҳам маъқуллашмайди. Бир одам муаммосининг ечими бўлиши мумкин бўлган муайян тадбир, бошқа одамга тўғри келмайди. Шунинг учун ҳам уларни бир ўлчам, бир

Баҳодир ИСРОИЛОВ
Юристар малакасини ошириш маркази “Ижтимоий фанлар ва психология, юридик этика” кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Нурмат СОФИНОВ
Юристар малакасини ошириш маркази “Ижтимоий фанлар ва психология, юридик этика” кафедраси профессори, психология фанлари номзоди, доцент.



меъзон, расмий талаблар билан чега-ралаб бўлмайди. Шу нуқтаи-назардан қаралганда, шахсга, одамга психологик ёрдам бериш, психологик хизмат кўрсатиш соҳалари мутахассиси, кадр бошқа ҳар қандай соҳа вакилига (кадрига) қараганда ўта малакали, билимдон, фидойи бўлиши лозим. Муаммонинг бу жиҳати соҳа кадрлари шахсига, уларнинг касбий аҳамиятли жиҳатларига юқорироқ талаблар қўяди. Юқорида келтириб ўтилганларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, бу соҳа бўйича кадрларни тайёрлаш масаласига ҳам, шу касбни танлаган шахснинг касбий аҳамиятли сифатларига ҳам, у бажариши лозим бўлган иш хусусиятларига ҳам жиддий муносабатда бўлиш лозим.

Аҳолига психологик хизматлар кўрсатиш ишлари самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллардан яна бири – бу аҳоли ўртасида мазкур хизматга нисбатан адекват муносабатлар, зарур анъаналарнинг шаклланмаганлигидир. Ҳеч кимга сир эмас, кўп сонли аҳоли вакиллари ўртасида “психологик ёрдам” билан “психиатрик ёрдам” тушунча (жумла)ларида ойдinлик етишмайди. Агар, одатдаги суҳбат жараёнида кимгадир психологга мурожаат қилиши тавсия этилса, бу таклифни оғриқли қабул қилиб, бунга рози бўлмаслиги, ҳатто хафа бўлиш ҳоллари ҳам кузатилади. Ғарб мамлакатлари фуқароларида эса у ҳолат кузатилмаслиги мумкин. Чунки, уларда бу каби хизматга мурожаат қилиш анъанаси азалдан мавжуд бўлган. Масалан, бирон-бир фуқаро зўриқишли эмоционал ҳолат, ҳиссий тангликни бошидан

кечираётган, уни бирон-бир муаммо қийнаётган бўлса, руҳий енгиллашиб олиш учун синагог ёки черковга боради. У ерда тўр парда ортида ўтирган “отец”, “пастор” ёки бошқа руҳонийга, психологик маслаҳатхоналарга бориб ўзини қийнаётган муаммолар ҳақида гапириб “кўнглини бўшатиб” олади (изливание души). Кундалик ҳаётида ҳеч кимга айтолмайдиган “гапларини” шак-шубҳасиз “ота”га, “пастор”га айта олади. Ўзини қийнаётган муаммолар ҳақида пасторга рўйи-рост айтганидан сўнг, пасторда ҳам унга “тўғри”, ўринли маслаҳат бериш имконияти яратилади. Мурожаат қилувчи ўз дардини рўйи-рост, тўлалигича айтганидан кейин, пастор эшитган маълумотларига асосланган ҳолда: “Бўтам, ундай қил! Бўтам, бундай йўл тут!” деб маслаҳат беради. Бундай учрашувдан сўнг, мижоз руҳан енгил тортади, “кўнглини бўшатиб” олади. Бундай анъана ғарб мамлакатларида мавжудлиги ва бир неча авлод давомида шу ҳолат такрорланиб келинганлиги туфайли мурожаатчилар “отец”, “пастор”ларга тўлалигича ишондилар. Улар, яна шунга амин бўладиларки, бу жараёнда “отец”га айтилган фикр, маълумот бошқа ҳеч қаерда такрорланмайди, бу ҳақда бошқа ҳеч ким хабардор бўлмайди. Бундай ишончли мулоқот, мижозларга психологик хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширади. Шарқ халқларида, жумладан бизда ундай эмас. Атоқли психолог олим, Карл Густав Юнг ўз таълимотини яратар экан, шахс типларини экстравертлар ва интровертларга фарқлаб, ғарб фуқароларига экстравертлик шарқ фуқароларига (индусларга К.Г.Юнг ибораси бўйича) эса интровертлик кўпроқ хослигини таъкидлаб ўтади. Интровертларга ўзининг ички ҳиссий-иродавий ҳолатларини ташқарига чиқаравермаслик хосдир. Бу хислат ҳам уларга психологик хизмат кўрсатиш самарадорлигини пасайтиради.

Шу ўринда “психиатрик ёрдам” ва “психологик ёрдам” атамаларига аниқ-

лик киритиб олиш лозим. Психологик адабиётларда, жумладан психология изоҳли луғатида берилишича, “психиатрия (юнон. psuche – жон, iatria – даволаш); Медицина бўлими. Психик касалликлар, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари, содир бўлиши, олдини олиш ҳамда даволаш ҳақидаги фан. Психиатриянинг асосий методи бўлиб нейро-физиологик, биохимик, иммунологик, генетик, психологик методлардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган клиник текширув ҳисобланади. Психик фаолиятдаги бузилишлар қонуниятларини тадқиқ этувчи умумий психиатрия ёки умумий психопатология ва психопатиялар, неврозлар, реактив ҳолатлар каби руҳий касалликлар билан шуғулланувчи хусусий психиатрия фарқланади”, – деб таъриф берилади.

Шу манбада, “психология - (юнон. psuche – жон, logos - илм); миянинг объектив воқеликни акс эттирувчи функцияси бўлган психика ҳақидаги фан. Психология психиканинг юзага келиш механизмлари ва умумий қонуниятларини ўрганувчи фан. Психологиянинг предмети психик жараёнлар, психик ҳолатлар ва психик хусусиятлардир. Психология ўз предметини ўранишда И.М.Сеченов ва И.П.Павловларнинг рефлектор таълимотига, ҳозирги замон психологияси, физиологияси, нейрофизиологиясининг энг янги, энг илғор ютуқларига асосланади.

Психология фани билан табиийлик ўртасида узвий боғлиқлик мавжуд. Қарерда табиийлик (самимийлик) бузилса – у жойда психологияга ўрин йўқ”, – деб изоҳ берилади.

Бу изоҳлардан кўриниб турибдики, “психиатрия” тиббиёт соҳаси, беморлар билан ишлайдиган соҳа бўлса, “психология” бутунлай бошқа соҳа, деярли тиббий соғлом одамлар билан ишлайдиган соҳа эканлиги кўриниб турибди. Бироқ, номутахассис одам уларни фарқламаслиги мумкин.

Мақола мавзуси доирасида учрайдиган тушунчалардан яна бири психоло-



гик ёрдамдир. Психологик ёрдам – илк фикрловчи одам (Homo sapiens) пайдо бўлган дамлардан бошлаб одамларда бир-бирларига ёки ўз-ўзига ёрдам, далда бериш ҳоллари кузатилган. Бундай ёрдамга эҳтиёжни деярли ҳамма ҳис қилади. Одам руҳияти билан табиийлик ўртасида ижобий боғлиқлик мавжуд. Табиийлик бузилган жойда руҳиятда ҳам салбий ўзгаришлар кузатилаверади. Одамларнинг турмуш тарзи ривожланиб, табиийликнинг ўрни, ижтимоий қулайлик, урбанизациялашув билан алмашиб, мураккаблашиб боргани сайин, уларнинг руҳий зўриқиш олиш эҳтимоли кўпайиб бораверади. Бу эса, шубҳасиз, уларда руҳий ёрдамга муҳтожликнинг кучайишига асос бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда фуқароларга, аҳолига “Психологик ёрдам” кўрсатиш анъанаси кенг тарқалган. Одамларнинг “психологик ёрдам”га муҳтожлиги у ночор, ноилож, кескин, танг вазиятларда қолганида кўпроқ кузатилади. Нормал ҳолатда бундай ёрдамга ҳеч ким мурожаат қилмайди, зарурат ҳам сезмайди. Руҳий зўриқишдан эса ҳеч ким ҳоли эмас, кафолатланмаган.

Психологик хизмат – турли ижтимоий институтлар (ишлаб чиқариш, тиббиёт, таълим, маданият, спорт, ҳуқуқ тартибот органлари ва ҳ.к.) фаолиятини психологик кузатиб бориш (бу психологик хизмат йўналишларининг барчасини қамраб олиши мумкин) тизими. Психологик хизмат – одамларга хизмат кўрсатишнинг нисбатан янги, ёш туридир.

Психологик хизмат, аҳолига, у ёки бу жамоа аъзоларига ўзларининг психологик муаммоларини ечиш, ўзини-ўзи

тушуниш, билиш, англаш, ўз-ўзига ва атрофидагиларга нисбатан бўлган муносабатларини тўғри йўлга қўйиш, юзага келиши эҳтимол бўлган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида тегишли йўл-йўриқлар кўрсатиш, тавсия бериш кабилардан иборат.

Психологик хизматни ташкил қилиш, фуқаролар ўртасида психологик хизматни амалга ошириш, муассасаларнинг тегишли лавозимларига номзодларни қидириб топиш, улардан муносибларини танлаб олиш ва бу борада амалий психодиагностикадан ўринли фойдаланиш - ўта муҳим, масъулиятли ҳисобланади. Бу иш ўзига хос махсус маълумот, касбий маҳорат талаб қилади. Чунки, бу ўринда гап инсон тақдири, халқ манфаатлари, юрт келажаги устида боради.

Шунинг учун ҳам, психодиагностика ва психодиагност шахсига қатор ижтимоий этик талаблар қўйиладики, уларга амал қилиш шарт. Буларга: психодиагностика натижаларини сир сақлаш, психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлигини, ўрганилаётган одамга зиён етказмаслик, улар учун тадқиқот натижаларининг ошкоралиги, хулосаларнинг объективлиги ва таклиф этилаётган амалий тавсияларнинг самарадорлиги кабилар киради. Бу талаблар психодиагностика тамойилларида ёритиб берилган.

Психодиагностика натижаларини сир сақлаш тамойили - бу ўрганилаётган одам шахсан рухсат бермагунча унинг натижаларини ошкор қилмасликни тақозо этади.

Психодиагностик методикаларнинг илмий асосланганлиги тамойили - уларни энг камида валидлик ва ишончлилик талабларига жавоб беришини тақозо этади, яъни улар ишониш мумкин бўлган натижаларни бериши керак.

Зиён етказмаслик тамойили - психодиагностика натижаларини ҳар қандай ҳолатларда тадқиқ этилган одамга зиён етказмаслиги кераклигини назарда тутади. Агар, психодиагностика танлов

асосида танлаб олиш мақсадида ёки одамни ишга қабул қилишда ўтказилаётган бўлса, унда мазкур тамойил психодиагностика натижалари синалувчи учун ошкора бўлиши тамойили билан биргаликда қўлланилади. Бунда синалувчи, ундан нимани ва қандай ўрганилишлигини, тестдан ўтказиш, уни тадқиқ этишнинг натижаси қандайлиги, шунингдек, бу маълумотлар, унинг муаммосини ҳал қилишда ким томонидан ва қандай фойдаланишлиги кабилар ҳақида маълумотни талаб қилиши мумкин.

Хулосаларнинг объективлиги тамойили - тестлаштириш натижаларидан уларнинг илмий асосланган бўлишлигини талаб қилади. Яъни, психодиагностика хулосалари тест ўтказаетган ёки унинг натижаларидан фойдаланадиган шахснинг субъектив установакаларига мутлақо боғлиқ бўлмаслиги ва у томонидан белгиланган бўлмай, балки валидли ва ишончли методикаларни қўллаган ҳолда ўтказилган тестлаштириш натижаларига асосланган бўлиши шарт.

Таклиф этиладиган тавсияларнинг самарадорлиги тамойили - бундай тавсиялар кимга берилаётган бўлса, шу одамлар учун албатта фойдали бўлиши керак. Тестлаштириш натижаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган одам учун фойдаси тегмайдиган ёки қандай оқибатларга олиб келиши номаълум бўлган амалий тавсияларни беришга рухсат этилмайди.

Психодиагностика ишларини амалга оширишда психодиагностикага қўйиладиган юқоридаги талаблар билан бир қаторда, психодиагност шахсига, кадрга алоҳида квалификациян талаблар қўйилади. Уларнинг асосийлари: яхши назарий тайёргарликка эга бўлиш, психодиагностик методикалар ва уларни қўллаш қоидаларини мукамал билиш, тегишли методикалардан амалда фойдаланиш борасида етарлича тажрибага эга бўлиш кабилардир.

Ҳар қандай психодиагностик методика, ўзи ўрганаётган объектга оид қандайдир бир назария заминидан юзага

келади ва ривожланади. Масалан, интеллект тестлари, интеллект табиати, тузилиши, аҳамияти ва ҳаётий намоён бўлиши ҳақидаги илмий тасаввурларга асосланади. Шахс тестлари эса, шахснинг илмий таърифи, шахс тузилишини тушуниш, муайян шахс ҳақида объектив мулоҳаза юритиш мумкин бўлган маълум бир шахс назарияларига асосланади. Ҳар бир психодиагностик методика айни вақтда ўзи боғлиқ бўлган у ёки бу назария билан бойитилган ва чегараланган бўлади. Тегишли назарияни билган ҳолда, шу назария доирасида ўрганилаётган одам ҳақида, кўпинча бевосита психодиагностика натижалари доирасидан (чегарасидан) кенгроқ, узоқни кўзлаган хулосалар қилишга эришиш мумкин. Масалан, айрим шахс назарияларига кўра шахснинг бир хислати бошқа бир хислати билан яқиндан боғлиқ бўлади. Шунинг учун шахс хислатларидан бирини психодиагностика ёрдамида аниқлаш билан, унинг бошқа бир хислатини қай даражада ривожланганлиги ҳақида ишончли мулоҳазаларга келиш мумкин. Лекин, психодиагностика методикаси заминада ётадиган назария кўпинча унинг натижаларини изоҳлашни (интерпретация қилишни) чеклаши ҳам мумкин. Шундай методикалардан бири, шахсни ўрганишга мўлжалланган, психологик таълимотига асосланган Тематик Апперцепциялашган Тест (ТАТ) натижаларини фақат шу таълимот доирасидагина изоҳлашни ва шуларга асосан тегишли хулосаларга келишни талаб қилади. Бунда шахс хислатларининг гуманистик ёки факторли назарияларига кўра асосланиши ноўрин бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ҳар қандай психодиагностик методикалардан психологик амалиётда фойдаланишда, кадр мазкур методика асосланадиган назарияни билиши шарт. Буларсиз у одамларни тадқиқ этиш натижаларини таҳлил қилиш, изоҳлаш ва хулосалар чиқаришда жиддий хатоларга йўл қўйиши мумкин.

Методикани мукамал ўзлаштирган-

лик, уни синалувчи эътиборига ҳавола этиш, натижаларни таҳлил қилиш ва изоҳлаш, зарур тартиб-қоидаларга (процедураларга) оид билим ва малакаларга эга бўлишни тақозо этади. Тадқиқотчи токи психодиагностик тестни яхши ўзлаштириб олмагунча (модул, меъёрий кўрсаткичлари, мувофиқлаштирилганлик даражаларини аниқламагунча) ёки ҳеч бўлмаса ўзи қўлламоқчи бўлган тестни ўзида ёки ўзи яхши билган одамларда ўтказиб кўрмагунча, ундан бошқаларни ўрганишда фойдаланмаслиги керак. Психодиагностик методикаларни қўллаш тартиб, талаблари, қоидаларини билиш ҳам жуда муҳим. Бу тартибларга амал қилиш ишончли натижаларни олиш имкониятини берса, уларни бузиш жиддий хатоларга олиб келади. Тестнинг ўзи ўз ҳолича қанчалик яхши бўлишлигига қарамай, ундан фойдаланиш вақтида албатта респондентларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг мазкур вазиятдаги ҳолати ва кўплаб психодиагностика натижаларига таъсир қилувчи омилларни ҳисобга олиш лозим. Бунда психологик тадқиқотлар олиб боришнинг асосий тамойиллари бўлмиш детерминизм ва системалик тамойилларига амал қилиш керак.

Психолог кадрнинг тегишли психодиагностика методикасини амалда қўллаш билиш тажрибасига эга бўлиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бундай методикалардан фойдаланиш тажрибаси ҳам узлуксиз бўлиши лозим. Чунки, улардан фойдаланишдаги танаффуснинг узоқ вақт чўзилиши ҳам одатда тегишли билим, малака, кўникмаларнинг йўқолишига ва улар билан ишлаш сифатининг пасайишига олиб келиши мумкин.

Психодиагностик тадқиқотлар ўтказиш вақтида кадр қуйидаги ахлоқий - этик меъёрларга амал қилиши шарт:

1. *Одамни унинг ихтиёрий розилигисиз психологик тадқиқотга жалб қилмаслик керак (қонунда белгиланган алоҳида суд, суд-психологик экспертиза ёки медицина амалиёти ҳолатлари бундан мустасно).*

2. Психодиагностик тестлаштириш ўтказишдан олдин синалувчини, у тадқиқот жараёнида ўзи англамаган (сезмаган, билмаган) ҳолда ўзи ҳақида, ўз фикр ўйлари, ҳиссиёти ҳақида айрим маълумотларни бериб юбориши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб қўйиш лозим.

3. Агар, бу қонунда кўрсатилмаган бўлса, ҳар қандай одам (синалувчи) тестлаштириш натижаларини ва ундан олинган маълумотларни ва улардан ким, қаерда ва нима мақсадда фойдаланиши мумкинлигини билишига ҳақли.

4. Психологик тестлаштириш натижалари тестни ўтказган одам томонидан фуқарога тўғри тушуниладиган шаклда берилиши керак.

5. Агар тестлаштириш одамнинг психик ривожланганлик даражасини аниқлаш, конкурс асосида танлаб олиш ёки ишга қабул қилиш мақсадида ўтказилаётган бўлса, бунда ҳам синалувчи нафақат тестлаштириш мақсади, балки у ҳақда тест натижаларига кўра қандай асосда хулоса қилинишини билишига ҳақли.

6. Психодиагностик тестлардан амалда фойдаланиш учун асосий жавобгарлик уларни қўллаётган шахсларга ва ташкилотларга юклатилади.

Таъкидлаш жоизки, ижтимоий-иқтисодий тизими мўътадил бўлган қатор ривожланган мамлакатларда психодиагностик тестлардан фойдаланиш, уларнинг натижаларини эълон қилишга нисбатан қонуний қайд этилган чекланишлар мавжуд.

Улар, қуйидаги мажбурий меъёрларни ўзида мужассам қилади:

1. Касб танлови (профотбор) ва экспертiza учун фойдаланиладиган кўпчилик психодиагностик тестларни оммавий ахборот воситалари орқали очиқ чоп этириш таъқиқланади. Чунки, тегишли малака ва тайёргарликка эга бўлмаган одамлар фойдаланиши оқибатида, уларнинг натижалари бузилиши, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

2. Психодиагностик тестлардан фойдаланувчилар, олий психологик маълумотга эгаллиги ҳақидаги дипломга ёки камиди психология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлиши керак. Бу амалиётга алоқадор бошқа кишилар эса, бундай фаолият билан шувулланиш учун тегишли лицензияга эга бўлиши лозим.

Психолог кадрнинг этик кодексидан намуналар.

Этик кодекс деб, одамларнинг улар мулоқотга киришадиган у ёки бу жиҳатлардаги ўзаро муносабатлари ва фаолиятида амалга ошадиган хулқининг ахлоқий қоидалари мажмуига айтилади. Этик кодекс асосида ўзида адолат, меҳрибонлик мезонларини намоён этадиган, ахлоқий меъёрлар ётади.

Қуйида психологик амалиётнинг турли вазиятларида психолог кадр хатти-ҳаракати ахлоқий жиҳатларини мувофиқлаштирувчи намунавий (тахминий) этик кодексини келтириб ўтамыз:

1. Психологнинг психодиагностик амалиётдаги касбий фаолияти унинг респондентлар олдидида алоҳида жавобгарликка эга эканлиги билан характерланади.

2. Ўрганилаётган одамнинг шахсий манфаатлари, тегишли муассаса, унинг раҳбарлари ва бошқа одамлар манфаатларига зид бўлган ҳолатларда, психолог ўз вазифасини максимал ҳолислик билан бажаришига мажбур.

3. Психологнинг иши касбий мустақиллик ва автономия тамойиллари асосида ташкил қилинади. Унинг касбий-психологик тавсифи масалалари юзасидаги қарори якуний ҳисобланади ва у юқори бошқарув идоралари, тегишли муассасалар маъмурияти томонидан бекор қилиниши мумкин эмас.

4. Психолог қарорини тегишли ҳукм чиқариш ваколатига эга бўлган ва юқори малакали психологлардан ташкил топган махсус комиссия бекор қилиши мумкин.

5. Синалувчилар билан ишлашда психолог адолатлилик ва самимийлик та-

мойилларига асосланади.

6. *Хизматга мурожаат қилган одамга психологик ёрдам бера оладиган бўлиши учун психолог кафолат ва тегишли ҳуқуққа эга бўлиши лозим. У ўз навбатида унга берилган ҳуқуқлардан ўринли, тўғри фойдаланиш учун шахсан жавобгардир.*

7. *Давлат хизмати идораларида фаолият кўрсатаётган психологнинг иши, ҳар бир синалувчининг интеллектуал ва шахсий ривожланиши йўлидаги чекланишларни бартараф этишни назарда тутадиган мутлоқ гуман (инсоний) мақсадларга эришишга қаратилган бўлиши керак.*

8. *Психолог ўз ишини, синалувчи шаънини мутлоқ ҳурмат қилиш ва синалувчининг шахси дахлсизлигини таъминлаш асосида ташкил қилади, унинг асосий инсоний ҳуқуқларини фаол ҳимоя қилади ва ҳурмат қилади.*

9. *Психолог синалувчи манфаатларини жамият олдида, барча одамлар олдида ҳимоя қиладиган асосий ҳимоячилардан бири ҳисобланади.*

10. *Психолог психодиагностик ва психокоррекцион методикаларни танлаб олишда, шунингдек, ўзининг ҳулоса ва тавсияларини беришда эҳтиёткор, ҳушёр бўлиши керак.*

11. *Психолог синалувчининг шахсий ривожланишини, унинг инсоний эркини, жисмоний ва психологик дахлсизлигини чеклайдиган ишларда иштирок этмаслиги керак. Психолог касбий этикасининг энг оғир бузилиши, уни синалувчига зиён етказувчи ишларда бевосита ёки шахсан иштирокида намоён бўлади. Бундай ҳолатга бир бор йўл қўйган шахс психодиагностик ишлар билан шугулланиш, профессионал психологик мутахассислигини таъкидлайдиган ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқидан бутунлай (бир умрга) маҳрум этилади, қонун билан белгиланадиган ҳолатларда эса судга берилади.*

12. *Психолог синалувчининг ҳақ-ҳуқуқлари бошқа одамлар томонидан паймол қилинган, синалувчилар билан*

ногуман мулоқотда бўлинган ҳолатларни сезган вақтда бу ҳақда ўзининг бевосита раҳбарига хабар бериши шарт.

13. *Психолог синалувчи ҳуқуқларининг бузилишига олиб келадиган ҳар қандай сиёсий, воявий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа таъсирларга қаршилик кўрсатиши керак.*

14. *Психолог, фақат ўзи зарур маълумот ва малакага эга бўлган соҳалар бўйичагина хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга.*

15. *Етарлича апробациядан ўтмаган ёки барча илмий стандартларга тўла жавоб бера олмайдиган психодиагностик (психокоррекцион) усуллардан ноиложлик туфайли фойдаланишга тўғри келиб қолгудек бўлинса, унда психолог бу ҳақда манфаатдор шахсларни огоҳлантириб қўйиши ва ўзининг ҳулоса ва тавсияларида эҳтиёткор бўлиши керак.*

16. *Психологнинг психодиагностик, психокоррекцион ёки психотерапевтик материалларни улардан фойдаланиш учун тегишли тайёргарликдан ўтмаган, номутахассис шахсларга беришга ҳаққи йўқ.*

17. *Психолог психодиагностика ва психологик таъсир этиш методикаларидан махсус профессионал тайёргарликка эга бўлмаган шахслар томонидан фойдаланилишига тўсқинлик қилиш керак, бу ҳақда бундан бехабар ҳолда ундай шахслар хизматидан фойдаланаётган кишиларни огоҳлантириб қўйиши шарт.*

18. *Синалувчиларни индивидуал психологик текшириш натижасида олинган маълумотларни, психолог фақат уларни ўзларининг розилиги билангина учинчи одамларга айтиши ёки бериши мумкин. Бунда синалувчи у ҳақда кимга ва қандай маълумотлар берилаётганлигини билишга ҳақли.*

19. *Тегисли муассасалар маъмуриятига синалувчи ҳақида, фақат бу одамлар улардан синалувчига зиён етказиш мақсадида фойдалана олмайдиган маълумотлар берилади, холос.*

20. Психолог оммавий ахборот воситалари ва бошқа психологик ёрдам кўрсатиш воситаларидан фойдаланишда, бундай маълумотларни олиш ёки тарқатишда, одамларни психологик характердаги ёрдам учун бунга ҳаққи йўқ ёки яроқсиз, номутахассис шахсларга мурожаат қилишлари кабилар салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириши, бундай ёрдамни қаердан ва кимдан олиш мумкинлигини айтиб ўтиши лозим.

21. Психолог ўзини, унинг роли ва функцияси синалувчиларга зиён етказиши мумкин бўлган турлича (икки) маънода тушунилиши мумкин бўлган ишлар ёки фаолият билан шуғулланмаслиги керак.

22. Психолог мижозларга ўзи бажара олмайдиган ваъдаларни бермаслиги керак.

23. Агар, синалувчини тадқиқ қилиш ёки унга психологик аралашини бошқа шахснинг: тегишли идоралар вакиллари, врач, судья ва ҳ.к. талабига кўра бўлаётган бўлса, психолог бу ҳақда синалувчини хабардор қилиб қўйиши керак.

24. Психолог ўзи ўрганган синалувчилар ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланиши учун шахсан жавобгар.

25. Бирон-бир идорага (муассасага) ишга қабул қилинишида психолог ўзининг профессионал ваколати (компетенцияси) доирасида мустақил фаолият қилишлигини айтиб ўтиши, шунингдек, ўзи ишлайдиган (ишлаши лозим бўлган) идора маъмуриятини ва бошқа манфатдор шахсларни мазкур этик кодекс мазмуни ҳақида огоҳлантириб қўйиши лозим. У ўзининг касбий ишига аълоқадор бўлган барча шахслар эътиборини сир сақлаш ва касбий этика талабларига амал қилиш лозимлигига қаратиши керак. Шу билан бирга психолог уларни, унинг ишига фақат психологик хизматнинг тегишли ваколатга эга бўлган юқори ташкилотларгина профессионал аралашини мумкин эканлиги ҳақида огоҳлантириб қўйиши керак. Шунингдек, у бошқа шахслар томони-

дан билдирилган ноэтик талабларни бажара олмаслиги ҳақида ҳам таъкидлаб ўтиши жоиз.

26. Профессионал амалиётчи психолог томонидан этик кодекс низомларини бузиш амалиётчи психологлар ассоциацияси “психолог обрўси” (судом чести)да муҳокама қилиниши, зарур бўлиб қолган шароитларда психологик хизмат таркибига кирувчи янада юқорироқ профессионал ташкилотларда муҳокама қилиниши керак.

Психологик хизматнинг қуйидаги умумий йўналишлари фарқланади:

1. Психодиагностика;
2. Психологик тузатиш (психокоррекция);
3. Психологик маслаҳат бериш (психоконсультация);
4. Психопрофилактика;
5. Психологик оқартув ишларини олиб бориш.

Маълумки, ҳар бир одам ўзини-ўзи ва воқеликни (атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни, нарсаларни) ўзича, ўзига хос, субъектив акс этади. Бир одамнинг воқеликни қандай идрок этиши, қабул қилиши бошқа одамнинг айнан шу воқеликни идрок этиши, қабул қилишига мос келмайди. Шуниси билан ҳам одам энг мураккаб билиш объекти эканлигича қолаверади. Бу эса одамни ўрганишни, тушунишни, у ёки бу вазиятда у ўзини қандай тутиши, қандай хулқ, фаолликни намоен қилишини олдиндан айтиб беришни мураккаблаштириб юборади. Бир одамга маъқул бўлган хулқ-атвор меъёри бошқа бир одамга маъқул тушмаслиги, бир одам учун самарали бўлган усул бошқасига мутлақо тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун шахсга психологик хизмат кўрсатишда, унга психологик таъсир қилишда, аввало шу одамнинг ўзи ким эканлигини, унинг шахсий хусусиятлари қандай эканлигини билиш муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотлардан ҳисобланади. Психологик хизматнинг (психологик таъсир этишнинг) самарадорлиги ҳам айнан шунга кучли боғлиқ бўлади.

Психодиагностикада турли психодиагностик воситалар (методлар, тестлар, сўровномалар) ёрдамида ўрганилаётган одамнинг психологик хусусиятлари, шахси, ўрганилаётган жамоадаги шахслараро муносабатлар хусусиятлари, ундаги ўзаро муносабатлар тизими аниқланади. Бу объектнинг ким ва қандай эканлиги билинади. Психодиагностика ёрдамида аниқланган хусусиятлар, аксарият ҳолларда уларнинг асосан салбий характерга эга бўлган жиҳатлари психологик тузатиш ишлари орқали бартараф этилиши лозим.

Унда ўрганилаётган шахснинг маълум бир фаолиятларни мақсадга мувофиқ амалга оширишига ҳалақит қилиши мумкин бўлган айрим сифатлари кўрсатилади, уларни бартараф этиш юзасидан психологик маслаҳатлар берилди. Психологик маслаҳатлар беришда бошқа бир қанча илмий манбалардан олинган маълумотлардан, психологинг, мутасадди ходимнинг ҳаётий тажрибаси, касбий маҳорати ва бошқа шу каби манбалардан фойдаланиш ҳам мумкин, лекин бу ўринда ҳал қилувчи манба бўлиб, шу маслаҳат берилаётган одамнинг ўзидан, психодиагностика ёрдамида олинган маълумотлар асос бўлиши (хизмат қилиши) керак. Яъни, шу одамнинг ўзидан олиб - ўзига қайтариш мақсадга мувофиқ.


Ҳар бир тестда синалувчида ўрганилаётган сифатлар қай даражада намоён бўлиши, ифодаланиши аниқланади. Тест натижалари изоҳида шахс ҳақида маълум бир тавсиф берилди. Буларнинг ҳаммаси ҳам бир ёқлама ижобий бўлавермаслиги мумкин. Шу аниқланган сифатларнинг мақсадга эришишга, ишнинг муваффақиятига ҳалақит қилиши мумкин бўлган жиҳатлари бартараф этилиши лозим бўлади. Бунинг учун, тестнинг стимул варианты (тест саволи, топшириқлари), шу саволга берилган жавоб, бу жавоб учун қалитга мувофиқ қўйилган баҳо ва йиғилган балларнинг изоҳи биргаликда кўриб чиқилади. Шу уч асос мазмунидан келиб чиқиб, си-

налувчига тегишли маслаҳат берилди, салбий сифатлари ўзининг салбий асоратларини намоён қилмаслиги учун маслаҳат, тузатиш, профилактика тадбирлари (дастурлари) ишлаб чиқилади.

Психопрофилактикада психодиагностика орқали аниқланган маълумотларга асосланган ҳолда шахсда мавжуд бўлган ижобий ва салбий хислатлар қандай натижаларга, оқибатларга олиб бориши мумкинлиги ҳақида мулоҳаза юритилади. Рўй бериши эҳтимол бўлган салбий ҳолатлар, вазиятларнинг олдини олиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, огоҳлантиришлар берилди, йўналишлар белгилаб олинади.

Ниҳоят психологик хизматнинг сўнги йўналиши бу психологик оқартув (маърифат) ишларини олиб боришдир. Маълумки, ҳамма одамлар ҳам психологияга қизиқавермаслиги ёки ўзининг касб фаолияти характеридан келиб чиққан ҳолда психология фани ютуқлари, психологик таълимотлар, амалий психология имкониятларидан беҳабар, булар ҳақидаги маълумотларга дуч келмаган бўлиши ёки уларнинг бу ҳақдаги тасаввурлари ноадекват бўлиши мумкин. Психологик оқартув ишларини олиб бориш эса одамларни шу маълумотлардан хабардор қилиш, аҳоли ўртасида психологик билимларни тарғиб қилиш, уларнинг психологик саводхонлигини ошириш, психологик маърифий ишларни йўлга қўйилишини тақозо қилади. Унинг самарадорлиги, шубҳасиз, психологик хизматнинг юқорида санаб ўтилган йўналишлари натижаларига қанчалик асосланишга боғлиқ.

Албатта, бу ишлар (психологик хизмат)



махсус психологик маълумотга эга бўлган, малакали мутахассис кадрлар томонидан олиб борилса, айти муддао бўлади. Афсуски, бундай мутахассис, кадрларга бўлган тақчиллик республикамизда ўта кучлидир. Шундай экан, бу муаммони ҳал қилиш учун нима қилиш керак? Бизнингча, бу ўринда К.Д.Ушинскийнинг “Ҳар бир илмий маълумотли педагог - психологдир”, - деб таъкидлаган иборасига тузатиш киритиб, “Ҳар бир олий, илмий маълумотли, мулоҳазали, ўз ишини севадиган ходим - шубҳасиз психологдир”, - деб юритишимиз ва ҳар бир ходимнинг ҳақиқатан ҳам психодиагностика, амалий психология билимларини етарли даражада эгаллаган, ўз фаолиятида ҳозирги замон психологияси ютуқларидан оқилона фойдалана оладиган кадр бўлиб етишишига ва у ҳақиқатан ҳам одамни билиш борасида, шубҳасиз, психолог бўла олиши лигига эришиш лозим.

Бунга асосан ўзини-ўзи ўқитиш, ўзини-ўзи тарбиялаш, ўз устида, ўз билим, малака, кўникмаларини ошириш борасида узлуксиз, мустақил ишлаш орқалигина эришиш мумкин. Тегишли соҳа мутахассислари малака ошириш ёки қайта тайёрлаш курслари ўқув дастури доирасида, психологиядан белгиланган машғулотларда иштирок этар эканлар, айниқса, бу фан бўйича ўтказиладиган амалий ва мустақил машғулотларда фаол иштирок этиб, тавсия этилган махсус адабиётлар, берилган психодиагностик воситалар билан яқиндан танишиб чиқиб, улар ёрдамида аввало, ўзини ўрганиб борар эканлар, ўзларининг психологик саводхонлик даражасини оширишга эришадилар. Тегишли билим, малака, кўникмаларни ўзлаштирадидлар, деб умид қиламиз.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, фанларни “Аниқ фанлар” ва “Ижтимоий-гуманитар фанлар”га фарқлаш, “Психология”ни эса ижтимоий-гуманитар фанлар қаторига киритиш аънанаси мавжуд. Бошқа фанлар намояндалари, ҳамкасбларимиз, устозлардан узр сўраган ҳолда айтамикки, агар, психология фанларининг бугунги кунларда эришган ютуқлари, унинг

юқорида келтириб ўтилган каби, илмий тамойиллари, назарий таълимотлари, йўналишлари, илмий тадқиқот воситаларидан, илмий методикалари, математик статистика усулларидан ўринли фойдаланилса, унинг талабларига амал қилинса, у “аниқликда” математика ёки физикадан ҳам қолишмайдиган аниқ фан бўла олади. Бунинг учун фақат уни яқиндан билиш, ўрганиш лозим бўлади.

Профессионал психолог ҳеч қачон у ёки бу ишни қилиш учун тўғридан-тўғри, аниқ маслаҳат, кўрсатмалар бермайди. У руҳий хасталиклар учун таблеткалар ёзиб берадиган доктор ҳам эмас, кишиларни барча бахтсизликлардан қутулишининг магик формуласини айтиб берадиган фолбин ҳам эмас. Унинг мақсади – шахсга ўзини англаши учун шароит яратиб беришдан иборат. У сизга, ҳиссий стрессларни бартараф этишга, сизни ва яқинларингиз хатти-ҳаракатлари ва хулқининг яширин мотивларини тушунишга, энг муҳими – ўз муаммоларингизни, ўзингиз мустақил ҳал қила олиш қобилиятингизни қайта тиклашга ёрдам беради. Шунинг ёдда тутингки, ўз ҳаётингизни, фақат сизнинг ўзингизгина ўзгартира олишингиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 14 август куни мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2019 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларни муҳокама қилиш ҳамда 9 ой ва йил якуни бўйича белгиланган прогноз параметрларига эришишни таъминлайдиган устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилишдаги нутқидан. 55 / 15.08.2019 187124. kun.uz / Ўзбекистон Президент матбуот хизмати.
2. Psixologik atamalar ruscha – o'zbekcha izohli lug'ati /Psixol. fan. dokt., prof. G'.B.Shoumarov tahriri ostida. / Тузувчилар: Соғинов Н.А., Нишонова З.Т., Каримов Х.К., Умаров Б.М., Усмонов Э.Ш. -Toshkent: “Fan va texnologiya”, 2019.- Б. 269-270.
3. Ўша жойда.- Б. 275.
4. Psixologik atamalar ruscha – o'zbekcha izohli lug'ati /Psixol. fan. dokt., prof. G'.B.Shoumarov tahriri ostida. / Тузувчилар: Соғинов Н.А., Нишонова З.Т., Каримов Х.К., Умаров Б.М., Усмонов Э.Ш. -Toshkent: “Fan va texnologiya”, 2019.- Б. 274.
5. Psixologik atamalar ruscha – o'zbekcha izohli lug'ati /Psixol. fan. dokt., prof. G'.B.Shoumarov tahriri ostida. / Тузувчилар: Соғинов Н.А., Нишонова З.Т., Каримов Х.К., Умаров Б.М., Усмонов Э.Ш. -Toshkent: “Fan va texnologiya”, 2019.- Б. 274. –Б. 274.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ НЕЗАВИСИМОСТИ СУДЕБНОЙ ВЛАСТИ

РЕФОРМА

Во всяком демократическом обществе, ориентирующемся на правовую государственность, роль Конституции первостепенна. Но она еще более возрастает в периоды реформ, когда речь идет о кардинальных переменях не только в политической системе общества, но и в его экономической инфраструктуре. Только Конституция, адекватная новым общественным потребностям, способна обеспечить оптимальное сочетание динамизма и стабильности, необходимые для успеха крупных социально-экономических и политико-правовых реформ.

Конституция – важнейший признак правовой государственности, фундамент развития политических и социальных отношений, гарант обеспечения свобод и прав гражданина и человека.

Конституция играет огромную роль в жизни каждого государства, что определяется их особым местом в национальной правовой системе. В самом общем виде Конституцию можно определить, как правовой акт, обладающий высшей юридической силой и регулирующий основы организации государства и взаимоотношений государства и гражданина, а также институтов гражданского общества.

В современных условиях глобализации во всем мире идет интенсивный и напряженный поиск собственных моделей конституционного развития. При этом, общепризнанно, что нет и не может быть универсальной конституционной модели, единственно подходящей для всех государств.

Государственная независимость открыла перед Узбекистаном перспективу экономического, социального, правового прогресса, культурного и духовного возрождения и обновления.

Каждое государство, добившееся суверенитета, ищет свой собственный

путь политико-правового развития, стремится строить новое демократическое общество, выработать собственную конституционную модель. Анализ осуществления социально-экономических и политико-правовых реформ за годы независимости свидетельствует о том, что избранная Узбекистаном конституционная модель развития была и остается единственно правильной в тех реальных исторических и геополитических условиях, в которых развивалась и развивается страна.

Конец ноября открывает плеяду знаменательных событий – международных дней.

20 ноября мы отмечали Всемирный день ребенка и праздновали 30-летие принятия Конвенции ООН о правах ребенка. В Узбекистане широко праздновалась эта дата, впервые проведен общенациональный урок по правам ребенка.

25 ноября отмечаем Международный день борьбы за ликвидацию насилия в отношении женщин и 40-летие принятия Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин.

Одним из приоритетов является вопросы защиты прав женщин и детей, а

Акмал САИДОВ,
Директор Национального центра Республики Узбекистан по правам человека

также обеспечение гендерного равенства в судебной системе.

В этом году парламент Узбекистана принял два самых важных закона – «О гарантиях равных прав и возможностей для женщин и мужчин» и «О защите женщин от притеснения и насилия».

Кроме того, при рассмотрении в судах дел о нарушении равноправия мужчин и женщин оплата юридических услуг, оказываемых женщинам со стороны адвокатов, покрывается по их желанию за счет государства.

При обращении в суды с заявлением в целях защиты детей истцы освобождаются от уплаты государственной пошлины и иных платежей.

В уголовное и уголовно-процессуальное законодательство внедряются система ювенальной юстиции в соответствии с международными стандартами.

Позвольте мне также сказать несколько слов о статусе международно-правовых стандартов в отношении независимости судебных органов и адвокатуры. В следующем году весь мир будет отмечать 35-ю годовщину Основных принципов независимости судебных органов, утвержденных Генеральной Ассамблеей в 1985 году.

Хочу отметить, что многие из принципов, закрепленных в этих основополагающих правовых документах, теперь можно рассматривать как обычные нормы или общие принципы права, признанные цивилизованными нациями.

Как известно, если «судебные органы, у которых не обеспечена институциональная независимость и не защищена должным образом, с легкостью могут быть коррумпированы».

Судебная система является важнейшим механизмом сдержек и противовесов для других ветвей власти. Роль судов заключается в обеспечении соответствия законов, принятых Парламентом, и исполнительных актов правительства по соблюдению международных норм и стандартов.

Именно в целях обеспечения подлинной независимости судов и борьбы с коррупцией за последние 3 года в Узбекистане проведены колоссальные судебные реформы на конституционном уровне.

Реализуется Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана, второе направление которого посвящено вопросам обеспечения независимости судебной системы.

В сентябре по приглашению Правительства состоялся визит Специального докладчика Совета ООН по вопросу о независимости судей и адвокатов г-на Диего Гарсия-Саян. В ходе визита он был принят Президентом Узбекистана Ш.М. Мирзияевым, посетил 4 региона страны и состоялись более 40 встреч с руководителями палат парламента, министерств и ведомств, высших судебных органов. Проведены встречи с судьями, адвокатами, представителями институтов гражданского общества, брифинг со СМИ.

По итогам визита Спецдокладчик представил предварительные итоги официального визита в Узбекистан. Официальный доклад будет представлен в Совет по правам человека ООН в июне 2020 года.

В качестве положительных изменений, произошедших за последние годы Спецдокладчик отметил, что:

1) В качестве конституционного органа создан Высший судебный совет,



обладающий широкими полномочиями по защите судебной системы и работников судебной системы от внешнего политического давления;

2) Принят ряд мер, в том числе создание Высшей школы судей при Высшем судебном совете, целью которых является укрепление начальной и непрерывной подготовки судей;

3) Приняты меры по обеспечению безопасности судей при исполнении служебных обязанностей;

4) Передан ряд административных и технических функций, связанных с судебной администрацией, от Министерства юстиции новому Департаменту по обеспечению деятельности судов при Верховном суде;

5) Регулярно публикуются судебные решения на веб-сайте Верховного суда и постепенно внедряются цифровые процедуры с целью повышения прозрачности и облегчения доступа к правосудию;

6) Создание гарантий продвижения процесса обретения независимости адвокатской палаты от исполнительной власти;

7) Осуществлен ряд ключевых реформ в области антикоррупционной политики, в том числе принят Закон «О противодействии коррупции» и созданы механизмы реализации антикоррупционных мер.

В целях укрепления независимости судей, прокуроров и адвокатов, Спецдокладчик представил также свои первоначальные рекомендации.

В частности, Спецдокладчик предложил разработку образовательных программ по правам человека для судей.

Хочу отметить, что вопрос образования по правам человека судей и работников правоохранительных органов постоянно поднимается при рассмотрении национальных докладов Узбекистана в Совете ООН по правам человека и договорных комитетах.

В настоящее время реализуется Национальная программа действий по ре-



ализации положений Декларации ООН об образовании и подготовке в области прав человека.

Национальный центр по правам человека на регулярной основе проводит семинары и тренинги, различные встречи и дебаты с судьями, прокурорами и адвокатами по вопросам имплементации международных стандартов в сфере правосудия в национальную практику.

При содействии международных партнеров (ООН, ОБСЕ, ЮНИСЕФ, ЮНОДС) на узбекском языке изданы тексты международных договоров, руководства и пособия по данным вопросам.

С Академией Генеральной прокуратуры мы подписали Меморандум о сотрудничестве, прорабатываем вопрос создания Регионального хаба по образованию прав человека.

Более того, решением Правительства в августе т.г. при Центре образованы Учебные курсы по правам человека, в которых предусмотрено обучение представителей государственных органов и институтов гражданского общества.

В этой связи, предлагаем рассмотреть Высшей школе судей следующие предложения о:

1. внедрении специального учебного курса «Права человека» для судей и работников судов;

2. открытии кафедры «Права человека и гендерное равенство»;

3. подготовке учебного пособия «Права человека и международные стандарты отправления правосудия».

Гулнора ХУДАЙБЕРДИЕВА,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти, юридик фанлар номзоди

Ўзбекистон Республикасининг “Медиация тўғрисида”ги қонуни 2019 йилнинг 1 январидан кучга кирди. Мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад - медиация соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдан иборат.

Қонун матнида медиация ҳақидаги асосий тушунчалар, медиация тамойиллари, махфийлик ва ихтиёрийлик принциплари, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари, медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислиги, медиаторга қўйилган талаблар каби кўплаб моддалар келтирилган.

Қонуннинг амал қилиши медиацияда иштирок этмаётган учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамоат манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низо-ларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Медиация - келиб чиққан низо тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули.

Тарафлар ва медиатор медиация иштирокчилари ҳисобланади. Жисмоний шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам

медиация тарафлари бўлиши мумкин.

Медиация икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида бўлиши, шунингдек бир ёки бир нечта медиатор томонидан амалга оширилиши мумкин. Тарафлар медиацияда шахсан ёки ўз вакили орқали қонун ҳужжатларига мувофиқ иштирок этади.

Медиация тарафлари:

- медиаторни ихтиёрий равишда танлашга;
- медиатордан воз кечишга;
- медиациянинг исталган босқичида унда иштирок этишдан воз кечишга;
- медиация тартиб-таомилни амалга оширишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шахсан ёки ўз вакиллари орқали иштирок этишга ҳақли.





Медиация тарафлари ўрталарида тузилган медиатив келишувни ушбу келишувда назарда тутилган тартибда ва муддатларда бажариши шарт.

Медиация тарафлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида ўзга мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Қонуннинг давлат органларининг иш бўйича медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғидаги ҳаракатларига доир моддасига кўра:

– қонунда назарда тутилган ҳолатларда ваколатли давлат органи ишнинг муҳокамасини қолдириб, медиация тартиб-таомилини амалга ошириш учун муддат тайинлаши мумкин;

– медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида давлат органининг бевосита аралашуви таъқиқланади;

– судда иш қўзғатилганидан кейин медиация тартиб-таомилини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари процессуал қонун ҳужжатларида белгиланади;

– суд муҳокамаси жараёнида, низони ваколатли давлат органида кўриш жараёнида медиация тартиб-таомилини амалга ошириш чоғида тарафлар томонидан эришилган медиатив келишув тегишли иш қайси суд ёки ва-

колатли давлат органининг иш юритувида турган бўлса, дарҳол ўша судга ёки ваколатли давлат органига юборилади;

Низо медиатив келишув билан медиация тартибида ҳал қилинган тақдирда, тўланган давлат божи қайтарилиши лозим. Бундан ташқари, қонун матнида медиация билан боғлиқ қатор атама ва тушунчаларга изоҳ берилган, профессионал медиаторлар реестри тақдим этилган.







Медиаторнинг фаолияти профессионал ёки непрофессионал асосда амалга оширилиши мумкин.

Профессионал асосдаги медиатор фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган медиаторларни тайёрлаш дастури бўйича махсус ўқув курсидан ўтган, шунингдек Профессионал медиаторлар реестрига киритилган шахс амалга ошириши мумкин.

Нпрофессионал асосдаги медиатор фаолиятини йигирма беш ёшга тўлган ва медиатор вазифаларини бажаришга розилик берган шахс амалга ошириши мумкин.

Нпрофессионал асосдаги медиаторлар асосан нодавлат нотижорат ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, мулкый низолар бўлмаган соҳаларда ва идораларда фаолият олиб бориши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан 2019 йилда нашр қилинган китоблар



**“Юрист ахборотномаси.
Вестник юриста.
Lawyer herald”
илмий-амалий журнали**

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази



Таҳрир кенгаши:

Ф. Э. Мухамедов – Юристлар малакасини ошириш маркази директори, таҳрир кенгаши раиси;

А. Х. Саидов – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказ директори, академик, ю.ф.д., таҳрир кенгаши аъзоси;

Х. Б. Бобоев – Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, ю.ф.д., профессор, таҳрир кенгаши аъзоси;

А. Б. Ғафуров – Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари, ю.ф.н., доцент, таҳрир кенгаши аъзоси;

О. Оқюлов – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоси, ю.ф.д., профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, таҳрир кенгаши аъзоси;

Д. У. Арипов – Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби директори ўринбосари, юридик фанлар номзоди;

Т. Е. Каудыров – Қозоғистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Одил судлов академияси ректори, ю.ф.д, профессор, таҳрир кенгаши аъзоси;

Элизер Ривлин – Судьялар тайёрлаш халқаро ташиқлототи президенти, Исроил Олий суди собиқ судьяси, таҳрир кенгаши аъзоси.

Таҳрир ҳайъати:

Х. Т. Маматов – юридик фанлар доктори, доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси;

Р. Р. Шакуров – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра доценти, юридик фанлар номзоди;

Л. А. Саидова – Юристлар малакасини ошириш маркази Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ю.ф.д., таҳрир ҳайъати аъзоси;

Б. И. Исмоилов – Юристлар малакасини ошириш маркази Давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.д., таҳрир ҳайъати аъзоси;

Х. Одилқориев – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори, профессор;

Ғ. Алимов – Юристлар малакасини ошириш маркази Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси;

У. Аюбов – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.н., таҳрир ҳайъати аъзоси;

А. Мўминов – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ЮНЕСКОнинг Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент, таҳрир ҳайъати аъзоси.

Бош муҳаррир:
Бобокул ТОШЕВ

**Ижодий гуруҳ
Муҳаррир:**
Арслон ЭШМУРОДОВ

Саҳифаловчи дизайнер:
Шокиржон АЛИБЕКОВ

Манзил: 100052, Тошкент шаҳри,
Мирзо Улуғбек тумани,
Катта Дархон кўчаси, 6-уй

Ўзбекистон Республикаси
Маtbуот ва ахборот агентлигидан
12.03.2018 йилда 0963-рақам
билан рўйхатдан ўтган.

Бир йилда тўрт марта чоп этилади. Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

МУНДАРИЖА

Мингбоев У., Суд органлари мустақиллигини таъминлаш, Ўзбекистондаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий моҳиятини ташкил этади.....	4-7
Маматов Х., Демократик сайловлар ва инсон ҳуқуқлари.....	8-11
Одилқориев Х., Ижтимоий ҳуқуқий онгни юксалтириш тизимида юристларнинг касбий онги ва маданиятини оширишнинг аҳамияти.....	12-17
Рахматов А., Ўзбекистонда киберспорт қатнашчиларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми масалалари.....	18-25
Рахимов А., Демократик сайловлар – парламентни ҳақиқий демократия мактабига айланишининг муҳим шарти.....	26-31
Одилқориев Х., Давлат ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий ҳамкорлигини такомиллаштириш муаммолари.....	32-39
Соғинов Н., Кадрларнинг касбий аҳамиятли сифатлари ва мотивацион тизими..	40-43
Тулътеев И., Правовые ценности и их значение в совершенствовании гражданской государственной службы.....	44-49
Исмоилов Б., Предотвращение коррупции в судебной системе Узбекистана.....	50-60
Тошев Б., Коррупция ва терроризмга қарши курашда маърифатнинг ўрни.....	61-64
Насриев И., Прекращение обязательств (анализ действующего законодательства)..	65-69
Ахраров Б., Ўзбекистон қонунчилигида юридик шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги.....	70-74
Исроилов Б., Соғинов Н., Психиатрия ёрдамими ёки психологик ёрдамми?.....	75-84
Саидов А., Актуальные вопросы обеспечения независимости судебной власти.....	85-87
Худойбердиева Г., Яраштирув комиссияси медиациями?.....	88-89